



KASB BAYRAMI NISHONLANDI

3-sahifa ▶▶

● Gazeta 1992-yilning 24-iyunidan chiqa boshlagan ● 2022-yil 16-dekabr, №50 (3009)

YANGI O'ZBEKISTONDA EL AZIZ, INSON AZIZ

VATANPARVAR

www.mv-vatanparvar.uz

IJTI

Y. HARBIIY-VATANPARVARLIK GAZETASI



“SAZAGAN” DA OSHIRILGAN JANGOVAR SALOHIYAT

Nazariy olingan bilimlar turli uzoqlikdagi nishonlarni topish va jangovar qurollar yordamida ularni yo'q qilish bo'yicha o'tkazilgan amaliy mashg'ulotlarda qo'l keldi.

4-sahifa ▶▶



ULUG'BEK

YANA SOVRINDOR

19-sahifa ▶▶

@ vatanparvar-bt@umail.uz

t.me/mv_vatanparvar_uz
t.me/mudofaavazirligi

facebook.com/mudofaavazirligi

instagram.com/mudofaavazirligi

youtube.com/c/uzarmiya

9

NIYATINGGA
YETGIN,
O'G'LIM!

12-13

TAQDIRINI
BUYUKLIKKA
ULAGAN ZOT

15

FOZIL YO'LDOSH –
BAXSHILAR
SULTONI

Tahririyat
haqida
ma'lumot



АҲОЛИ ТУРМУШ ДАРАЖАСИНИ ЯХШИЛАШГА ҚАРАТИЛГАН ЗАРУР ЧОРА-ТАДБИРЛАР БЕЛГИЛАНДИ

Президент Шавкат Мирзиёев 13 декабрь куни Тошкент шаҳрининг Учтепа туманидаги инфратузилма ва ижтимоий соҳа объектлари фаолияти билан танишди ҳамда фаоллар иштирокида йиғилиш ўтказди.

Давлатимиз раҳбари дастлаб «Тошшаҳартрансхизмат» акциядорлик жамияти тизимидаги 18-автобус саройида бўлди.

Жамоат транспорти тизими ривожлангани шаҳар ҳаётининг энг муҳим жиҳатларидан бири. Лекин Тошкент шаҳрида бу соҳа ҳозирги ўзгаришлардан орқада қолмоқда. Хусусан, сўнгги йилларда кўплаб турар жойлар қурилди, аҳоли сони ошди, шаҳар ҳудуди ҳам кенгайди. Пойтахтимизда кунига 1 миллион 300 минг йўловчи жамоат транспортдан фойдаланмоқда.

Бу талабга жавоб бериш учун «Тошшаҳартрансхизмат» тизимида автобуслар етишмаяпти. Борларининг ҳам кўпи эскирган. Шу сабабли йўналишларга режага нисбатан 90-100 та автобус кам чиқмоқда. Кўчаларда жамоат транспорти устуворлиги йўлга қўйилмаган. Буларнинг оқибатида йўловчилар автобусларни 20-30 дақиқагача кутишига тўғри келмоқда.

Давлатимиз раҳбари бу ҳолатни кескин танқид қилиб, айниқса, ҳозиргидек совуқ кунларда бунга умуман йўл қўйиб бўлмаслигини таъкидлади. Шу боис кучайтирилган тартибда ишлаб, энг оғир йўналишларга қисқа муддатда қўшимча автобуслар қўйиш бўйича топшириқ берди.

Бунинг учун хусусий корхоналар автобуслари ҳам жалб этилади. Уларга харажатларининг бир қисмини қоплаш учун давлат томонидан субсидия берилади. Йўл ҳаракати хавфсизлиги ходимлари автобуслар қатновиغا қўшимча қулайликлар яратади.

Қатновлар тезкорлиги ва хизмат сифатини таъминлаш, ҳайдовчиларнинг ойлик маошларини ошириш бўйича ҳам кўрсатма берилди.

Шу ерда Тошкент шаҳрида жамоат транспортини ривожлантириш масалалари бўйича тақдирот ўтказилди. Қайд этилганидек, бу йил 277 та автобус ва электробус харид қили-

ниб, қатновга қўйилди. Автобуслар ҳаракати ва тўловлар тизими рақамлаштирилди.

Бугунги кунда «Тошшаҳартрансхизмат» тизимида 142 та йўналиш бор. Йўловчилар оқимининг кўпайиш прогнозидан келиб чиқиб, жамоат транспортининг 167 та йўналишдан иборат янги тармоғи шакллантирилган. Бу йўналишларни таъминлаш ва Тошкент шаҳрида жамоат транспортига бўлган талабни тўлиқ қондириш учун яна 1000 та катта сиғимли автобус зарур. Бу орқали автобусларнинг оралиқ интервалини 7-10 дақиқагача қисқартириш мумкин.

Президент автобус саройидаги транспортларни кўздан кечирди. Ушбу корхона 22 та йўналиш бўйича кунига 74 минг йўловчига хизмат кўрсатмоқда.

Давлатимиз раҳбари «Тошкент иссиқлик маркази» корхонасининг Чилонзор иссиқлик марказини бориб кўрди.

Ушбу мажмуа 1969 йилда қурилган. Қозонхона 700 Гкал қувватга эга. Марказ 921 та кўп қаватли уй ва 100 дан ортиқ ижтимоий соҳа объектларига иссиқлик қуввати етказиб беради.

Сўнгги кунларда об-ҳавонинг кескин совиб кетиши оқибатида газ босимининг пастлиги кузатилмоқда. Бу иситиш даражасига салбий таъсир қилмоқда.

Чилонзор иссиқлик марказида ҳам ускуна ва тармоқлар эскирган. Иссиқликни узатишда йўқотишлар бор.

Шу боис бу борадаги зарурий чора-тадбирлар муҳокама қилинди.

Давлатимиз раҳбари иссиқлик ишлаб чиқаришнинг муқобил манбаларини излаш, қувурлар ва уйларда ҳароратни асраш зарурлигини таъкидлади.

Тошкент шаҳри туманларига электрда ишлайдиган 2 мегаваттлик станциялар олиб келиб, қўшимча иссиқлик қувватлари яратиш таклифи маъқулланди. Бундай битта қурилма 1 минг 340 та хонадонга иссиқлик ет-

казиб беради. Ишлаб чиқариш харажати камлиги эвазига нарх ошмайди.

Шавкат Мирзиёев кутилмаганда шу ердаги Ширин маҳалласини кириб кўрди. Аҳоли хонадонларида бўлиб, турмуш шароитлари, иссиқлик таъминоти билан қизиқди.

Шундан сўнг давлатимиз раҳбари Учтепа тумани Найман маҳалласидаги оилавий болалар уйи билан танишди.

Мамлакатимизда етим ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болалар алоҳида эътиборга олинган. Давлат томонидан берилган имтиёзлар натижасида бундай болаларни ўз бағрига олаётган оилалар ортиб бормоқда. Жумладан, 131 та оилавий болалар уйлари ташкил этилиб, 808 нафар ўғил-қиз тарбияга олинган.

Учтепа туманидаги мазкур оилавий болалар уйи ҳам шу борадаги ишларнинг мантиқий давомидир. 2 қаватли бино Миллий гвардия томонидан реконструкция қилиниб, 12 та оила учун шароит яратилган. Барча хонадонлар маиший техника, мебель ва хўжалик жиҳозлари билан таъминланган.

Президентимиз шундай оилалардан бири – Иномжон ва Дилдора Давлатовлар хонадонига бўлди. Улар 4 нафар етим болани ўз қарамоғига олган.

Болажонлар ўз оиласи бўлишини орзу қилгани, давлат эътибори билан бу орзуси ушалганини айтишди.

Ота-оналарнинг ўз фарзандлари ва тарбияга олинган болалар шу ердаги 238-умумтаълим мактабида таълим олади.

Мажмуада 2 та спорт зали, мини-футбол стадиони, ўйин ва воркаут майдончалари, ёзги саҳна, хиёбон ташкил этилган. Манзарали ва мевали дарахт ниҳоллари экилган. Мўъжазгина томорқада рўзғорбоп маҳсулотлар етиштирилади.

Давлатимиз раҳбари ўқув ва спорт тўғрисидаги кириб кўрди, ёшлар билан суҳбатлашди.

Шу ерда Тошкент шаҳри туманларини маҳаллабай ривожлантириш масалалари бўйича йиғилиш ўтказилди.

Ўтган 11 ойда пойтахтимизда 650 та лойиҳа амалга оширилиб, 30 мингта иш ўрни яратилган. Хусусан, Учтепа туманида янги тадбиркорлик субъектлари сони 1 минг 110 тага кўпайган.

Тошкентда савдо, саноат ва хизматларни ривожлантириш учун катта имкониятлар борлиги қайд этилди. Бундан тўла фойдаланиб, пойтахтни ишсизликдан холи ҳудудга айлантириш вазифаси белгиланди.

Президентимиз ижтимоий муаммоларни ҳал этиш масалаларига алоҳида эътибор қаратди.

Пойтахтимизда 584 та маҳалла бор. Уларни обод қилиш, йўлларни яхшилаш бўйича кўп ишлар қилинмоқда.

Давлатимиз раҳбари навбатдаги режалар, аҳолининг талаб-истаклари юзасидан маҳалла раислари билан суҳбатлашди.

Улардан келиб чиқиб, 44 та ижтимоий объектни таъмирлаш, болалар боғчаси, поликлиника, истироҳат боғи ташкил этиш чоралари белгиланди.

Тошкент шаҳридаги 12 та иссиқлик марказининг барчаси 1968-1986 йилларда қурилган бўлиб, ускуналари эскирган. Шу боис улардан 9 таси негизда иссиқлик ва электр энергияси ишлаб чиқарувчи замонавий марказлар ташкил этилади. Натижада пойтахтимизда ҳар йили қўшимча 3 миллиард киловатт-соатдан зиёд электр энергияси ишлаб чиқарилади.

Янги йил байрами арафасида бозорларга озиқ-овқат маҳсулотларини етказиб бериш, жамоат хавфсизлигини таъминлаш бўйича ҳам кўрсатмалар берилди.

**Зиёдулла ЖОНИБЕКОВ,
Икром АВВАЛБОВ,
ЎЗА мухбирлари**

МИЛЛИЙ АВИАКОМПАНИЯНИ ТРАНСФОРМАЦИЯ ҚИЛИШГА ОИД ТАКЛИФЛАР КЎРИБ ЧИҚИЛДИ

Президент Шавкат Мирзиёев 14 декабрь куни «Uzbekistan airways» акциядорлик жамиятини трансформация қилишга оид таклифлар тақдимоти билан танишди.

Давлатимиз раҳбарининг 2021 йил 30 апрелдаги қароридан фуқаро авиацияси корхоналарини трансформация қилиш бўйича вазифалар белгиланган эди. Бу борада илғор хорижий тажриба ўрганилмоқда, етук консультантлар жалб этилмоқда.

Хусусан, «Uzbekistan airways» акциядорлик жамиятини ислоҳ қилиш бўйича туркиялик мутахассис Илкер Айжи жамоаси билан иш олиб борилмоқда. У «Турк ҳаво йўллари» авиакомпаниясини бошқарган кезде уни минтақавий даражадан глобал миқёсга муваффақиятли олиб чиққан.

Бугун «Uzbekistan airways» олдига ҳам шундай вазифа қўйилган. Мамлакатимизнинг географик жойлашуви ва соҳа инфратузилмасидан оқилона фойдаланиб, уни халқаро транспорт хабиға айлантириш кўзда тутилган.

Тақдимотда давлатимиз раҳбарига «Ўзбекистон ҳаво йўллари»ни трансформация қилиш ва ривожлантириш бўйича ишлаб чиқилган стратегия ҳақида ахборот берилди.

Унга мувофиқ, авиакомпанияга халқаро тажриба асосида корпоратив бошқарув тизими жорий этиш,

ҳаво кемаларини кўпайтириш, хизматлар сифатини ошириш ва юк ташиш тармоғини кенгайтириш чоралари кўрилади. Хорижий инвесторларни жалб этган ҳолда авиакомпанияни жаҳон стандартлари асосида хусусийлаштириш ишлари якунига етказилади.

Булардан кўзланган асосий мақсад «Ўзбекистон ҳаво йўллари»ни етакчи минтақавий авиакомпанияга айлантириш, шунингдек, аҳолининг маҳаллий ва халқаро йўналишларда арзон нархларда ҳаракатланишини таъминлашдан иборатдир.

Президентимиз бу режаларни маъқуллаб, унинг ижросига тезроқ киришиш кераклигини таъкидлади.

– Бу соҳада ўн йилга кечикканмиз. Авиакомпания эскича услубда ишляпти, йўловчилар хизмат сифатидан рози эмас. Агар иқтисодиётимизни, туризмни ривожлантираемиз десак, яққаю ягона йўлимиз шу, – деди Шавкат Мирзиёев.

Авиакомпанияда лойиҳа офиси тузиб, трансформация жараёнини мувофиқлаштириб бориш бўйича тавсиялар берилди.

(ЎЗА)

Sana

Қуролли Кучлар академиясида Мудофаа вазирлиги тизимидаги тарбиявий ва мафкуравий ишлар ҳамда кадрлар органлари мутахассисларининг касб байрами муносабати билан тантанали тадбир ўтказилди.

КАСБ

БАЙРАМИ НИШОНЛАНДИ



қимматбаҳо совғалари билан тақдирланди. Бундан ташқари, «Рухий зўриқишларни ечишнинг намунали хонаси», «Энг илғор ҳарбий психолог» танловларида Марказий ҳарбий округ вакиллари – майор Охунжон Тўрақулов ва катта лейтенант Анвар Қулсахатов I даражали диплом ва телевизор билан рағбатлантирилди. Шунингдек, тадбирда барча танловларнинг иккинчи ва учинчи ўрин совриндорлари ҳам муносиб тақдирланди.

2022 йилда эришилган ютуқлар ва таҳлилий натижаларга кўра, Марказий ҳарбий округ жамоаси «Маънавий-маърифий ишлар йўналишида энг илғор кўмондонлик» деб топилди. Тадбирда Марказий ҳарбий округ кўшинлари кўмондони видеоконференц-алоқа орқали сўзга чиқиб, ўзининг байрам табриги ва келгуси режалари хусусида сўз юритди.

Жануби-ғарбий махсус ҳарбий округга «Ёшлар билан ишлаш йўналишида энг илғор кўмондонлик», Шимоли-ғарбий ҳарбий округга «Ҳарбий хизматчиларнинг ахлоқий-руҳий тайёргарлиги ва жанговар руҳини оширишга энг катта



Дастлаб «Тарбиявий ишлар самарадорлигини оширишда босиб ўтилган қадамлар» номли видеоролик намойиш этилиб, унда соҳа фаолиятида эришилган салмоқли натижалар юзасидан таҳлилий маълумотлар берилди.

Тадбирда мудофаа вазирининг тарбиявий ва мафкуравий ишлар бўйича ўринбосари полковник Ҳамдам Қаршиев мамлакатимиз Қуролли Кучларининг асосий бўғини, армия маънавияти ҳамда кадрлар сиёсатини белгилувчи соҳа мутахассисларини касб байрами билан самимий қутлади. Шундан сўнг вазир ўринбосарининг соҳа вакиллари муносиб рағбатлантириш тўғрисидаги буйруғига кўра, бир гуруҳ ҳарбий хизматчилар эсдалик ва кўкрак нишонлари ҳамда қимматбаҳо совғалар билан тақдирланди. Шунингдек, Мудофаа вазирлигининг бир гуруҳ фахрийлари, куч тузилмалари вакиллари мазкур шарафли касб эгаларига ўзларининг самимий тилак ва табрикларини йўллади.

2022 йилда вазирлик миқёсида ўтказилган «Энг

илғор тарбиявий ва мафкуравий ишлар органи мутахассиси» кўрик-танловининг якуний босқичи ғолиблари эълон қилинганида тадбир янада қизғин паллага кирди. «Энг илғор взвод командирининг тарбиявий ва мафкуравий ишлар бўйича ўринбосари» йўналишида капитан Юсуф Холжонов (ШҲО), «Энг илғор батальон командирининг тарбиявий ва мафкуравий ишлар бўйича ўринбосари» йўналишида майор Элёр Матёқубов (МҲО), «Энг илғор бригада командирининг тарбиявий ва мафкуравий ишлар бўйича ўринбосари» йўналишида майор Сардор Садилов (ЖФМҲО) I даражали диплом ва қимматбаҳо совғалар соҳиби бўлди.

– «Энг илғор батальон командирининг тарбиявий ва мафкуравий ишлар бўйича ўринбосари» танловида кучли рақиблар орасидан фахрли 1-ўринни эгаллаш осон бўлмади, – дейди майор Элёр Матёқубов. – Мусобақада нафақат батальонимиз, балки Марказий ҳарбий округ шарафини ҳимоя қилиш масъулияти бор эди. Узоқ вақт кўрилган тинимсиз тайёргарлик ўз самарасини кўрсатди. Жорий йилда ҳам ғалабани қўлдан бой бермадик. Яна олий

ўринни қўлга киритганимиздан бениҳоя хурсандман. Фурсатдан фойдаланиб, барча ҳамкасбларимизни касб байрами билан чин дилдан табриклаб, машаққатли хизмат фаолиятида улкан муваффақият тилайман.

«Энг илғор кадрлар органи мутахассиси» танлови натижаларига кўра, катта лейтенант Илёсбек Мамажонов (ШҲҲО) «Энг илғор батальон бўғинидаги кадрлар органи мутахассиси», майор Фарҳоджон Шодиев (ЖФМҲО) «Энг илғор бригада бўғинидаги кадрлар органи мутахассиси» йўналишида мутлақ ғолибликка эришган бўлса, «Энг илғор ҳарбий касбий-саралаш органи офицери» танловида майор Шавкат Мухаммадиев (ЖФМҲО), «Округ бўғинидаги энг илғор кадрлар органи мутахассиси» танловида майор Ботиржон Холматов 1-ўрин ғолиби сифатида эътироф этилди.

Марказий ҳарбий округдан капитан Улуғбек Иномжонов «Энг яхши маънавий-маърифий тайёргарлик хонаси», Шарқий ҳарбий округдан подполковник Шавкатжон Абдурахимов «Энг яхши руҳий барқарорликни шакллантириш йўлаги» танловида Мудофаа вазирлигининг I даражали дипломи ва

эътибор қаратган кўмондонлик», Тошкент ҳарбий округига «Ҳарбий хизматчилар ва уларнинг оилалари ижтимоий ҳимоясига энг катта эътибор қаратган кўмондонлик», Тоифаланган объектларни қўриқлаш кўшинлари кўмондонлигига эса «Маданий тадбирларни ташкил этишга энг катта эътибор қаратган кўмондонлик» номинациялари бўйича Мудофаа вазирлигининг диплом ва қимматбаҳо совғалари топширилди.

Тадбирда фаолиятини оммавий ахборот воситаларида ёритиш бўйича энг фаол ҳарбий округ матбуот хизмати номи аниқланди. Мазкур йўналишда Шарқий ҳамда Марказий ҳарбий округлар ва Жанубий оператив кўмондонлик матбуот хизматлари фаол деб топилди, ноутбук ва профессионал фотоаппарат ваучерлари билан тақдирланди.

Тантанали тадбирда Қуролли Кучлар Марказий ашула ва рақс ансамбли ҳамда эл суйган санъаткорлар, хушовоз хонандалар ижросидаги концерт дастури барчага байрамона кайфият бағишлади.

**Лейтенант
Дилшод РЎЗИҚУЛОВ,
«Vatanparvar»**

Mardi maydonlar



«САЗАГАН» ДА

ОШИРИЛГАН ЖАНГОВАР

САЛОҲИЯТ

Барча округларда бўлгани каби Марказий ҳарбий округ кўшинларида ҳам ҳарбий хизматчиларнинг жанговар қобилиятини ошириш ва ҳар қандай об-ҳаво шароитида жанговар вазифасини адо этиш мақсадида мунтазам равишда машғулотлар ташкил этиб келинмоқда.

Хусусан, «Сазаган» дала-ўқув майдонида қорли шароитда ўтказилган жанговар машғулотлар давомида батальон тактик гуруҳи зирҳли техникаларда ҳаракатланиб, ўқув нуқталарига белгиланган меъёрларни бажарган ҳолда етиб боришди.

Шундан сўнг ҳарбий хизматчилар иқлимга мос равишда ниқобланиш, оммавий қирғин қуролларидан ҳимояланиш, ҳаво ҳужумидан мудофаани ташкил этиш, қорли тоғ шароитида турли позицияларда турган ҳолда жанговар қуроллардан янгича отиш усул ва услубларини амалда қўллади.

Назарий олинган билимлар турли узокликдаги нишонларни топиш ва жанговар қуроллар ёрдамида уларни йўқ қилиш бўйича ўтказилган амалий машғулотларда қўл келди. Бунда ёш ҳарбий



хизматчиларга узок йиллик хизмат фаолиятига эга тажрибали Ватан посбонлари керакли кўрсатмалар бериб борди. Дарҳақиқат, бугун миллий армиямиздаги «Устоз-шогирд» анъанаси мана шундай кўринишда ривож топиб бормоқда.

Шунингдек, кўшинларни бир нуқтадан иккинчи нуқтага кўчириб ўтказиш, ҳарбий техника ва юкларни ташиш учун фойдаланиладиган темир йўл вагонларига ишончли ва мустаҳкам тарзда жойлаштириш, сақлаш ва олиб юриш бўйича машғулотлар ўтказилди.

Умуман олганда, ҳарбий хизматчиларнинг ҳар қандай шароитда ҳам жанговар салоҳиятини амалда намоён этиши уларнинг иродаси мустаҳкамлиги ва сарҳадларимизнинг метин қалқони бўла олишидан далолат беради.

**Марказий ҳарбий округ
матбуот хизмати**



Musobaqa



ЭПЧИЛЛИК ВА ЧАПДАСТЛИК

Жануби-ғарбий махсус ҳарбий округ тасарруфидаги Хайробод гарнизонида жойлашган ҳарбий қисмда Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлари ҳарбий хизматчилари ўртасида «От устида эстафета» бўлиб ўтди.

Мусобақанинг тантанали очилиш маросимида Жанубий оператив қўмондонлик бошлиғи полковник Пўлатжон Сативалдиев, Денов тумани ҳокими Абдумалик Алламуродов, Термиз ҳарбий прокуратураси, давлат ва жамоат ташкилотлари, фахрийлар ҳамда ёшлар, шунингдек, ҳарбий хизматчилар иштирок этди.

Тадбир ташкилотчилари мусобақа ўтказиладиган жойни Сурхон этно маданиятини акс эттирувчи жиҳозлар билан безатиб, ҳарбий хизматчиларнинг оила аъзолари томонидан ўтовлар тикланди. Улар йиғилганлар эътиборига қўл меҳнати намуналари бўлган кашта ва қуроқ тикиш, ип йиғириш маҳоратларини намойиш этиш билан бирга фольклор чиқишлари орқали барчага байрамона кайфият улашишди. Сурхондарё вилояти маданият уйи актёрлари эса Амир Темур ва Жалолидин Мангуберди ҳарбий ҳаётига оид сахна кўринишини ижро

этишди. Бахшилар томонидан дўмбира жўрлигида терма ва дostonлар куйланди. Фахрий қоровул шахсий таркибининг сахна чиқишлари ҳамда қўл жанги намойиш этилди.

Мусобақа шартларига кўра иштирокчилар учта йўналиш бўйича ўзаро беллашдилар. Ғолибликка даъвогарлар отларни чоптирган ҳолда ердаги ва тўрт метр баландликдаги байроқчаларни олиб келиш, шунингдек, улоқ-кўпкари баҳсларида ўз чавандозлик қобилиятларини амалда кўрсатиб беришди. Қизиқарли ва муросасиз кечган беллашувлар натижасига кўра 300 балл тўплаган Миллий гвардия жамоаси 3-ўринни қўлга киритган бўлса, ДХХ Чегара қўшинлари жамоаси 360 балл билан 2-ўринга лойиқ топилди. «От устида эстафета» мусобақасининг мутлақ ғолиблиги Мудофаа вазирлиги шарафини ҳимоя қилган ҳарбий хизматчиларга насиб этди. Ғолиб жамоа уч шарт якунига кўра

БАҲСЛАРИ



435 балл тўплашга муваффақ бўлди ва бошқа рақибларни сезиларли тарзда орта қолдирди.

Мусобақа ғолиб ва совриндорлари мудофаа вазири ўринбосарининг диплом, кубок, эсдалик совғалари билан тақдирланди. Энг муҳими, беллашув давомида миллий қадриятларимизни кўрсатиб бера олган ҳарбий хизматчилар мухлислар олқишига сазовор бўлишди. «Ов-

чилар беллашуви», «От устида эстафета» каби ҳарбийлаштирилган спорт мусобақалари ўғлонларнинг жанговар ва жисмоний маҳоратларини ошириб бориш билан бирга маданий меросларимизнинг йўқолиб кетмаслигида ҳам муҳим аҳамият касб этади.

**III даражали сержант
Акбар АҲМЕДОВ**



ЯХШИЛАРДАН



ХАБАР БЕРУВЧИМАН

Журналистларни ҳамма ҳам ёқтирмайди. Аслида орзули касблардан бири. Орзули... Шу сўзни ёздиму, ўйланиб қолдим. Орзули касб, тўғри, бироқ шу орзумандлар орасида газета журналисти бўлман, деганлари ҳам бормикан?! Чунки баъзи ўқимишлиман, деган инсонлар ҳам газеталарнинг умри тугаганини башорат қилмоқдалар. Башорат ҳам эмас, балки бунга аниқ ишонганлар бор. Мен бунга ишонмайман! Газеталар бугунги қийинчиликларни енгиб ўтадилар, осон бўлмайди. У онгли ҳар бир инсоннинг ҳаётини эҳтиёжларидан биридир, асли.



Буни газета журналисти бўлганим учунгина ёзаётганим йўқ. Унинг тараққиётдаги ўрни, кучини билганим учун айтдим.

Мен ҳарбий журналист. Унвону рутбалари йўқ ҳарбий журналист. Биргина қаламим бор. Ҳеч қачон танқидий руҳда мақолалар ёзмадим. Маддох, дея кўнглингиздан кечдим? Хулоса қилишга шошилманг!

Қишнинг илк кунлари совуқлар билан бошланди. Табиий, қиш қишлигини қилади. Уйларимиз ҳам аввалгидек исигани йўқ. Бир-биримиз билан кўришганда совуқдан оҳ-воҳ қиляпмиз. Ҳасратимизнинг чеки йўқдек... Шундай пайтлар баъзи муҳим нарсаларни унутиб қўямиз. Бундан ҳам совуқ ҳавода, изғирин қорли-қировли кеча-кундузлари сарҳадларда, юрт ичида бурчини ўтаётган ўғилларимиз, укаларимизни ҳам эслайлик. Совуқ игнадек санчиладиган изиллаган чўлларда ҳам юрт дардида юрганлар бор.

Йигирма йилдирки, юрт ҳимоячилари ҳаётдан ёздим, фарзандлари, уларни тарбиялаб, вояга етказган оналари ҳақида ёздим. Бир парча миннатдорчилик хати туфайли севинчдан осмонларга учгудек оналар ҳақида ёздим. Юрт ҳимояси учун азиз жонини берган жангчиларнинг бағри доғли оналари билан суҳбатлашдим. Ўғли Ватан ҳимоясида ҳалок бўлган отанинг тахририятга йўллаган мактубини юрагимда

симиллаган оғриқ билан ўқиганман. Онаси ҳақида сўз кетганида алпомишкелбат, мардона қиёфали баҳодир жангчининг юзлари табассумдан, соғинчдан лаҳзада мулойимлашганига гувоҳман! «Бу «Жасорат» медали мендан ҳам кўпроқ отамнинг кўксига муносиб!» деган олижаноб офицерларни тингладим. «Мендурман, ўша!» кўшиғи янграганида сафдошлар билан ҳайқириб, жўр бўламиз», деган кўзлари чакноқ чегарачи ўғлоннинг ёшликка хос ҳаяжон тўла суҳбатлари тингловчиси бўлганимдан ғурур туяман!

Шундай экан, танқид ҳақида сўз бўлиши мумкинми? Албатта, ҳамма нарсаси бир текис, силлиқ эмас. Аммо катта ўзгаришлардан ҳам кўз юмиб бўлмайди.

Мен ҳарбий журналист. Яхшилардан хабар берувчиман, яхшиларни танитувчиман!

Биринчи ҳикоя
«Vatanparvar» газетасида эндигина иш бошлаган эдим. Жиззахдаги ҳарбий қисмларнинг бирида «Соғлом авлод» хайрия фонди тадбир ўтказди. Тадбир тугаганидан сўнг ҳовлида пойтахтдан келган шифокорлар билан суҳбатлашиб турганимизда ёш офицер келиб, шифокорларга мурожаат қилди. Ҳарбий хизматчининг ногирон фарзанди бор экан. Тадбирда айнан унинг ногиронлиги бўйича самарали даволаш усуллари борлиги айтилди. Қаерга мурожаат қилиш керак? Кимга учрашса бўлади?

– Болангиз неча ёшда?
– Менинг болам эмас, дадаси шу қисмда хизмат қилади, ҳозир полигонда, илтимос, кўпроқ маълумот беринг...

Дўстининг фарзанди бўлса керак. Ўйимда кечганини дарҳол тилимга чиқара қолдим:
– Дўстингизнинг боласими?
– Йўқ.
– Қариндошингизми?
– Йўқ. Сафдошларидан эшитдим, шу боласи учун кўп сиқилар экан...

Шифокор унга маълумотлар берди. Раҳмат айтиб, изига бурилган ёш офицернинг ортидан ҳайрат ва ҳурмат билан қараб қолдим. Дунё шундай уйғоқ қалб инсонлар борлиги учун гўзал.

Иккинчи ҳикоя
Болалар майдончасидан келаётган шўх-шодон қийқириқларга қулоқ тутганимча ошхонада куймаланар эдим. Негадир шўх қийқириқлар бирданига тинди, кўрқув тўла овозлар, йиғи-сиғи... Отилиб ҳовлига чиқдим. Чунки болаларимнинг иккиси ҳам майдончада ўйнаётган эди. Юрагим ҳаприкиб, майдончага югурдим. Ўғлим... тупроққа беланиб, ҳушсиз ётарди. Олдига қандай бордим, уни қўлимдан ким олди, эслай олмаيمان. Эслаганим, ҳарбий хизматчилар, касалхона, шифокорнинг тасаллиси...

Уша вақт болаларимнинг отаси бошқа вилоятда хизмат сафарига эди. Англаганим шу бўлдики, Ватан ҳимоячилари сафдошларининг

оилаларига ҳам эътиборсиз бўлмас экан. Ўғлим отаси сафардан қайтганича тузалиб кетди. Солиқ академиясида ўқиди, хизмат қиляпти.

Учинчи ҳикоя
Муаллима ўқувчиларига савол билан юзланди:
– Нега офицерлик шарафли касб деймиз? Бошқа касблар шарафли эмасми?

Болалар чувиллашиб, жавоб бера бошладилар.

– Устоз, улар Ватан учун жонларини фидо қиладилар, шунинг учун ҳам шарафли! Бошқа касблар учун жонини бериш керак бўлмайди.

Оғабекнинг жавоби муаллимани шошириб қўйди, ҳаяжонга солди. Болани бағрига босар экан, сўради:
– Сен буни қаердан биласан?
– Менинг дадам ҳарбий хизматчи, Ватан ҳимоячиси!

Бундай ҳикоялар қанчалик кўплигини билсангиз эди. Қисқагина умри ибрат, қаҳрамонликка йўғрилган шахидларимиз бор! Мардлик тимсоли бўлган Оталар бор, орамизда. Миллий армиямизнинг тамал тошини қўйган шарафли тақдир эгаларининг ҳаммаси ҳақида ҳам ёзган эмасмиз.

Мен ҳарбий журналист. Яхшилардан хабар берувчиман, яхшиларни танитувчиман!

Инобат ИБРОҲИМОВА,
«Vatanparvar»

"Vatan bilan ulg'ayar shon-shavkatimiz" tanloviga

ВАТАНПАРВАРЛИК

ТАРБИЯСИ
НИМАДАН
БОШЛАНАДИ?

Энг баланд иморатлар ҳам пойдевордан бошланади. Хўш, ватанпарварлик тарбияси-чи? Албатта, оддий тарбиядан. Оилада бериладиган, шу остонани, Ватан пойдевори бўлмиш оилани севмоқ, унинг тартиботларини ҳурмат қилмоқ, унга садоқатли бўлмоқни ўргатадиган оддийгина тарбиядан. Бу борада Абдулла Авлоний ҳақ гапни айтган: «Тарбия – ё ҳаёт, ё мамот, ё нажот, ё ҳалокат, ё саодат, ё фалокат масаласидир».

Бизга маълумки, ҳар бир бола тарбия асосини энг аввало оиладан, кейин ижтимоий муҳитдан олади. Лекин ҳар бир оила етарлича тарбия бериш салоҳиятига эгами? Бундан ташқари, боланинг тарбиячилари – ота-она ҳар доим унинг ёнида бўла оладими? Ота оила боқиши – ишлаши керак. Бугунги кун аёллари ҳам тинч ўтирмайдилар – ишлаб, турмуш ўртоқларига кўмаклашишлари ёки уйда бирор хунара билан шуғулланишлари, гоҳида эса турмуш ташвишларининг иқтисодий юкини мутлақо ўз елкаларига олишларига тўғри келади. Бундай ҳолларда болага етарлича вақт ажратишнинг имкони бўлмайди, албатта. Бола кўп вақтини энагада, боғчада, кейин мактабда ўтказиши керак. Боланинг ахлоқий тафаккури шаклланишида унга энаганинг, боғчанинг, таълим муассасаларининг таъсири катта бўлади. Демак, жамият ўз аъзоларини тарбиялашда ана шу таълим-тарбия муассасаларидан фойдаланиши мумкин. Президентимиз «Янги Ўзбекистон стратегияси» асарида боғча тарбиячиси, мактаб муаллими, кейинги таълим босқичларидаги профессор-ўқитувчи ва илмий-ижодий зиёлиларни бежизга Янги Уйғониш даврининг тўрт таянч устунига айлантиришни асосий мақсад қилиб олиш лозимлигини қайд этиб ўтмади. Бу мақсад остида ҳам бизнинг таълим тизимидаги шарқона ва миллий қадриятга айланган «тарбия асосида таълим бериш» тамойили асос сифатида намоён. Бундан ташқари, бу жараён «Узлуксиз маънавий тарбия Концепцияси»да кўзда тутилган вазибаларнинг амали сифатида юзага чиқади.

Таълим ва тарбия бир-бири билан узвий боғлиқ экан, демак, маърифат ва маънавиятни ҳам ажратиб бўлмайди. Айрим арбоблар Учинчи Ренессанс пойдеворидан асосий устун сифатида фақат маърифатни кўраётгани, ўрта таълимда тарбия дарсларининг камлигини, олий таълимда эса мутахассис фанларнинг ўзи билангина етук малакали кадр етиштириш мумкин, деган нуқтаи назар билан ижтимоий-гуманитар фанларни ўқитишдан воз кечиш ёки

уларни қисқартириш ғояси билан чиқаётгани таълимни тарбиядан ажратиб олишдир.

«Миллий маънавиятимизни ривожлантириш, уни халқимиз, айниқса, ёшларимиз ҳаётига сингдиришда ижтимоий-гуманитар фанлар тизимининг (эътибор қилинг: фанларнинг эмас, фанлар тизимининг!) аҳамияти катта», деб таъкидлайди Президентимиз. Лекин таълим тизимидаги бир раҳбар ўз интервьюсида, ёшларга ватанпарварликни ижтимоий гуманитар фанларсиз ҳам сингдириш мумкин, деган ғояни ўртага ташлаганда, давлат раҳбари маънавий тарғиботни тўғри йўлга қўйишда оммавий ахборот воситаларининг таъсир кучи катта эканини қайд этиб турган пайтда бу қандай тарғибот бўлди, деб ўйлаб қолдим. Маънавий қашшоқлик давлат ва жамиятнинг заифлаштирадиган энг катта куч эмасми? Давлат ва жамият заиф бўлган жойда илмни қандай ривожлантириш мумкин? Ёки у ривожланган тақдирда ҳам, ёшлар бу илмни давлат ва жамият манфаатларига қарши ишлатмайди, деб ким кафолат бера олади?

Уларга ватанпарварликдан, миллий ва умуминсоний ахлоқдан, Ватан олдидаги бурчдан ким сабоқ беради? Ким уларда миллий ғурур шаклланишига кўмаклашади, ким уларни миллий ғоя билан қуроллантиради? Афсус билан қайд этиш лозимки, таълимни мафқуралаштириш ва миллий ғоя билан қуроллантириш ўртасидаги фарқни билмайдиганлар ҳам бор экан.

Миллий ғоянинг қадриятга айланиши миллий ахлоқни шакллантиришга, жамият аъзоларини маънавий бойитишга, юксак фазилатлар руҳида тарбиялашга кўмаклашади. Жалолитдин Мангуберди қалбида эрк ва озодлик миллий ғоя сифатида қадриятга айланмаганида, унга ўт ва шижоат бера олармиди? Ёки соҳибқирон Амир Темур даврида эл-улусни бирлаштириш, «Куч-адолатда» эканлиги миллий ғоя даражасига кўтарилмаганида, у шундай буюк давлат қура олган бўлармиди?

Яна бир раҳбар талабанинг устозлар устозига савол бераётганда, ҳатто ўрнидан ҳам туришни истамаганини эркинлик, деб таърифлади. Қаранг-а! Эртага боламиз «Дада, туринг, тўрда мен ўтираман!», қизимиз «Она, танишинг, бу кўвингиз, биз фарзанд кутяпмиз!» – деганини ҳам эркинлик, деб қабул қиламизми?

Устозларимдан бири яқинда бир сўзни айтдилар: америкалик олимлардан бири уларга «сизларнинг ютуғингиз – ижтимоий гуманитар фанларни сақлаб қолганингиз. Биз улардан воз кечганимиз туфайли фарзандларимиз ахлоқини ҳам йўқотдик», деган экан. Биз кўпинча «оммавий маданият ғарбдан кириб келди», деган гапни ишлатар эканмиз, гўёки бу «маданият» ғарбда азалдан ҳукм суриб келгандай қараймиз. Мен яқинда инглиз адабиётидан Шарлотта Бронтенинг «Жейн Эйр» асарини ва яна бир қанча ғарб адабиётига оид асарларни рус тилидан ўзбек тилига ўғирдим. Маълумки, ҳар бир давр адабиёти ўша даврдаги ижтимоий муҳит, ахлоқий-тарбиявий қадриятлари, миллий хусусиятларини ҳам акс эттиради. Мен мана шу асарларда келтирилган икки-уч аср олдинги ғарб ҳаётида бугунги «оммавий маданият» унсурларини кўрмадим. Уларда мустаҳкам оила қадриятлари, юксак даражадаги этикет қоидалари акс этганди. Бундан хулосага келиш мумкинки, ғарб ёшларининг бугунги «эркин» қиёфаси азалдан келмаяпти, у айнан тарбия таълимдан узиб қўйилгани туфайли шаклланган.

Эркинлик, демократия нима ўзи? У хоҳлаган гапни гапириб, хоҳлаган ишини қилиш деганими? Афсуски, кўпгина ёшларда мана шу тушунча шаклланиб борапти. Шу боис улар устозларига ўринларидан турмай, стулда ялпайиб ўтирганча, савол беряптилар. Шу боис ўсмир ёшдаги қизларимиз ўқитувчи доскага ўғирилганда ўз ишини бажариш учун бемалол деразадан сакраб чиқиб кетишяпти. Бу ҳам етмагандай, қолган ўқувчилар ўқитувчи устидан кулишяпти. Бизчи, биз, нима қиляпмиз? Ўқитувчининг бу қизга берган танбеҳини муҳокама қиламиз, уларга ота-оналар олдида узр сўратамиз, тарбия билан шуғулланадиган ижтимоий-гуманитар фанларни қисқартиришга кўмаклашамиз. Бунга шу фанлар ўқитувчиларининг порахўрлигини сабаб қилиб кўрсатамиз. Бу бургага аччиқ қилиб, кўра ёки эмасми? Балки декан ўринбосари туфайли қизбола иккинчи қаватдан сакради, деб шу штат бирлигини ҳам қисқартириб ташлармиз?!

Яқинда «Ахлоқ фалсафаси» дарси ўтиб бўлингандан сўнг талабалар билан кичик дебат ўтказдим. Ўртага ташланган савол қуйидагича эди: «Нима деб ўйлайсизлар, номутахассис йўналишидаги талабалар учун ижтимоий-гуманитар фанлар керакми?»



Тан олиш керак, албатта, улар орасида бир-икки нафар «бизнинг мутахассислигимиз учун бу фан керак эмас», дегувчилар ҳам бўлди. Булар дарсни кўп қолдирадиган, паст баҳога ўқийдиган, касб этикетига риоя қилмаслик, форма киймаслик, саволни ўрнидан турмай беришни эркинлик, деб биладиганлар тоифасидан эдилар. Аммо 90 фоиздан ортиқ талабалар бу фанлар, албатта, ўқитилиши лозимлигини эътироф этдилар.

«Узлуксиз таълим тизимида маънавий тарбия асосларини кучайтириш лозим ва бунда ўсиб келаётган авлоднинг ёш хусусиятлари ва интилишларини ҳисобга олиш зарур. Маънавий-маърифий ишларни ташкил қилишда ана шу қоидага амал қилинмаяпти», дейди Президентимиз ўзининг «Янги Ўзбекистон стратегияси» асарида. Таълим тизимидаги узлуксиз маънавий тарбия ижтимоий-гуманитар фанлар ўқитилишининг ҳам узлуксизлигини тоқазо этади. Яъни тарбияга оид дарслар 1-синфдан то 11-синфга қадар, олий ўқув юртларида ҳам 1-курсдан охириги курсга қадар уларнинг кетма-кетлигини мувофиқлаштирган ҳолда таълим дастурларига кириштириш бугунги кунда замоннинг ўзи олдимизга қўяётган талаблардан биридир. Мен замон, деб бежизга айтмадим. Бугунги глобаллашув ва интеграция кучайиб бораётган даврда маънавий ҳаётимиздаги ўзгаришлар билан боғлиқ хусусиятларга алоҳида аҳамият қаратишимиз лозим. Чунки глобаллашув билан боғлиқ ахборот хуружлари, турли ғоявий-мафқуравий таҳдидлар айнан миллий ўзлик ва миллий маънавиятга чанг солади. Ёшлар ҳаётига бегона чет таъсирларнинг адабиёт, санъат, ижтимоий тармоқ орқали «оммавий маданият» ниқоби остида «оломон маданияти»нинг кириб келаётгани бугун глобал муаммодир.

Хулоса қилиб айтганда, жамият тараққий этиши учун биринчидан, таълим ва тарбиянинг уйғунлигини таъминлаш лозим, бунда тарбиянинг миллий асоси бўлмиш миллий қадриятларимиздан фойдаланиш муҳим аҳамият касб этади. Иккинчидан, жамиятда устоз-муаллимларга нисбатан юксак эътиромни шакллантириш чораларини кўриш керак. Бу чоралар ичига ўқитувчи малакасини ошириш ҳам, уларга моддий шароит яратиш, рағбатлантириш ҳам, уларнинг ҳуқуқ ва шаънини ҳимоя қилиш масалалари ҳам кириб кетади. Учинчидан, маънавият ва маърифат марказлари ва уларнинг бўлимлари фаолиятини таълим тизими билан уйғунлаштириш лозим. Яъни таълим муассасалари раҳбарларининг тарбиявий ишлар бўйича ўринбосарлари (уларни ёшлар ишлари бўйича, деб аташ шарт эмас, чунки уларнинг ёшлар билан ишлаши ўз-ўзидан аён) фаолияти марказларнинг ҳудудий бўлимлари билан бирга мувофиқлаштирилиши лозим.

Ҳазрат Навоий шундай деган эканлар:

*Менга не ёру не ошиқ ҳавасдур,
Агар мен одам эрсам, ушбу басдур.*

Бу худди «Олим бўлма, одам бўл!» деган нақлни эслатади. Биз ҳам фақат олимни эмас, ҳам одаму, ҳам олимни тарбияласак, айна муддао бўлар эди.

Шахло АХРОРОВА,
фалсафа фанлари бўйича
фалсафа доктори(PhD),
РМММ ҳузуридаги
Ижтимоий-маънавий
тадқиқотлар институти
катта илмий ходими

"Vatan bilan ulg'ayar shon-shavkatimiz!" tanloviga

ВАТАННИ ҚАЛБИДА БУНЁД ЭТГАНЛАР

АДАШГАН ЙЎЛОВЧИ

«Шаҳар кўчалари кириб тушига, хўрсиниб кўяди, онаминг кўзига жойланган Ватан!» Бу сатрларни қай ҳолатда ёзганман? Билибми, билмай ёздимми? Яқинда қишлоғимга бордим. 2-3 кун қолдим. «Тошкентдан келдимми, Тошкентга кетишим керакми?» Сийратимда саркаш савол пайдо бўлаверади. Киндик қоним тўкилган заминга борганим ҳамано тирикчилик қилаётган жой, макон ўрнида бўшлиқ пайдо бўлади. Гўё Тошкентда яшамайман, ишламайман. Бир умр қишлоғимда юрганман. Сурагимга эргашиб, сийратим ҳам мажбур Тошкентга қайтади. Мен Ватан излаб, адашган йўловчиманми?!

ҚИЙНАГАН САВОЛ

Талабалардан бири савол бериб қолди. «Устоз, Ватан ҳақида энг яхши мақола қандай ёзилади?» Ўзимни ҳам қийнайдиган савол. «Ватан сўзини ишлатмай ёзилган мақола» деган жавобни бераман. Сўнгра табаррук каломни ишлатмай ёзса бўладими, деб ўз-ўзимдан сўрайман. Бўлади, бўларди... Мен ожиз банда бундай қилолдимми?

ХАЗОНЛАР БЎЗЛАЙДИ

2000 йил август. Катта лейтенант эдим. Сурхондарёнинг Сариосиё ва Узун туманларида бир гуруҳ халқаро террорчиларга қарши жанг кетмоқда. «Vatanparvag» ҳарбий журналистлари ҳам жанговар шай ҳолатда. Менга юрт ҳимояси йўлида қаҳрамонларча ҳалок бўлган катта сержант Маъруфжон Ражабов ҳақида ёзиш топшириғи берилди. «Бешқўрғоннинг қўрғон йигити» сарлавҳаси билан мақола газетанинг 2000 йил 22 август сонидеда чоп этилди. Вазифа уудаланди. Кўнгил эса тўлмади. Ўзи нима билан тўлади, бу хилқат? Ана шу саволга жавоб топиш учун умргузаронлик қиламиз. Маърифат билан тўлмаган қалбнинг кўзлари бекилиб қолади. Сўқир қалб нафсга эргашади, дунёга эргашади. Саробга интилади. Йўловчини манзилидан адаштиради. Шоир дод солади: «Нафс ипига боғланур рух ипларин узган тана».

Маъруфжон 23 ёшга тўлмаган эди. Мақоладаги айрим сатрларни ўқийман: «Ярадор қашқир аламзада бўлади. Ўлимни сезиб турса-да, писиб хужумга отилиши мумкин. Шундай бўлди ҳам. Жарликнинг пастроғида пистирмада пойлаб ётишган экан, аблаҳлар. Қўққисдан отилган ўқ олдинда бораётган Маъруфжонни яралади. Йигит чапдастик билан ҳаракат қилиб, жанговар қуроли ёрдамида жавоб қайтарди. Жароҳатидан қон оқиб турган бўлса-да, қулай позицияга жойлашиб олиб, душманга муносиб зарба бера бошлади, ўғлон. Бир нечта бандитни ер тишлатди ҳам. Маъруфжоннинг дўсти Баҳодир ёрдамга шошилди. Ёнидаги дори-дармон қутчасидан дока олиб, жароҳатини боғлашга чоғланди. Аммо снайпер ўқидан ўзи ҳам яраланди. Вазият ўта жиддий. Пистирмадаги душманнинг ҳали уни ўчгани йўқ. Қон йўқотган Маъруфжоннинг дармони қурий бошлади. Отишга-да қуввати йўқ, ёнидаги ярадор дўсти Баҳодирга қарашга-да. Маъруфжоннинг қуролдош дўстларидан икки нафари ёрдамга етиб келди. Бошқалар душманнинг

ҳамласига зарба билан жавоб беришда давом этдилар. Жанггоҳдан олиб чиқишаётганда душман снайперининг отган ўқи Маъруфжонга келиб тегди. «Номард, ҳалол олишмайсанми, қаршилиқ кўрсатишга ожиз, ярадор аскарга ўқ узасанми, падари лаънат?!» дея Маъруфжонни олиб бораётган посбонлардан бири нафрат, ғазаб билан бақирди. Дўстини оҳиста ерга қўйиб, юрагига кулоқ тутди: «Яна озгина чида, Маъруф, дўстим!» Йигит ҳалок бўлган эди».

Маъруфжон 1977 йилнинг 3 ноябрида туғилган. Сўз ўйини қилиб, «кузнинг илтижолари, соғинчлари битилган хазонлар қабр тепасига бориб бўзлайди энди», деб ёзган эканман. Қаҳрамон йигит кузда таътилга чиқиб, тўй қилмоқчи экан. Орамиздан кетгандан кейин ўзимизга тасалли излабми, шундай гапларни айтмали. Баъзан афсоналар тўқиймиз. Яратганинг иродаси шу экан. Киндик қони тўкилган тупроққа дунёвий орзулари, армонлари билан кўмилди.

ҚАЛБ ВА НАФС

Очиғи айримларимиз Ватанни манфаат учун севадигандек. Яшаш учун шароитлар бадастир бўлиши ёмон эмас. Аммо давлат уни қилиб берсин, буни қилиб берсин, деган иттифоқлар кўп. Масалан, шу кунларда газ ва электр энергияси билан боғлиқ масалани дўмбира қилиб, нафсимиз тилида бақирамиз. Қалб тўрида асралаётган Ватан туйғусига озор берамиз. Ўзи қаерда асраясиз, бу хилқатни? Ватан нафсимиз билан севадиган хилқат эмас-ку!

СЕН МАЖНУН ЭМАССАН

Хукмдор Лайлига «Сенинг ниманга Мажнун бунчалар ошиқ бўлган?» дейди. «Сен Мажнун эмассан» деган жавобни олади. Ватан нафс билан севилса, бойлиқлар, бадастир шароитлар кўз олдимизга келади. Миннатли «севги» қалбдан эмас, нафсдан чиқади. Қалб кўзи бекила боради. Ватанни жон фидо қилиш даражасида севиш керакмиди, деган саволга, «Сиз Маъруфжон эмассиз» дегим келади.

Ватанни қандай севишнинг дарслиги йўқ. Қўрсатмалари битилган китоби ҳам. Бўлса ҳам уни иймони саломат одамдан сўраш керак. Ўзи дарслик, ўзи китоб. Яратганга шукур. Бундайлар орамизда бор.

Маъруфжон сингари жон фидо қилганлар ҳақида ёзилганларни ўқиб, «Шартмиди ёш жонини қурбон қилиб?» дегувчилар ҳам топилади. Ўйлаиб қоласан. Ҳақиқатан ҳам билиб туриб, ўзини ўтга уриши шартмиди? Ярасидан қон оқиб турса-да, қуролини қўймади. Ахир унда ҳам бизга ўхшаган нафс бор-ку. «Жонингни асра, зарилми?!» деб қулоғига шипшигандир. Маъруфжоннинг кўзи билан қаранг. Ҳаёт шаъми сўниб бораётган кўзи билан қаранг, Ватанга. Шунда жумбоғингизга ечим топасиз.

ТОШ ТАШИЁТГАНЛАР

Уч киши тош ташияпти. Биринчиси қадди букилиб, оғир кунларга қолганидан нолибди. Иккинчи мардум машаққат билан пул топаётганидан шикоят қилади. Учтинчиси жилмайиб туриб, «масжид қуряпман» дейди. Бу жилвасидан атроф ёришиб кетган. Яхшиямана шундай нур бор, жилва

бор. Бугун қай биримиз миллат, Ватан манфаати, ҳимояси йўлида қилаётган ишимиздан мамнун ҳолда учинчи биродарга ўхшаб жавоб қиламиз. «Роса қийналиб кетдим», «Хизмат тобора қийинлашиб борапти», «Турлича талаблар қўйилляпти» дея нолиганларни биламан. Аслида ҳар куни, ҳар соатда «Мен Ватанга муносибманми?» дея ўз-ўзимизга савол беришимиз керак. Тошни бунёд қилиш учун эмас, вайрон қилиш учун ташийдиганлардан ўзи асрасин.

ОЧИҚ ҚОЛГАН КЎЗЛАР

2005 йил 13 май. Тахминан тунги соат иккилар. Тревога эълон қилиниб, посбонларимиз жанговар шай ҳолатга келтирилди. Шахсий таркибга содир бўлган воқеа ҳақида қисқача ахборот берилди. Бир гуруҳ қуролланган жангарилар, дунёвий тараққиёт йўли-мизни кўролмайдиган экстремистлар Андижонда хунрезликларни амалга оширишгани қисқача айтиб ўтилди. Жанговар вазифа топширилди. Бунга кўра катта лейтенант Дилмурод Абдуҷабборов етакчилик қилаётган взвод Андижон шаҳри Чўлпон кўчасидаги йўлни блок-пост қўйиш орқали ўраб олиши, жамоат хавфсизлигини таъминлаши лозим. Блок-постга бошлиқ қилиб, капитан Баҳром Жўраев тайинланди. Капитан ўзига юқлатилган бу жанговар вазифани зудлик билан бажаришга киришиб, ўт очиш нуқталарини зарур муҳандислик жиҳозлари билан таъминлашга бош-қош бўлди.

Соат 20:30. Чўлпон кўчасидаги «Чўлпон» кинотеатри томонидан одамларнинг қийқириғи, шовқини эшитилди. Сўнгра саросимага, ваҳимага тушган оломон кўринди. Капитан Жўраев уларнинг тинч аҳоли вакиллари эканлигини англаб, посбонларига хавфсиз жойга ўтказиб қўйишни буюрди. Совуққонлик билан буйруқ беришда давом этди. Қатъияти, шижоати билан ҳеч бир посбоннинг саросимага, ваҳимага берилишига йўл қўймади. Унинг буйруғига биноан ҳарбийлар зудлик билан ўт очиш марраларини эгаллашди ва янада сергакликда кузатувни амалга оширишди.

Орадан бироз вақт ўтиб, кинотеатр томондан тартибсиз отилаётган ўқ товуши эшитилди. Сўнгра ўша малъун – қўлига совуқ қурол ушлаган кимсалар пайдо бўлишди. Даҳшатлиси шундаки, бир гуруҳ гаровга олинган беғуноҳ кишиларни ўзларига қалқон қилиб олишганди. «Мард бўлсанг, яккама-якка олишувга чиқмайсанми, қашқир!» ғижинди Баҳром. «Ҳокимият бизнинг қўлда, бизга қўшилишлар!» дея даъват қилишиб, блок-постга яқинлашибди. Ёш бўлса-да командирлик сифатлари шаклланган, ҳар қандай вазиятда шахсий таркибни бошқара олишга қодир ўзбекнинг мард ўғлони вазиятни аниқ баҳолай билиб, тезда қўл остидагиларга буйруқ бера бошлади. «Сен қашқирлар билан ади-бади айтишиб ўтирмасдим. Аммо беғуноҳ инсонларни, ҳамюртларимни номардларча қалқон қилиб олгансанлар. Биз сенларга ўхшаб, ўз ватандошларига, беғуноҳ инсонларга ўқ отадиганлардан эмасмиз», тишини тишига қўйиб, уларга қарши тик борди, Баҳром. Ҳаётига жиддий таҳдид борлигини хаёлига ҳам келтирмай жангарилардан қуролларни топширишни, гаровдагиларни озод этишни талаб этди. Бироқ инсонийликдан



узоқ малъунлар жасур ўғлоннинг талабига жавобан номардларча ўқ ёғдиришди. Капитан оғир яраланиб, ерга йиқилди. Жойидан қўзғалишга, Ватани Ўзбекистоннинг душманларига зарба беришга уринди, кучи етмади. Тўхтовсиз оқаётган қон уни ҳолдан тойдирди. Аммо вазиятни идрок этиб, яраланган бир ҳолатда ҳам посбонларга кўрсатма, йўл-йўриқлар беришга ўзида куч топа билди. Ўқ ёмғири остида, ҳаёти шами сўна бошлаган бир ҳолатда ҳам взводга буйруқ беришда давом этди. Жангариларнинг кўпчилиги яксон этилиб, уларнинг ҳаракати тўхтатилди. Гаровга олинганлар озод қилинди. Ажал уруғи сочилаётган майдондан кичик сержант Т. Қўшоқов қонга беланган сафдошини, командирини олиб чиқди. Очиқ қолган кўзларда армоннингми, нафратнингми сурати қолганини билмади, англай олмади кичик сержант.

Икки қаҳрамоннинг ҳам очиқ қолган кўзларини Ватан оҳиста ёпди. Қандай қилиб? Баҳорнинг тилига тушунасизми? Унда баҳорлардан сўранг! Қип-қизил бўлиб очиладиган лолалар тилини-чи. Алвон лолалардан сўранг! Иймони саломатлардан сўранг буни, ватандош!

МАЪРУФЖОН, БАҲРОМ ВА ҚЎРҒОН

Туркиянинг Онадўлисида бир одат бор. Қурбонликка сўйиладиган қўйга, никоҳланаётган қизга, юрт ҳимоясига отланган аскарга хина суриларкан. Нега? Бу саволни талабаларимга бердим. Аниқ жавоб бўлмади. Жавоб битта ва умумий. Хина сурилган қўй Аллоҳга қурбон бўлсин, қиз ҳожасига, аскар Ватанга қурбон бўлсин! Ҳикматга тўлиқ одат экан.

Мен сизга ҳикоя қилган ўзбек ўғлонларининг, замонамиз қаҳрамонларининг қўлига хина сурилмагани. Қалбини дунё ғуборлари кир қилмагани. Покиза қалби билан, саломат иймони билан муқаддас Ватанни ҳимоя қилди. Минҳожиддин Мирзо айтганидек, бугун ёвлардан сақланмоғимиз учун қўрғонлар бино қилишимиз керак эмас. Маъруфжон, Баҳромга ўхшаган мард ўғлонларнинг ўзи қўрғон.

Тарихдан сўзламадим. Ваҳоланки, мўйсафид кечмиш бағрида аждодлар жасорати намуналари минглаб, миллионлаб. Эртас сўзламадим. Ўзимиз яшаётган, гувоҳ бўлаётган даврдан мисол келтирдим. Бундай ҳикояларни, муқаддас тупроқ учун фидо этилган умрлар ҳақидаги гапларни юрак томирларидан ўтказайлик. Шунда чалажон ҳужайралар ҳам уйғонади.

Ватан излаб, адашиб юрмайлик, бевафо дунёи дунда, замондош. Хотирланган қаҳрамонлардек Ватанни қалбида бунёд этганлар йўлидан борсак, адашмаймиз.

Алижон САФАРОВ,
резервдаги полковник



YURTGA SODIQLIK – BUYUK MAQSADIM

Odmozd tug'iladi, mitti ko'zlari yorug' dunyoni ko'radi. Shunday qilib beg'ubor kulgisi ila qalblarni yashnatib yashaydi. Vaqt o'tadi, yillar ketidan yillar quvadi... Inson ulg'ayadi. Hayot atalmish bebaho ne'mat goh suyuntiradi, goh ko'ngillarni g'ashlaydi. Shu taxlitda hayot falsafasini anglay boshlaydi. Bu yorug' olamga nega kelganligi, yashashdan maqsadi nimaligini bilishga intiladi. Shunda o'z oldiga maqsadlar qo'yadi va ularni amalga oshirish uchun rejalar tuzadi. Aynan shu damlarni men ham boshdan kechirganman.

Juda yaxshi eslayman, bolaligidanoq onajonimga "Askar bo'laman", derdim. Balki, shundan boshlangandir buyuk maqsadim tomon qo'yilgan ilk qadamim. Yoxud maktab partasida o'tirib, "Mening orzum" mavzusidagi inshoda "Mening eng katta orzum – harbiy bo'lish", deya oq qog'ozni qoralaganimdan oq boshlangandir bari. Bilmadim... Biroq shuni aniq bilamanki, mening eng buyuk maqsadim ona Vatanimga xizmat qilish edi va bu maqsadimga yillar o'tib erishdim. Men harbiy xizmatchi bo'ldim. Maqsadimga erishish yo'lida chidam, sabr-matonat bilan harakat qildim. Uyqusiz tunlar, horg'in kunlarni boshdan kechirdim. Shuni angladimki, kun kelib mehnatlar, mashaqqat va intilishlar samara beradi, qorong'i tunlar ketidan yorug' kunlar, zahmatlar ortidan rohatlar keladi. Qarangki, intilish va izlanishlarim, tinimsiz mehnatlarim o'z mevasini berdi.

Har birimiz o'z oldimizga aniq maqsadlar, ulkan marralar qo'yib yashamog'imiz darkor. Bu maqsadlarning eng oliysi va buyugi ona yurt, aziz Vatanga xizmat qilishdir. Bu haqda O'zbekiston Respublikasi Prezidenti,

Qurolli Kuchlar Oliy Bosh Qo'mondoni Shavkat Mirziyoyev yoshlar kuniga bag'ishlangan tantanali marosimda shunday degan edi: "Albatta, yoshlikka xos shijoat, jo'shqinlik va mardlikni, ezgu orzu-intilishlarni amaliy harakatga aylantirib, salmoqli natijaga erishish uchun inson o'z oldiga aniq maqsad qo'yib yashashi kerak. Agar tarixga nazar tashlaydigan bo'lsak, buyuk ajdodlarimiz erishgan olamshumul yutuqlar zamirida, avvalo, ona Vatanga, xalqqa xizmat

qilishdek olijanob maqsad mujassam ekanligini ko'ramiz..."

Bilamizki, bugun mamlakatimizda Uchinchi Renessans poydevorini yaratish uchun juda muhim ishlar amalga oshirilmoqda. Yangicha mazmun kasb etgan Prezident maktablarining ochilishi, yosh avlod bilimni, ilmiy salohiyatini oshirishga qaratilgan harakatlar, "Yangi O'zbekiston" kabi oliy ta'lim muassasalarining tashkil etilishi, o'quvchilarning jismoniy va ma'naviy salohiyatini oshirish maqsadida yaratilgan Amir Temur va Jaloliddin Manguberdi sinflari, axborot-texnologiya va kommunikatsiyalarini yanada takomillashtirish, yoshlar orasida kitobxonlikni targ'ib etish, ichki turizm va sportni rivojlantirish borasidagi amaliy ishlar aynan mana shu Uchinchi Renessans uchun olg'a tashlangan shaxdam qadamlardan hisoblanadi. Biz, yoshlar uchun imkoniyatlar eshigi naqadar keng va qanchalik ochiq ekanligini shuning o'zi ham ko'rsatib turibdi.

Bugungi kunda yoshlarni harbiy-vatanparvarlik ruhida tarbiyalash hamda

O'zbekiston Respublikasi Qurolli Kuchlari tizimidagi ma'naviy-ma'rifiy ishlar samaradorligini oshirish bo'yicha qabul qilingan konsepsiyalar doirasida har tomonlama rivojlangan, bilimdon, xalqiga, shuningdek, Vatanga xizmat qilish ishiga sodiq yoshlarni tarbiyalash bo'yicha keng miqyosli ishlar qilinmoqda. Biz ham Prezidentimizning yuksak e'tibor va e'tiroflariga munosib javob qaytarmoq uchun doimo Vatan uchun xizmatdamiz. "O'zbekistonda yoshlarga oid davlat siyosatini 2025-yilgacha rivojlantirish konsepsiyasi"ning tasdiqlanganligi mamlakatimiz istiqboli uchun mas'uliyatni o'z zimmasiga olishga qodir biz – yoshlarni yanada shijoat bilan mehnat qilishga chorlaydi.

Vatanga xizmat qilish bu faqatgina harbiy bo'lib Vatanni qo'riqlash, muhofaza qilishdangina iborat emas. Vatan taraqqiyoti, uning ertangi kuni, kelajagi uchun imkon qadar harakat qilmoq ham jonajon o'lkamizga qilingan xizmatdir. Kimdir o'zi kashf etgan ixtirosi, yana kimdir ilmiy ish bilan shug'ullanib, uni amaliyotga tatbiq etish, boshqasi esa xalq turmushining farovonligi yo'lidagi mehnati orqali ham Vatanga xizmat qilishdek buyuk maqsadiga erishgan bo'ladi. Men ishonch bilan aytaman, O'zbekistonning har bir ko'z qarog'i o'z oldiga, avvalo, ona zaminiga, xalqiga, millatiga beminnat, yurakdan xizmat qilishnigina maqsad qilib qo'ygan. Shunday ekan, bu oliy maqsad yo'lida faqat fidoyilik ko'rsatmoq kerak.

**Kichik serjant
Sherzod RAJABOV,
Qarshi shahri, Navo mahallasi**

NIYATINGGA YETGIN, O'G'LIM!

– Oyi, oyijon, men Vatanimga xizmat qilaman! Mana qarang, askar bo'ldim.

Oshxonada kechki ovqatni tayyorlayotganimda yugurib kelgan o'g'lim bag'rimga otildi.

– Katta opa aytdilar, Vatanimizni himoya qilishga tayyor turishim kerak ekan, mendan yaxshi askar chiqarkan. Oyijon, men askar bo'laman, uyimizni, sarhadlarimizni himoya qilaman.

Endigina 6 yoshga kirgan o'g'limdan bu so'zlarni eshitib, to'g'risi, etim jimirlab, hayajonlanib ketdim. Vatanimiz sarhadlari aslida nima, o'g'lim, Vatanga xizmat qilish-chi? Beixtiyor o'g'limga bergan savolimdan ikkilanib qoldim. Axir bu bog'chaga boradigan 6 yashar bolaga beriladigan savol emas-ku!

– Oyi, Vatanimiz sarhadi... uning uchun yaxshi o'qib, ishlab xizmat qilish kerak. Katta opamga, ona Vatanimni sevisha, uning uchun xizmat qilishga, yaxshi bola bo'lib, zo'r o'qishga so'z berdim. Oyi, yigitlar so'zida turishi kerak ekan. Katta bo'lsam, askar bo'lishga, Vatanimni himoya qilishga, va'da beraman. Oyi, siz ham Vatanimizni sevasizmi? Xizmat qilasizmi?!

Men... Vatanimni sevamanmi?! O'g'limning savolidan o'ylanib qoldim.

Ona Vatan! Nima uchun Vatanni ona so'zi bilan yonma-yon ishlatamiz? Chunki Vatan ham onamiz singari aziz, jonkuyar, mehribon, qalbi qaynoq va qadrlidir. Dastavval onamizning vujudida ulg'aysak, undan so'ng ona Vatanimizning qaynoq ko'ksida kamol topamiz. Bizni asragan, orzu-umidlarimizning ro'yobiga guvoh bo'lgan, ezgu niyatlar ila qalb torlarimizni chertgan, yaxshi yashashga undagan Vatanimizni nega sevmas ekanimiz?! Nega shunday Vatanimizni asrab-ardoqlamas ekanimiz?!

97 yoshni qoralagan, beli biroz bukchaygan, qo'llari sal qaltirasa-da paxta chigitlab, urchuq yigirib o'tiradigan, gilam to'qib, barchamizga ibrat bo'ladigan buvimning har gal "Tug'ilgan yerdan ko'ngil uzilmas, yurti qo'riganning yurti

buzilmas", degan gaplarini, qishli-qirovli kunlarda paxta terganlarini, yozning jazirama issig'ida g'alla o'rganlarini hech qachon minnat qilmaganini endi tushungandayman.

Mahallamiz ko'chalarini hashar tufayli supurib-sidiriganida, maktab ostonasidan hatlab bolajonlarga ta'lim berganimda, yozgan nomalarim kishilarni yaxshilikka undaganida, 6 yashar o'g'limning Vatanimni sevaman, unga xizmat qilaman, degan so'zida mening muhabbatim, sevgim.

Yaqinda xizmat safari bilan Qozog'istonga bordim. Buni qarangki, menga yo'ldosh bo'lganlarning aksariyati jurnalistlar bo'ldi. Atrofimiz zo'qoz milliy taomlari, urf-odatlari aks etgan manzara bilan o'ralganiga qaramay, musobaqada g'olib bo'lgan sportchimiz sharafiga yangragan O'zbekiston madhiyasini tinglab, ko'zim yoshlandi. Beixtiyor o'zim ulg'aygan ko'chalar, salomga shay turgan majnuntollar ko'z o'ngimda g'aydalandi. Vatanimiz madh etilgan,

orzu-umidlarimiz, kelajagimiz va amalga oshirajak ishlarimizni o'ziga-da jamlagan yurt madhiyasini tinglab g'ururlangan bo'lsam, ko'kda hilpiragan bayrog'imizni ko'rib, faxrlandim. Bor-yo'g'i to'rt kunlik safarda Vatan qadri sezildi. Ayniqsa, askar libosidagi 6 yashar o'g'limning "Men askar bo'laman, Vatanimga xizmat qilaman", degan gaplari qulog'im ostida jarangladi.

Har bir inson ona Vatanga o'zgacha mehr qo'yadi, o'zgacha sevadi. Kimdir jozibali raqsi, kimdir diltortar qo'shig'i, kimdir tayyorlagan milliy liboslari, yana kimdir ma'no-mazmunga boy tasvirlari orqali sevadi. Ularning orasida ulg'ayayotgan, hali bog'cha bolasi bo'lgan o'g'lim tilidagi "Vatanim sarhadlarini himoya qilaman. Men Vatanimni sevaman" degan so'zlar bilan vujudimga bir ilqlik, kuch-quvvat yoyiladi...

**Nigina SHOYEVA,
jurnalist**

"Vatan bilan ulg'ayar shon-shavkatimiz!" tanloviga

ЎРДАКЧИ МОМО НИМА ДЕЙДИ?

Қайси гапи жонимдан ўтиб, кўрслигим тутди, билмайман. Шалоқ сўз оғзимдан лоп этиб чиқиб, қўшни қиз тутакчи кетди. Ўзимни оқлашга ҳарчанд уринмай, вазият юшмади. Қайтанга жазаваси кўзиб, баттар тутакчи. Бундан кейинги ҳолатни тасаввур этган бўлсам, ўйладимки, «сенга ярашмас экан» деб койиб беради. Балки, курагимга урар, нари борса, юзимга шапалоқ тортар (аяброқ). Зинҳор ортиги эмас. Қўлидан нимаям келарди яна?

– Энди ўзингдан кў-ў-ўр!

Ортга ўгирилганимни биламан, муштдай кесак бошимга тегди-ю, сочилиб кетди. Манглайим жимирлаб, қулоғим шанғиллади. Қош-кўзим ачишди. Бу ҳақда ҳеч кимга миқ этмадим. Ўзингиз ўйланг, анув Зилол ёрди бошимни десам, «юрибсан-да, қиз боладан таёқ еб», дейишмайдими? Устимдан кулишмайдими? Кўрсаткич бармоғини ниқтаб, узокдан бўлса ҳам мазах қилишмайдими? Ҳали онам нима дейди бунга?! Акаларим-чи? Опамлар-чи? Буниям кўя турунг, ўрдакчи момо нима дейди?

Кесак теккан бош билан ўрдакчи момонинг неча пуллик иши бор? Онаминг ёки отамнинг онаси бўлганида ҳам тушунардим. Қулоғимдан чўзай деса, у киши менинг момом эмас. Қолаверса, момонинг ўрдакларини йўқ. Унда момо сенга ким бўлади, эслаб қолибсан, дерсиз. Ростдан ҳам, ўрдакчи момо менга ким бўлади ўзи? Хуллас, йигирма йилча аввал.

– Оёғим оғрияпти, босгин! – деди момом.

– Қўлим биланми?

– Қўлларингга куч йўқ, оёғинг билан чик, – деди. Каравотда ётган момонинг оёқларида уч-тўрт лапанлаган бўлдим-да, сўраб ҳам ўтирмай полга сакрадим. Индамди. Кулимсираб бош чайқади. Сўнгра ҳассасини деворга бемадор такаб, тепароқдаги чироқ ёққичга бир-икки марта тиркади. Учинчи ё тўртинчисидан ўхшади, чамаси, чироқ ўчди. Телевизордан таралаётган нурни ҳисобга олмаганда, момонинг хонасида ҳар оқшом ана шундай ҳукм ўқиларди – қоронғилик. Каравотнинг ғичир-ғичиридан пайқадимки, орқада момом тиззаларини қўллари билан сиқиб, оғриқ зўридан муштумлаб ўтирибди.

«Оддий Мария». Еттинчи қисм. Етти сафардан бери қўшиғи тилимга кўчган. Камига момонинг илтимосини рад этиб, Мариянинг эндиги тақдирини нима бўларкин, деган ўйда телевизорга кириб кетгудек бўлиб воқеалар ривожини кузатиб ётибман. Сизга ёлғон, менга чин, муздай бир нарса қафтимга тегибдими, сезмабман.

Сериал тугади. Момом ётган жойида ҳассасини чироқ ёққичга уч-тўрт марта тиркаб, ўшанча тўқиллатиб, бири тегиб, бири тегмай, чироқни ёқди. Ўрнимдан кўзгалдим. Ана шунда қафтимда қулча бўлиб ўралиб ётган илон боласини кўрдим-у, жоним чиқаёзди. Чийиллаб, қўлимдан отиб юбордим. Дийдори ўчгур, ҳавода буралиб учди-да, момонинг этагига тушди. Момом каравотдан сакраб туриб, этагини силкитди:

– Чийилламай ўл, ўтакамни ёрдинг! – ёқаси ичига туф-туфлади. Илон боласи полга силлиқ тушиб, судралиб каравот тагига ғойиб бўлди. Момом ярим энгашиб, чўлтоқ супургини каравот тагига сўқди. Икки бор югуртиди. Иккинчи мартасида илиб чиқди. Бояғи ҳолат ёдимга тушиб сескандим. Жунжикдим. Рангим ўчди. Йиғлашдан бери бўлдим.

– Ҳиқ-қил-ла-ма! Тўхтат йиғини! Ўғил болаям йиғлайдими? Ваҳимангга ўлай! Шунга шунчами? – момом пинагини ҳам бузмай, илончани ҳокандозга супуриб, деразадан ташқарига отди.

Уйқу олдидангина ёдимга тушди: ўтган гал рус тилчимиз афтини бужмайтириб: «Шеърни ёдламай келганлар ўзидан ўпкаласин, дарсга қўймайман», деганди. «Шагане» сумкамга қандай солинган бўлса, шундайлигича турибди.

Йиллар ўтди.

Кейин болалик.

Момом ҳам.

Ўшанда тонг эди. Ҳаво дим эди. Уйқули кўзларим билан супанинг ҳали қуёш нури тушмаган – соя жойни ахтардим. Ётган ҳолимда силжидим. Аммо қуёш кўчиб, яна кўчиб, тагин кўчиб, сурилиб боравердим. Ахийри ётгулик жой ҳам қолмагач:

– Тур энди, – онам қўлида челақлари тарақ-туруқлаб, бошларида рўмоли ялт-юлт, супа ёнидан ўтиб борарди. – Отаниёз калнинг қизлари қачон турганини биласанми? Сийрларини совуб, отизга бойлаб, ҳар бири икки бов ўт ўриб, валсапитина юклаб, уйинда чойини ичиб ўтирибди.

Отаниёз калнинг қизлари бор бўлсин! Меҳнатда пишган, ишдан қочмайди. Лекин ҳеч тушунмайман, уларнинг менга нима дахли бор: эрта уйғонмасанг ҳам, бирор ишни кўнгилдагидай бажармасанг ҳам – Отаниёз калнинг қизлари...

– Вой, вой, оёғинг сингур, қуш бўлмай ҳар бало бўл! – онаминг овозига супадан ҳовлиқиб тушсам, ерда ётган рўмолини олиб энди силкиётган экан.

– Ничча айтдим, шу рўмолини бойламанг, бойламанг шу рўмолини деб. Бошқа рўмолингиз йўқ бўсам бир гапиди, – ҳали уйқуб очилмагандан оҳангим дўриллаб чиқди, худди ўдағайлаётгандай. – Бирор марта кўрдингизма, синглима ё бийимларга отилдими шу майна? Тегдими шу қуш? Фақат сиза ёпишади, фақат сизи тортқилийди. Ҳаммаси ийшу ялтироқ рўмолини бойлаб юрганийдан!

Майнанинг ялтир-юлтир нарсаларга ўчлиги нечоғлик ҳақиқат экани менга гумон, аммо ўша рўмолининг онамга жондай азиз эканига шубҳам йўқ – момом тикиб берган уни. Эртароқ ёдимга келганида «шу рўмолини бойламанг» дейиш у ёқда турсин, миқ этмасдим.

Онам бир оғиз ҳам гапирмади. Ағанаб ётган челақни олди-да, ёнгинамдан маъсум ўтди. Ўтиб улгурмовди, аслида. Бир ари учиб келиб, томоғимга кўнди. Жизиллатиб чақди-ку. «Воҳ!» деб юбордим. Онам томоғимда ёпишиб турган арини кўрибоқ, қўллари билан юлиб олди. Отиб юборди.

– Оғримадими, болам?!

Бир гал...

Оёғимдан бошимга қадар қип-қизил афтода: қизил қўлқоп, қизил этик, қалпоғим қизил, елкамга илиб олган қопчам ҳам, пўстин қизил, хуллас – қип-қизил... Байрамга ошиқдим. Уйдан йироқлаб улгурганимда эса ўтқинчи овоз йўлдан қайтарди:

– Шошманг, Қорбобо! – деди. Оҳанг таниш. Уни олдин ҳам эшитганман. Қайрилдим. Эллиқ қадамча нарида – қуюқ туман ортида қорамтир шарпа кутиб турарди. Туманни ҳар қадам кесганим сайин бу шарпа мен таниган ва ҳурмат қилган қизга айла-

ниб борар, эслашга уриндим: Зумрадми? Йўқ, унинг овози бунчалар дағал эмас, яна бўйлари узун. Гуласалмикин? Йўғ-а, журъати етмайди унинг. Тўхтатишга юраги дов бермайди. Демак, у ҳам эмас.

Туман тобора сийраклашди.

Тарқади.

Танидим.

Ахир бу... Зилол, Зилол бу! Ўша – бошимни ёрган қиз! Бошқа кимнинг ҳам журъати етарди.

– Болам учувчи бўлами дейман, – самолёт суврати туширилган қутини қопга солди у.

Мен эканимни билмай йўл бошлади. Кирдим. Болақайни ўзимга чорладим. Келмади. Югуриб бориб кенгқўйлак онаси – Зилолнинг этагига беркинди. Оёқларидан қучиб олди. Эркаланди. Суйкалди. Йўқса совға бермаслигимни эшитгач, этак ортидан зимдан мўралади. «Қойбобомиз оппоқ», деб бошлаб қолди.

Тилиннга шакар! Хотирамда хиралашиб борар тасвирлар ғира-шира бўлса-да, эсга келди: лойсувоқ уй, уй олдида шохлари тарвақайлаб кетган гужум, гужумга бойланган сават, саватдаги олмалар, қулча нонлар, жуссаси қартайган момом, беллари букчайган бобом, яна... «мактабга кеч қоламиз» деб тонг саҳардан эшигимиз тагида кутиб турувчи Зилол!

Беихтиёр бошимни ушладим. Ҳо-ов пайтдаги – кесак теккандаги оғриқ қайталанди. Тавба, манглайим жимирлаб, қош-кўзим ачишди.

Ўрдакчи момони танимадингиз-а? Билсангиз, Оврўпа томонларда унинг доврўғи баланд. Айниқса, у тўқиган мисралар эл орасида маълум ва машҳур. Борди-ю, ўқиган ёки эшитган бўлсангиз, жаҳон фольклорига «сард» деган атама бор. Луғавий маъноси – «ўрдак». Моҳиятан эса «ёлғон хабар» бирикмасига тўғри келади. «Мақола бошидан бизни лаққа тушириб, аллақандай ёлғон-яшиқларга чирмаб ўтирган экансан-да», дейишга шошилманг. Ўрдакчи момони ҳам ёлғон хабар ташувчига чиқариб қўймаг. Ахир ўз халқини душманлар зулмидан, урушнинг аёвсиз ваҳшатларидан огоҳ этиб (дейлик, ўша хабар аслида ёлғон), сергакликка чорлаб турмаганида нималар юз бериши мумкинлиги ҳақида ўйлаб кўрдингизми ҳеч? Не бўлгандаям, ўрдакчи момо – халқнинг момоси! Қофиялари ҳам айнан ўзиники эмас, халқники:

Мих йўқ эди –

Тақа

Йўқолди.

Тақа тушиб

От

Оқсаб қолди.

От оқсади –

Сардор

Ўқ еди.

Сардор ўлди

Қўшин

Енгилди.

Ёв шаҳарга кирди,

Қилди хўб қирғин.

Нега?

Тақачида мих йўқлиги учун.

Момони эндиёқ танимадингизми? Уни бир гала ўрдакларни ҳайдаб, этак-этак дон селиб юрувчи кампир десангиз, ҳалиям танимабсиз. Ўрдакчи момо – сергаклик тимсоли. Қофиялари эса ана шу сергакликдан униб чиққан эзгу хабар, беминнат ҳосиладир. Улар аксар ҳолларда кўздан панада қолувчи майда нарсалар аслида майда эмас, ўта катта сабабият



эканини уқтириб турувчи огоҳнома мисоли. Жаҳон фольклори таркибида «Ўрдакчи момо қофиялари»га яқин ўзга қофиялар, ўзга нақллар кўплаб топилди. Масалан, Озарбайжон халқ мақолларидан бирида бундай дейилади:

Мих тақани асрайди, тақа – отни, от – мардни, мард – Ватанни!

Оддийдан мураккабга ўсиб боргани сайин масаланинг залвори ошади, юки оғирлашади. Ҳарчанд ошмасин ёки оғирлашмасин, ечимини енгиллашади (бутун бошли қўшиннинг енгилишига, шаҳар аҳолисининг аёвсиз қирғин бўлишига тақачида михнинг йўқлиги сабаб бўлгани каби). Демак, ҳеч бир воқелик бесабаб рўй бермайди – хоҳ у битта шахсга дахлдор бўлсин, хоҳ умумга. Якка шахснинг бошидан ўтганлари умумники олдида кўз илғамас заррадек бир гап.

Энди ўзингиз айтинг, ўша туманли оқшомда одатдаги уст-бошда йўлга чиқсам, Зилол мени тўхта-тармиди?

Йўқ!

Тўхтатмаганида уни кўрмаган, уни кўрмаганимда ўғлини ҳам танимаган, ўғлини танимаганимда ундан шеър эшитмаган ва шеър эшитмаганимда эсдан чиқаёзган хотиралар эсга келмаган, эсга келмаганида бошгинамда сакраб кетган кесак таъмини, эҳтимол, қайта туймасдим.

Ёки ўшанда момонинг оёқлари оғримганида, билакларимнинг кучи бўлганида, сериал кўришга ошиқиб полга сакраримдим?

Йўқ!

Сакрамаганимда ўша жойда ётмаган, ётмаганимда турки совуқ илон қафтимга ўраламаган, мен ҳам уни қафтимда кўрмаган, кўрмаганимда отиб юбормаган, отиб юбормаганимда момонинг этагига тушмаган... «Шагане» сумкамда қолиб кетмаган бўларди.

Ўшанда онам бошқа рўмол – ялтироқмасини боғлаб юрганида майна учиб келиб рўмолидан тортқиламаган, табиийки, тортқиламаганида онам ўз ишига овуниб ҳамон сув сепаётган, «вой, вой, оёғинг сингур», демаган, мен ҳам ўрнимдан ҳовлиқиб турмаган, рўмол масаласини ўйлаб топмаган, дўрилламаган... ари ҳам томоғимдан Жизиллатиб чақмаган бўларди!

Аслида, буларнинг барчаси яхлит хотирот, узвий ўйлар, ҳалқаланган сабаблар. Уларнинг кейингиси ўзидан аввалгисига дахлдор, ўсувчан важдарди. Биринчиси бўлмаса, иккинчиси ҳам юз бермайди. Бу сингари сабабларнинг борган сари каттариши ўз-ўзидан мантқиқли. Гоҳида хатарли ҳам. Эсланг:


Ёв шаҳарга кирди,

Қилди хўб қирғин.


Нега?

Тақачида мих йўқлиги учун.

Ақмал ЖУМАМУРОДОВ,
Ўзбекистон Ёзувчилар
уюшмаси аъзоси



«ТУЗУКЛАР» – ҲАҚИҚИЙ ТАРИХИЙ МАНБА



Жаҳон тумаддунига ҳарб илмига мустаҳкам пойдевор қўйган шахслардан бири буюк саркарда ва соҳибқирон Амир Темур ҳамда Темурийлар даври давлатчилиги, маънавияти, ўзининг салоҳияти, мазмуни, тарбиявий кучи ва таъсири билан Ўзбекистон давлатчилиги тарихида алоҳида ўрин тутди.

Яқин тарихга эътибор берадиган бўлсак, Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 29 декабрда «Амир Темур таваллудининг 660 йиллигини нишонлаш тўғрисида»ги қарори, 1995 йил 26 декабрда эса «1996 йилни Амир Темур йили деб эълон қилиш тўғрисида»ги фармони қабул қилинди. 1996 йил мартда «Темурийлар тарихи» давлат музейини ташкил қилиш хусусида, «Амир Темур» орденини таъсис этиш тўғрисида фармонлар чиқди. БМТнинг ЮНЕСКО қарори асосида Амир Темур таваллудининг 660 йиллиги бутун дунёда кенг нишонланди. 1996 йил апрелда шу ташкилотнинг Париждаги бош қароргоҳида «Темурийлар даврида фан, маданият ва таълим равнақи» мавзусида илмий конференция ўтказилиб,

буюк давлат арбобининг тарихдаги ўрнига юксак баҳо берилди.

Амир Темур ҳаётининг муҳим жиҳатларини ўзида акс эттирган «Темур тузуклари» илмий жамоатчиликни асрлар мобайнида қизиқтириб келмоқда. Бир юз эллик йил мобайнида мўғуллар зулми остида топталган, эзилган Мовароуннахрнинг сиёсат майдонида пайдо бўлган Амир Темурни фақат ўз манфаатлари учун курашга чиқди, десак ёки унинг «Тузуклари» фақат ўзи учун зарур эди, деган хулосага борсак, ҳақиқатдан йироқлашиб, тор фикрлар доирасига тушиб қолган бўлаемиз.

Тарихий манбаларда соҳибқирон мамлакат тахтига ўтирган биринчи кунларидан, яъни 1370 йил апрель ойиданоқ давлат ишларини қонуний ҳужжатлар асосида юриштишга ҳаракат қилгани келтирилади. Гап шундаки, агар Амир Темур ўз давлатини қонунлар асосида барпо этмаса, бундай давлатнинг нуфузи, салоҳияти, обрўсига путур етар ва унинг ҳукмдори ҳам юқори даражада тан олинмасди. Сиёсий ва фикҳ билимига оид асарлардан мукамал хабардор бўлган Амир Темур Чингизийларнинг «Ясо» сингари давлат аҳамиятига эга бўлган ҳужжатларини ҳам синчиклаб ўрганган. Шунинг учун ҳам ҳукмдор ўз давлатига узок йиллардан бери турли баҳсларга сабаб бўлаётган, қонун ва қоидалар, ҳукмлар тўплами – тузукларни яратди.

Тарихчи Ибн Арабшоҳ «Амир Темур тарихи» китобида шундай ёзади:

«Темур тарих китоблари, подшолар сийратлари ва ўтган салафлар ҳақидаги ҳикояларни доимо ўқитиб, кунт билан тинглар эди». Тузукларнинг Амир Темур девонида туркий тилда эзилганлиги ҳақида хулоса қилишга машҳур тарихчи Шарафуддин Али Яздийнинг қуйидаги фикрлари асос бўла олади: «...улуғ воқеалари ва кечинмаларини ўз ичига олган туркий манзума ва форсий асар, алоҳида назм ва (наsr) тарзида тузилган эди». Шунингдек, яқинда тўла ҳолда нашр этилган «Қиссаи Темур»да «Амр этдимки, ул мактуб суратини воқеаларим дафтариди сабт этгайлар», деб Темурнинг ўз қўли билан эзилган сўзларнинг манбада учраши «Тузуклар» XVII асрда Ҳиндистонда тузилган компилятив асар деб таъкидловчиларга жавоб бўла олади.

«Темур тузуклари» тарихий асарларда ва турли тилдаги таржималарга мос ҳолда «Темур Тузуклари», «Тузкот Темурий», «Темурнинг айтганлари» ва «Воқеоти Темурий» – «Темурнинг бошидан кечирганлари», «Қиссаи Темур», «Малфузоти Темурий», «Темур қиссаси», «Зафар йўли», «Зафарнома», «Таржимаи ҳол», «Эсдаликлар», «Танзиймот» туркий чиғатой тилидан рус тилига ўғирилганда Малфузот ва Тузукот ўрнига «Дастур ул амал» номлари билан машҳурдир. Тузук сўзи асли эски ўзбек тилидаги «Қонун-қоидалар тўплами», «Низом» каби ҳуқуқшуносликка оид маънони аниқлатган. Тарихчилар «Тузуклар»нинг Амир Темур иштироки билан унинг девонхонасида эски ўзбек тилида эзилган тарихий ҳужжат эканлигини тасдиқлайди.

Шундай қилиб, «Тузуклар» Ўзбекистон давлатчилиги тарихи ўрни ҳақида энг кўп фикр, баҳолар билдирилиб, ўз бошидан турли даврларда турлича муносабатни кечирган тарихий манбадир. У қуйидаги хулосаларга асосланади:

1) «Тузуклар» – ҳақиқий тарихий манба;

2) «Тузуклар» – дунёвий қонун-қоидаларни ўзида мустаҳкамлаган тарихий юридик манба;

3) «Тузуклар» Амир Темур даврида унинг ўз қўли билан ёки девонида яратилган, унинг ўзи бир неча марта кўриб, таҳрир қилган;

4) Ўзбек давлатчилиги тарихида унинг ниҳоятда юксак аҳамияти ва ўрни беқиёсдир.

Ўрта Осиё халқлар, хусусан, аждодларимизнинг қонун, давлат ва сиёсатга жиддий муносабатда бўлганликлари замирида инсонни улуғлаш, жамиятнинг барча қатламларини адолат билан чулғаб, чинакам ҳуқуқ асосларига таянган давлат яратишдан иборат мақсад ётар эди.

Шунинг учун ҳам аждодларимизга раҳнамо бўлган буюк шахслар давлатчилик борасидаги сиёсий, ҳуқуқий тартибларини ўрнатувчи кўплаб асарлар яратганлар. Улар орасида Амир Темурнинг «Тузуклари»да ифода этилган давлат масалаларига оид йўл-йўриқлар, қонунлар, тузуклар алоҳида аҳамиятга эга. Буюк давлат арбобининг давлатчилик сиёсатида, у яратган бошқарув тизими ҳамда давлатчилик анъаналари моҳияти замирида муайян бир жуғрофий макон ва жамиятнинг турли имкониятларини маҳаллий халқ манфаатлари йўлида юзага чиқарувчи чинакам ташкилотчилик ётганини кўраемиз.

Хулоса ўрнида шуни айтиш мумкинки, Ўзбек давлатчилиги тарихининг муҳим даври – Темур салтанати марказлашган давлат эди. Салтанат меморининг фикрича, давлат биринчи галда, мамлакатдаги барча ижтимоий табақаларнинг манфаатларини ҳимоя қилиши, маслаҳат, кенгаш, тадбиркорлик, қонун-қоидалар ва адолат билан қатъий тартибда бошқарилиши керак эди.

**Подполковник
Баҳром МИРЗААКБАРОВ,
Чирчиқ ОТҚМБЮ
ўқитувчиси**

ВАТАНГА МУҲАББАТ, САДОҚАТ, МАРДЛИК ТУЙҒУЛАРИ

Юртимиз азал-азалдан буюк инсонлар бешигидир, Тўмарис, Спитамен, Жалололдин Мангуберди, Амир Темур каби буюк саркардаларни етиштирган бу юрт бугун ҳам ана шундай буюклик сари илдам қадам ташламоқда. Бу жараёнда эса мамлакатимизнинг, халқимизнинг тинчлик-осойишталигини сақловчи, садоқатли ва қўрқмас ҳарбийлардан ташкил топган Қуролли Кучларимиз муҳим роль ўйнайди.

Ўтган 30 йилдан ошиқ вақт мобайнида Ўзбекистон Қуролли Кучлари салоҳияти сезиларли даражада юксалди. Ҳарбийларимиз халқаро армия ўйинларида фахрли ўринларни қўлга киритишмоқда. Шунингдек, бу йил Ўзбекистон армияси ҳарбий қудратга дунёнинг 140 та давлати орасида 54-ўринни қайд этди.

Бундай ҳарбий қудратга эришимизда юқорида айтганимиз, буюк аждодларимиз, саркардаларимиздан қолган бой тарихий

меросимизнинг ўрни беқиёс. Амир Темурдан жанг стратегияси ва ҳарбий қонунларни, Жалололдин Мангубердидан мудофаа усулларини, Темур Малиқдан Ватанга садоқат ва қатъиятни ўрганган бу халқ янада юксак марраларни забт этади. Ушбу бой маънавий меросимизни янада чуқур ўрганиб ҳаётга татбиқ қилиш, уни келажак авлодга етказиш бизнинг вазифаларимиздан биридир.

Тарихимизда Ватан фидойилари чиққанидек, бугун ҳам улар йўқ эмас.

Ўғлонларимиз 2000 йил Сариосиё ва Узун, 2005 йил Андижон воқеаларида ватанпарварликнинг ҳақиқий намунасини кўрсатишди. Халқимиз халқ тинчлиги, осойишталиги учун жон фидо қилган ҳарбийларимиз хотирасини унутмайди.

Биз ёшларда ушбу қаҳрамонлар, уларнинг жасорати туфайли Ватанга муҳаббат, садоқат, мардлик туйғуларини шаклланди. Қачон ёшлар Ватанини, халқини севади? Қачонки Ватани, халқи билан фахрлангандагина уни севади, ардоқлайди. Биз тарихимиздаги қаҳрамонларимизни севамиз, бугунги давр қаҳрамонлари: ўқитувчи, шифокор, ҳарбийларимиз билан фахрланамиз.

Ана шундай ёшларни тарбиялаш учун бугун керакли ишлар амалга ошириляпти. Жумладан, яқинда ёшлар орасида «Шунқорлар» ҳарбий спорт мусобақасининг ташкиллаштирилганини айтиш мумкин. Мен

мусобақада шахсан иштирок этдим. Менга манзур бўлгани, мусобақага тайёргарлик кўриш жараёни таассуротларга бой бўлди. Чиниқдик, тенгдошларимиз билан кучларимизни синадик, янги танишлар, дўстлар орттирдик ва энг муҳими, Ватанни ҳимоя қилиш учун қандай сифатларга эга бўлиш кераклигини англадик. Мусобақа аввалида ҳарбий оркестр томонидан ижро этилган куй қалбимизни жунбишга келтирди. Унда биз фахр, бурч, муҳаббат туйғуларини ҳис қилдик. Шунинг учун ҳам мусобақани ёшлар учун ўзига хос мактаб вазифасини ўтади, деб айта оламиз.

Биз шу Ватан тупроғида униб-ўсяпмиз. Айнан шу заминда буюкларимиз яшаган. Биз ҳам албатта улардек буюк бўла оламиз. Ва бунда албатта Ватан билан юксалар бизнинг шону шавкатимиз.

Ҳумоюн ЭРГАШЕВ

Ulug' siymolar

TAQDIRINI BUYUKLIKKA ULAGAN ZOT



Qo'limda Alixonto'ra Sog'unij hazratlarining "Turkiston qayg'usi" kitobi turibdi. Uni o'qib, shunday tasavvurlarga ega bo'ldim: kunchiqar tomonda bir yurt bor. Uni ajdodlarimiz Sharqiy Turkiston deb ataganlar. Hozir esa Chin tarkibidagi bu yurt Shinjon Uyg'ur avtonom o'lkasi deb nomlanadi. Bu yurtda sarhadlari to'ppa-to'g'ri osmonga tutashib ketgan bepoyon Yulduz yaylovi bor. Uning tarovati, ta'rifi til va qalam ojiz. Bu maskan ajdodlarimiz ishtirokidagi juda ulug' tarixiy voqealarga guvoh bo'lgan. Sohibqiron bobomiz Amir Temur hazratlari salkam ikki asrlik mo'g'ul istibdodiga xuddi shu joyga kelib barham berganlar.

SHARQIY TURKISTON BIZNING TARIXIMIZDA QANDAY O'RIN TUTADI?

Taniqli yozuvchi Abduqahhor Ibrohimovning "Vatan tuyg'usi" kitobida yozilishicha, Amir Temur bobomiz Sharqiy Turkistonni yovlardan ozod etib, G'arbiy Turkiston bilan birlashtirgan. Keyinroq yana yovlar bosqiniga uchragan Sharqiy Turkistonni 1822–1842-yillarda hukmronlik qilgan Qo'qon xoni Muhammad Alixon ibn Umarxon o'ttiz ming kishilik lashkar bilan borib, manjur bosqinchilari asoratidan qutqaradi. Shu g'alabasi evaziga Muhammad Alixon "g'oziy" unvoniga musharraf bo'lgan. Umuman, Turkiston tarixida bunday unvonni olgan hukmdorlar barmoq bilan sanalidir. O'z davrida Vatan tuprog'ini bosqinchilardan tozalashda favqulodda xizmatlar ko'rsatgan Mahmud G'aznaviy, Amir Temur, Husayn Boyqaro va Muhammad Alixon ibn Umarxonlar yuksak "g'oziy" unvoniga sazovor bo'lishgan.

Xullas, Sharqiy Turkiston – ajdodlarimiz yurti, yoki Fitrat domla aytganidek, "turklikning muqaddas o'choqlaridan" biridir. Afsuski, hozir bu ota yurt haqida juda oz narsa bilamiz. Deyarli eslamaymiz ham. Havasli nigohlarimiz hozir G'arbga qadalgan, g'arbona (*aslida ko'p jihatdan "g'aribona" desa ham bo'ladi!*) hayot ko'zlarimizni qamashtirib turibdi.

Buyuk millatdoshimiz Alixonto'ra Sog'unij ham Sharqiy Turkiston, umuman millatimiz tarixida katta iz qoldirgan zotlardan biridir.

Alixonto'ra Sog'unijning deyarli butun umri ta'qib ostida o'tgan. Chor ma'muriyatining yerli aholini mardikorlikka olish siyosatiga qarshi chiqqanligi uchun podsho maxfiy politsiyasi ta'qibida bo'ldi. 1916-yil qo'zg'oloni shafqatsizlarcha bostirilgach, siyosiy muhojir bo'lib

Qashqar (*Xitoy*)ga ketdi. Keyin Sharqiy Turkiston (*G'ulja shahri*) ga bordi. Omma orasida hurriyat g'oyalarini targ'ib qilganligi sababli 1937-yili Xitoy ma'murlari tomonidan hibsga olinib, umrbod qamoq jazosiga hukm etilgan. 1941-yilda adliyaviy taftish natijasida ozod qilindi. 1944-yil 12-noyabrda Sharqiy Turkiston jumhuriyati e'lon qililib, Sog'unij Muvaqqat inqilobiy hukumat raisligiga saylandi. Milliy qo'shin tashabbuskori bo'ldi va unga qo'mondon etib tayinlandi. (*"O'zbekiston milliy ensiklopediyasi". 1-jild.*)

Alixonto'ra Sog'unij – buyuk ma'rifatparvar allomalarimizdan. Ahmad Donishning "Navodir-ul vaqoye", Darvesh Ali Changiyning "Musiqasi risolasi", shuningdek, "Temur tuzuklari" kabi asarlar Sog'unij hazratlarining tarjimai orqali xalqimizga yetib bordi.

"Devoni Sog'unij" she'riy to'plami, "Shifo ul-ilal" (*"Xastaliklar davosi"*), "Asosul islom" (*"Islom asoslari"*) "Turkiston qayg'usi" asarlarining ham muallifidir. Ayniqsa, islom olamida katta shuhrat qozongan "Tarixi Muhammadiy" asari orqali Alixonto'ra Sog'unij hazratlarining nomi manguilik daftariga yozilgani shubhasiz.

"Bu dunyo kofirlarniki, oxirat – musulmonlarniki", degan shubhali "aqida"ni eshitganim bor edi. Bu tushuncha – dunyo ishlaridan ko'ngil sovutadigan va taraqqiyotga g'ov soluvchi g'oyadan boshqa narsa emas. Mana shu fikrni diliga joylagan, bu dunyodan "etak silki", uzlatga chekingan yoshlar ham yo'q emas. Ammo Alixonto'ra Sog'unijning yozishicha, aslida buning tamoman aksi, ya'ni "Islom hammani yengadi, hech kimdan yengilmaydi, hammaning ustida bo'ladi, ostiga tushmaydi. Har

ikki dunyo yaxshiligini Allohdan so'ranglar", deyilmishdir. Hazrat aytadilarki, "Qur'on hukmicha, imon-islamni bilib olgandan keyin har bir musulmonga o'z zamonasi ilmini o'qib tushunishi va zamonaviy hunarlarni o'rganishi birinchi zaruratdir".

Alixonto'ra Sog'unij Sohibqiron Amir Temur nomini nihoyatda ulug' hurmat – ehtirom bilan tilga oladi: "...bu jahon qahramoni, islom olamining ulug' qo'mondoni, butkul turk ulusining faxrlanarlik buyuk sultoni, Qur'ondagi "Allohga va uning payg'ambari Muhammadga va ham o'zlariningdan bo'lgan podshohlarga itoat qilinglar", degan Alloh hukmicha, Turkiston va boshqa bo'ysung'an mamlakatlarga haqiqiy sha'riy va qonuniy podshoh ekanligi shak-shubhasizdir".

Alixonto'ra Sog'unij Sohibqiron Amir Temurni "ulug' dohiy" deb ta'riflaydiki, bunda "dohiy" so'zi o'z asl o'rinda ishlatilganini qalban anglaymiz. Fikrimizni quvvatlash maqsadida, Abdulla Qodiriyning "O'tkan kunlar" romanida Amir Temurni "dohiy" deb ta'riflaganini eslash mumkin. Millatimiz tarixida boshqa hech bir zotga bunday ta'rif berilmagan.

Kitob mutolaasidan so'ng quyidagi boqiy haqiqatlarga yana bir bor iqror bo'ldim:

1. Toza qalb bilan Yaratgandan astoydil so'ragan insonning niyatlari, albatta ijobat bo'lishi.

Alixonto'ra Sog'unij hazratlari har qanday mushkul sharoitda ham hukmdorlar va "qo'li uzun" zamona peshvolaridan emas, faqatgina Allohdan madad so'raganlar. Chunki, "Qur'on so'zi – Alloh so'zidir. Allohning aytishicha, "Har bir og'irlik orqasidan, albatta, yengillik kelgusidir". Bir gal Alixonto'ra Sog'unij safar chog'ida yo'ldoshi

bilan navbatma-navbat dam olishadi. Hamrohiga uyqu g'olib kelib, qarovsiz qolgan otlarning arqoni bo'shalib ketadi... Qorong'i tun, tog'dagi to'qayzor ichidan qidiruv behuda ketadi. Shunda, "men o'z odatimcha duoga kirishib, "Solotan tunajjiyno"ni o'qish bilan tong ottirdim. Tong otishi bilan namozimizni o'qib olgach, yana izlashga kirishdik. Kun ko'tarilgan chog'i edi. Chuqur soy bo'yidagi to'qay ichidan "Hay, ot buyoqda ekan!" deb yiroqdan qichqirgan yo'ldoshimning uni eshitildi. Shu bilan bir zumda boshimizdan g'am tog'i ko'tarilib, bu kabi qo'rqinchlik yerlarda safar xatarlarining qayg'ulik, qorong'i tuni qoplagan tutiq ko'nglimiz bir damda ochildi".

2. Pok iymon sohibining turli baloqazolardan omonlikda bo'lishi.

Pok iymon sohibi o'ziga xos salobat va nurli qiyofaga ega bo'ladi. Safar chog'ida hibsga olingan Sog'unuyga askar boshlig'i shunday deydi: "Siz yaxshi kishi ko'rinasiz, bizning qoidamiz bo'yicha gunohkorlarni kechasi uyga qamab, qo'l-oyoqlariga zanjir solishimiz kerak edi, sizni ko'rib bunday qilishga

mazlum o'zlar qatorida o'zimning ketayotganimni ko'rib, qattiq ta'sirlanmish edim. Bir davrlarda butun dunyoni nayzasi uchida o'ynatgan turk o'g'lonlari, bugunki kunda burgutdan qochgan tulkiga o'xshab qoldilar. Qochar joyini, kirar teshigini topolmaydilar. Burun nega unday ekanmiz? Endi nega bunday bo'ldik? Mana buning sabablarini tekshirib, aniqlab bilganimizdan keyin, uning chorasiga kirishmog'imiz kerak". Va buning chorasini sifatida shunday mulohazalarni keltiradi: "Vatanimizni, dinimizni dushmanlardan saqlash, Qur'on hukmicha, hamma musulmonlarga farzdir. Chunki Xudo Qur'onda: "Dushmanlarga qarshi imkoniyat boricha qurol tayyor qilinglar", deydi. Bobolonning bu so'zlari bugungi kunimizda ham o'z ahamiyatini yo'qotmagandir.

3. Xolis niyatli ilm sohibining hamma joyda va har qanday sharoitda el-yurt hurmati, ardog'iga sazovor bo'lishi.

Quvg'in va musofirlikda, deyarli hech qanday mablag'siz yurgan Alixonto'ra Sog'unuy qayerga bormasin, odamlar u zotning ziyoratiga oshiqqan,



botinolmay qoldik. Hukumat buyrug'i bo'lgach, buni bajarishdan boshqa erkimiz yo'qdir. Sizlar tinch bo'lsanglar hech ish yo'q, biz ham tinch bo'lamiz".

Oddiy insonlarning mushkul damlarda "taqdirga tan berish"i, har qancha loyqa va iflosligidan qat'iy nazar, oqimga qo'shilishi – haqiqat. Ammo Alloh nazar solgan ulug' zotlar bundan mustasno. Alixonto'ra Sog'unuy bir insonning boshi uchun behad ko'p bo'lgan xavf-xatarlardan ustun kelib, millat ravnaqi va ma'naviyatimiz uchun shunchalik ulug'vor, ulkan ishlarni amalga oshirmishdir.

Buning uchun kuchli iroda, sabot, e'tiqod hamda chuqur bilimlarga ega bo'lish kerak. Bir faylasuf shunday yozgan: "Hayot yo'li tor va qorong'u so'qmoqdan iborat. Kimki, aql mash'alini yuksak tutib olg'a yursa, tiriklik musibatlaridan omon qolajak. O'zlar musibat barobarida nobud o'lar, kuchlilar yanada kuchga to'lurlar. Illo, otash paxtani kulga, temirni po'latga evriltirur".

Oddiy inson uchun erksizlik "taqdir yozig'i" sanalsa, ilmi zotlar uchun chandon kuchlik azobdir. Sog'unuy hazratlari, dushman ta'qibi ostida yo'li Vatandan ayro tushar ekan, cheksiz iztiroblarini shunday tasvirlaydi: "Rahmsiz, kuchlik dushmanlar changaliga tushishdan qo'rqib, ulug' tog'larga sig'ingan yig'indi bir to'da

suhbatlaridan bahramand bo'lishgan. "Boshimda eski quloqchin, ust-boshim xarob, oyog'imda ishlamchi etigi, – deb hikoya qiladi muallif, – mening kelganim bularga bayram kunlaridek ko'rinib, tug'gan-bilganlar uzoq-yaqindan hafta-o'n kunlab uzilmay kelgali turishdi". Uzoq yurtdagi bu odamlar tabib Sog'unuy qo'lidan bir vaqtlar shifo topgan, uning dil shifosi bo'lgan diniy suhbatlarini istab kelishgan. Shunday hadis bor: "Kimniki Tangri do'st tutib qolsa, odamlarning unga hojati tushadigan qilib qo'yadi". Inson uchun bundan ziyod martaba bormi dunyoda!

SOG'UNIY... KIM U?

Yaratganga beaded shukurlar bo'lsinkim, istiqloлга erishgan ozod Vatanda osoyishta yashamoqdamiz. Bu kunlarni umr bo'yi orzu qilgan va o'z davrida buyuk Istiqlolimizni bashorat qilgan alloma Sog'unuy boboning bugun ruhlari shod bo'lsa, ajab emas. Shunday dorulamon zamonlar kelishi uchun, millat va din ravnaqi uchun ulkan xizmatlar qilgan Alixonto'ra Sog'unuy hazratlarini tanimasligimiz – o'z-o'zimizni tanimaslik bilan teng.

Do'stimning hikoyasi:
– Kitob mutolaasidan so'ng ko'ngillar tog'dek o'sdi. Mana bizning a'molimiz, naqadar ulug'ligimizning isboti! Ma'naviyatimizning o'q

ildizlaridan biri – Alixonto'ra Sog'unuy hazratlari! Bir rassomga ul zotning suratlarini chizdirib, ish kabinetimning to'riga osib qo'ydim. Eng katta hayratlar ana shundan so'ng boshlandi. Xonaga kirgan aksariyat odamlar bu nuroniy zotning kimligi bilan qiziqqa boshladilar. Ularga Alixonto'ra Sog'unuy hazratlari haqida baholi qudrat ma'lumotlar berdim. Afsuski, ko'rinishidan binoyidek ba'zi "ziyoli" insonlarning: "Alixonto'ra?! Kim bo'lganlar?" degan savollari ko'p bo'ldi. Afsus... Ammo katta bir ilmiy jamoa rahbarining: "Bu bobongizning suratimi?" degan so'rovi ayniqsa, latifasifat hangomaga aylandi. Avvaliga rahbar hazillashyapti, deb o'yladim. Qarasam, savol jiddiy, mendan javob kutib turibdi. "Bu kishi Alixonto'ra Sog'unuy bo'ladilar". Shu javobimdan keyin uning: "E, bu nuroniy zot Alixonto'ra hazratlari bo'ladilarmi, bilaman, ko'p eshitganman", degan javobni kutgandim. Qayda deysiz! "Alixonto'ra... bobongizning ismlarimi?" dedilar yana. Oxiri gapni qisqa qilib, "ha", dedim-u, bu javobim o'zimga ham yoqib ketdi. Alixonto'ra Sog'unuy hazratlariga voris bo'lish – buyuk sharaf-ku!

Shuni eslatib o'tish kerakki, O'zbekiston mustaqillikka erishgach, Alixonto'ra Sog'unuyning xotirasini abadiylashtirish maqsadida

Toshkentning Yakkasaroy tumanidagi o'рта maktabga, Chilonzor tumanidagi mahallaga, Shayxontohur tumanidagi ko'chaga uning nomi berildi.

Alloma Alixonto'ra Sog'unuy hazratlari Toshkentdagi Shayx Zayniddin bobo qabristonida mangu sokin topgan.

1960–1980-yillar sobiq Qizil saltanatning eng kuch-qudratga to'lgan davri bo'lgan edi. Nazarimizda, mustamlakachilarning niyati amalga oshib, qurama "sovet xalqi" tarbiya topgan-u, hamma bir tan bo'lib bu tuzumni madh etgandek edi. O'sha davrlarda yurtimizda bu mustabid saltanatga qarshi chiqish fikri u yoqda tursin, Turkiston va islom dini taqdiri haqida qayg'urgan zotlar yashaganligini ko'pchilik bilmasdi. Endi ma'lum bo'lishicha, tomirlarida asl turkiy qoni, pok e'tiqodli, jangovar ajdodlar qoni oqqan Alixonto'ra Sog'unuydek zot ham oramizda bo'lgan ekanlar. Demak, Fitrat domlaning mana bu so'zlari uchun katta asos bor: "Ey ulug' Turon, arslonlar o'lkasi! Qayg'urma! Eski davlating, eski saltanating, eski yigitlaring, eski arslonlaring hammasi bor, hech biri yo'qolmamishdur".

Baxtiyor HAYDAROV,
O'zbekiston Yozuvchilar uyushmasi a'zosi

"Vatan bilan ulg'ayar shon-shavkatimiz!" tanloviga

Vatan – qalbm suvuri,
yuragimning har bir zarbi,
kuzimdan tomgan har qatра
esh, onamning menга айтган
mungli allasi, endигина
dunё юзини kurgan
mittigina chaqalokning
tamshaniши, биринчи бор
maktabга кадам kuygan
jajжи kizalok, бахтдан
масрур, мухаббатнинг
utli оловидан qalби
enaётган esh kelin-kuёv,
ilm dengiziga shunгиb,
undagi durларни бирма-
бир йигаётган толиби ilm.
Буларнинг бари мен учун
– Vatan. Mening nazdimda,
бу ulug' oshien uz qalbmдан
bosланиb, uzгалар yuragida
yakun topuvchidir. Vatan –
eng buyuk muallim. Onaizor
kaftларidaги chizikлар –
xatларда ham, chehrasidaги
ajinлар – харитада ham
у namoen. Shuning учун
Vatanni asramokдан kura
olий бурч йuқdir.

ларим ожизлик қилиб қолади. Балки, бу ҳолат сўнги нафасимга қадар давом этар. Аммо мен тўхтамайман. Сени севишдан, сенинг гўзал жамолингни мадҳ этишдан, сен ҳақингда дунёларга сизмай гапиришдан – бари-баридан тўхтамайман.

Ўзбекистоним, нечун мен, йўқ, ёлғиз мен эмас бутун халқинг сени бу қадар севади? Мендан худди шу нарсани сўрашганда тилим лол қолади. Боиси, дунёда шундай нарсалар борки, уларнинг сабабини тушунтириб бериш, уни баҳолашнинг умуман имкони йўқ. Бу оламда шундай ажойиботлар бор, уларни ҳеч бир олмос тошли тарози билан ўлчаб бўлмайди ва яна бу қадар туйғулар мавжудки, нега айнан мана шундайлигини тушуниш мушкул. Бир ҳаётини ҳолатни олиб қарайлик. Ҳар бир фарзанд ўз қалб кўеши – онасини беҳад севади, ардоқлайди, дунёда неки эзгулик бўлса, шу шариф зотга тилайди. Унинг тунлари ухламай берган оқ сутини оқламоқ учун ҳар нега тайёр туради. Нечун? Бунинг ҳам жавоби йўқ. Буларнинг бари Оллоҳнинг инояти ила содир бўлади. Vatan ҳам она. Шунинг учун она ва Vatanга меҳрли бўлишни бандаларга хос. Онага бўлган меҳр Vatanга бўлган меҳр,

бат туйғулари фақат ҳозирги замон ижодкорлари шеърларида эмас, балки қадим замонлардаги барча қалам аҳллариинг ижодида ҳам яққол сезилиб туради. Vatan – тақдир, Vatan – қисмат. Ўзбекистоннинг жамики фарзанди қутлуғ қисмат эгасидир. Бутун ўзбек халқи шу зийнат билан безанган. Президентимиз Шавкат Мирзиёев таъбири билан айтганда, «хаммамизни тарбиялаган, вояга етказган, барчамизга туз-насиба берган» бу ўзбек халқи ўз Vатанини жонидан-да зиёда севади, унинг тинчлиги учун тунларни бедор ўтказди, ривожланиши учун бутун куч ва салоҳиятини сарфлайди. Буларнинг ҳаммасини Vатанига бўлган улкан мухаббати туфайлигина амалга оширади.

Ўзбекистон... Оилам фаровонлиги, фарзандларим кулгиси, мушфиқ онамнинг меҳрли кўзлари, мен ва ватандошларимнинг бугуни, порлоқ эртаси бари-бари шу бир сўзда мужжасам. Ўзбекистон деганда вужудимда аллаларса тугён уриб, соҳилига сизмаган тўлқин каби тўлиб-тошади. Бу ҳис меннинг бутун тан-у жонимни чулғаб олганда ўзимнинг ким эканлигимни, буюк аждодларимнинг неларга қодир бўлганлигини қайта-қайта англайман. Нима деб ўйлайсиз? Балки Vatan туйғуси, Vatanга мухаббат деганлари шу

нодек донишмандларнинг муқаддас ери ҳам, Аҳмад Яссавий, Алишер Навоий, Заҳириддин Муҳаммад Бобур, Огаҳий, Машраб, Абдурауф Фитрат, Чўлпон, Маҳмудхўжа Бехбудий, Абдулла Қодирий, Усмон Носирдек адабиётнинг забардаст вакиллари қалам тутган макон ҳам шу юрт, шу элдер. Мен шундай буюкларнинг давомчиси эканлигимдан бениҳоят фахрланаман.

Халқимиз турли касб-хунарнинг бошини тутиб, шу орқали рўзгор тебратади, бола-чақа боқади, ҳалол бойлик орттиради. Пешана тери билан топганининг бир қисмини хайр-саховат йўлига беминнат сарфлайди. Ўзаро меҳр-оқибат, катталарга ҳурмат, кичикларга ғамхўрлик, ночорларга мурувват, ўзаро аҳиллик фазилатларини бошига тож айлайди! Зеро, одам инсонийлиги билан сарбаланд!

Шукроналик ҳисси билан яшаш, Vатанимизнинг юксалиб, бўйи осмонларга қадар етганлигини кўриш барчамизга насиб этсин. Vatan меҳри қалбимизни оловлантириб, ўзига оҳанграбодек тортиб юраверсин. Шундай заминда туғилиб, ўсиб, яшаётганимиз биз-у сизнинг энг катта бахтимиз эканлигини ҳеч қачон ёдимиздан чикармайлик.

ВАТАННИНГ МЕҲРИДАН ВУЖУДИМ ЁНУР...

Кўлимга қалам олишга ундаган Vatan меҳридир. Бу меҳр бутун вужудимни, танимни шундай эгаллаганки, мисли оташ бўлиб ёнур, бу оташ менга азоб эмас, роҳат бағишлайди.

Олий табибим – Vатаним, яна сенинг васфингни баён этмоқдаман. Биласан, бунга жуда кўп маротаба кўл урганман. Ҳар гал оқ қоғозни қоралаганимда сенинг гўзаллигинг олдида қаламим, сенга бўлган меҳримни тавсифлаш учун эса сўз-

онага ҳурмат Vatanга ҳурмат, онани севмоқ Vатанини севмоқ демақдир.

Vatan деб аталмиш бу тўхта биз-у сизга Оллоҳ инъом этганлари ичидаги энг аълоси ва энг қимматлисидир.

*Аёнким, Vatan узра то жони бор,
Киши ҳарб этар токи имкони бор.*

Улуғ давлат арбоби, сўз мулкининг султони, беназир шоир Алишер Навоийнинг бу мисралари авлодларга бўлган бир улуғ чорловдир. Vatan тўшунчаси, унга бўлган меҳр-мухаб-

бўлса керак?! Ўткир Ҳошимов таъкидлаганидек, қайси юртда нон арзонроқ бўлса, ўша ерга кўчиб юрадиган одамда Vatan туйғуси бўлмайди.

Бу улуғ тупроқ Vатанининг бир қарич ери учун жонини берган Широқ, Спитамен, Амир Темур, Жалолиддин Мангуберди, Темур Малик, Нажмиддин Кубро каби мардларга бешик бўлган. Ислом илмининг тенгсиз уламолари Имом ал-Бухорий, Имом ат-Термизий, Мотуридий, Ибн Си-

Мен эса Vатанимнинг бир қарич ерини жоним эвазига бўлса-да сақлаб қолмоққа доимо шайман! Vатаним, сени нега севишини билмайдиган, сени шунчаки юрагида асраган бир гариб фарзандингман!

**Амира АМИНОВА,
Нишон туманидаги
32-умумтаълим мактаби она
тили ва адабиёт фани
ўқитувчиси**

Davra suhbatlari

YOSHLAR TARBIYASIDA MUZEYLARNING ROLI

Qurolli Kuchlar davlat muzeyida Toshkent shahrida faoliyat olib borayotgan muzey direktorlari, turistik firma xodimlari hamda Turizm va madaniy meros vazirligi huzuridagi Madaniy meros agentligi vakillari ishtirokida "Yoshlarni vatanparvarlik ruhida tarbiyalashda muzeylarning o'rnini va roli" mavzusida davra suhbatlari o'tkazildi.

Tadbir yoshlarning davlatchilik tarixiga bo'lgan qiziqishlarini oshirish, harbiy tarix va tarixiy shaxslar, sarkardalarimizning ko'rsatgan jasorati haqida qiziqarli ma'lumot olishlarida targ'ibot-tashviqot ishlarini yanada takomillashtirish maqsadida o'tkazildi.

Davra suhbatining ochilish marosimida Qurolli Kuchlar davlat muzeyi hovlisida qad ko'targan "Vatanga qasamyod" haykali poyiga muzey rahbarlari tomonidan gulchambarlar qo'yildi. Shundan so'ng tadbir ishtirokchilari bilan muzey bo'ylab ekskursiya uyushtirildi. Tadbirga yig'ilganlar ajdodlarimiz tarixi va bugunini jonlantirgan eksponatlar bilan tanishar ekan, qadim ajdodlarimizning turmush tarzi, mudofaa va qirolozlikning rivojlanishi, o'z hududlarini himoyalashda foydalanilgan harbiy anjomlar va qurol-yarog'lar haqida to'liq ma'lumotga ega bo'ldi.

Kunning ikkinchi yarmida muzey direktorlari Qurolli Kuchlar akademiyasiga sayohat


qilishdi. Ular akademiyaning muzeyidan joy olgan eksponatlar bilan yaqindan tanishdi. Shundan keyin tadbir akademiya majlislar zalida davom etdi. Unda muzey direktorlari ma'ruzalari bilan ishtirok etib, o'zlarini faoliyat yuritayotgan muzeylar haqida batafsil ma'lumot berib, undagi boy tarixiy va madaniy meroslarni keng targ'ib qilishdagi ishlari bilan tanishtirib o'tdi.

Tadbirning badiiy qismida Qurolli Kuchlar Markaziy ashula va raqs ansamblining vatanparvarlik ruhida kuy-qo'shiqlari ishtirokchilarga xush kayfiyat ulashish bilan bir qatorda, davra suhbatiga ham yakun yasab berdi.

**Sherzod EGAMBERDIYEV,
«Vatanparvar»**



ФОЗИЛ ЙЎЛДОШ



БАХШИЛАР СУЛТОНИ

Булунгур тўғрисида гап борганда, Фозил Йўлдошни эсламасдан сўз айтиб бўладими? Бир неча йил аввал тўрт киши Сўз соҳиби хузурига отлангандик. Ҳаётимда ўттиз беш йил олдин узилиб қолган воқеалар яна давом эта бошлаганди ўшанда. Бу орада унинг кичик лавҳалари ора-сира кўриниш бериб турарди. Қишлоқ кутубхонаси токчаларининг бир четида қаторлаштириб тахлаб қўйилган эллик-олтмиш китобдаги воқеалар эди улар. Балки, кўпроқ бўлгандир. Аммо кам эмас. Катта хонадаги қават-қават токчалар бир неча минг китоб билан лиқ тўла эди.

ОҲАНГ ВА СЎЗ МАКОНИ

Ахийри кутубхоначи опа олаётган китобларимни рўйхат дафтарчасига қайд этмай қўйганди. «Гўрўғлининг туғилиши», «Алпомиш», «Ёдгор», «Юлдуз ва Қундуз», «Ширин ва Шакар», «Авазхон», «Равшанхон», «Нурали», «Кунтуғмиш»... Улар менинг номимга очилган ўша рўйхат дафтарчасига ёзилганми ё йўқми, ҳозир эслай олмаман.

Қадимий Яксарт, кейин Жиззахдан ўтдик. Ғубдин тоғи этагига етиб келдик. Юзлашганимизда ҳануз тинчимни бузишга киришадиган, вужудимни тарк этмаганини билдириб турадиган воқеалар ҳудудида эдик. Улар билан ўша кутубхонадаги китоблар варақларида учрашганимиз. Самарқанднинг кун туғар тарафида ерга чўккан афсонавий улкан ўрқачли туядек Туркистон тоғ тизмаси ястаниб ётибди. У қушлар, ҳайвонлар, майсалар, дарахтлар, жилғалар... уни тинглай оладиган ҳар кимсага минг йиллар олдин исми аллақачон унутилиб кетган муқаддас Кўк ери (*Хукария*) ва Сума ҳақидаги достонини ҳануз сўзлайди. Сўзлари жўшиб шеърга айланганда шовуллаётган дарё унга қўбиз бўлади.

Қўбиз оҳанглари поёнсиз дала-лар бағрини тўлдираётганини ҳозир ҳам илғаса бўлади. Туйғуларни уддалаб бўлмайпти. Улар тўзиган арилардай... кўкрак қафасига сигмаётир. Ғубдин тоғи этақларида, кўз ўнгимизда Оҳанг ва Сўз макони эди. Бу ерга келганимда Қатавандиза қаршида юзма-юз турганимни, у мени чақиравери, тинчимни буткул олиб қўйишини ҳали билмасдим.

Ўтган XX асрнинг биринчи ярмида шу атрофда ўзбекнинг Фозил Йўлдош исми бир ўғлони пайдо бўлади. Онақут даври... ва ҳатто, ундан ҳам қадимдан бери борар манзилини ахтараётган кўҳна Оҳанг унинг дўмбираси орқали қалбларга йўл топади. Эзгуликни ҳимоя қилиш учун дунёга келиб, тўпланган Сўзлар қўшинидан кўҳна Туронда «Алпомиш», «Кунтуғмиш» каби достонлар яралади.

Ғубдинда бир кеча тунаб, Фозил Йўлдош яшаган манзилга ўтдик. Катта сайил устидан чиқдик. Кекса олим Фозил Йўлдош ўғли ўттизга яқин достон айтгани ва уларнинг ёзиб олиш жараёни ҳақида тўлқинланиб ҳикоя қила бошлади. Унинг товуши титрарди. «Бу нутқ – достоннинг бир томчисини ифодамоқчи», деган фикр ялт этди бошимда. Кўринг, у барча эл танийдиган катта олимни не қўйга соляпти.

«ЎТТИЗГА ЯҚИН ДОСТОН...»

Ўзбекнинг бир бахшиси Булунғурда шунча достон айтган. Ҳар бири мукамал асар. Дунёнинг баъзи катта халқларида ҳам Фозил Йўлдошдан ёзиб олинган достонларга ўхшашидан биттасини топиш маҳол. Ҳали Эргаш Жуманбулбул, Пўлкан шоир, дўмбирасидан зикр тушаётган дарвеш каби тоғлар титраган Қодир бахшилар... турибди. Бу борада фақат ҳинд эли ўзбек халқи билан бахшлаша олса керак. Қизиғи, мутахассислар фикрича, ёши 3-4 минг йилдан ошадиган «Маҳабҳарат» достонининг бир илдизи ҳам ҳозир биз йиғилган Оҳанг ва Сўз маконига келиб туташганини кўриб, чексиз ҳайратлангандим. Унинг таркибига кирувчи «Нал» достонидаги Налнинг шаҳрига қайтиши ва Алпомишнинг зиндондан чиқиб, Бойсун элига келиши воқеалари сатрма-сатр, қалбма-қалб «эгизак» лавҳалар эди. Уни ўқиганимда: «Бу достонни Фозил Йўлдошнинг қайсидир замонларда Туронда яшаган катта Бобоси айтган-ов», деган фикр хаёлимга кириб, миямда жойлашиб олганди. У ҳозир ҳам уни тарк этгани йўқ.

Баҳодир Нал узоқ сафардан кейин қадрдон шаҳрига кириб келганда отининг туёғи зарби унинг келганини дўстларига ошкор қилиб қўяди. «Нал шаҳарга қайтди-ёв, бу туёқ товуши унинг отиники. Бошқа бирорта арғумоқ туёғидан бундай садо чиқмайди», деб ўйлайди улар.

Алпомиш етти йиллик зиндондан чиқиб, Қултой бобога учраб, унинг кийимини кийиб, шамолдан

тез, довулдан шиддатли Бойчибори билан Бойсунга кириб келганида ҳам худди шу ҳодиса содир бўлади. Барчиной ногоҳ ўтов керагасининг зириллашини кўриб: «Бу Бойчиборнинг қадами, ундан бошқаси ерни бундай титрата олмайди», деб кўксига түғён уйғонади.

ҚЎБИЗ ВА БУЛУНҒУР

Фозил Йўлдош музейида бир талай осори атиқалар орасида Қўбизни кўрдим. Минг йилдан ошиқроқ нарида Абу Наср Муҳаммад Форобий (873–950) қўбиз оҳанги билан бутун сарой аҳлини ўхлатиб қўйгани ёдимга тушди. Музейдаги қўбиз ғаройиб ва жуда эски эди. Хаёлимни у ўша даврларга йўналтирган эди.

Оҳанг ва Сўз маконида бўлиб қайтдик. У бир пайтлар қишлоқ кутубхонасидан олиб ўқиган достонларим дунёга келган, менинг нигоҳимда ҳозир ҳам айнан эртакнинг ўзи бўлган юрт – Булунғур эди.

Сўзлар кўмагида кезишда давом этаётганимиз Булунғурдаги шарафларга тўлиқ туғли воқеаларнинг яна бири билан уларнинг барчаси тўғрисида ёзишга киришишдан икки йил илгари шу тариқа юзлашган эдик.

БУЛУНҒУРНИНГ ЗИЙНАТИ

Фозил Йўлдош 1872 йили Шероз (*Булунғур*) тумани ҳудудидаги Будана даҳасига қарашли Лойқа қишлоғида дунёга келади. Отаси деҳқончилик билан шуғулланарди. У 1877 йили вафот этади ва ёш Фозил етимликда улғаяди. Болалигидан оғир меҳнат қилиб, кун кечиришга мажбур бўлади.

У замонасининг Йўлдош мулла Мурод ўғли, Амин шоир, Чини шоир, Товбузар шоир, Қурбонбек шоир, Султонмурод шоир, Йўлдошбулбул, Қўлдош, Суяр каби таниқли бахшилардан таълим олади. Улар Булунғур достончилиқ мактабининг истеъдодли вакиллари эди. Бахшилар султони Фозил Йўлдош ўғли 1955 йили 83 ёшида вафот этади. Булунғур тумани марказида шоирни ҳамиша эҳтиром ила ёд этиш мақсадида хиёбон ташкил этилиб, бу боғ унинг номи билан аталади. Ушбу сатрлар роқими ҳам халқ табаррук қилган бу жойни бир неча марта зиёрат қилганди.

Мутахассислар Фозил Йўлдош бахши турли давраларда ўттиздан ортиқ достон кўйлагани ва улар ёзиб олингани ҳақида сўзлашади. Бу достонлар устида кўплаб диссертация ишлари амалга оширилган. Уларнинг натижалари юзлаб мақолалар ва китоблар бўлиб нашр қилинган.

Фозил Йўлдош бобонинг ўзи бир ғаройиб дунё. Унинг ижоди Булунғурни ўзгача шараф билан зийнатлади. Унинг достонлари барча замонларда тур қавми авлодларига Бобо Турон зиёрати сари йўл очади, қалблардан ғафлат ва танбалликни ҳайдайди. Уларнинг ўрнини тирикликнинг сеҳрли оҳанглари билан тўлдиради. У қуйлаган достонларни давраларда ўқиш, тинглаш инсоннинг энг яхши ишларидан бири бўлади.

Абдусаттор ЖУМАНАЗАР,
ЎзРФА Шарқшунослик
институти катта илмий ходими

"Vatan bilan ulg'ayar shon-shavkatimiz!" tanloviga



XALQ QAHRAMONI EMAS – XALQLAR QAHRAMONI

O'zbek jangchilarining o'zaro hamjihatlikda harakat qilishi va o'z burchiga sodiq qolgan holda janggohlarda aslo ortga chekinmasligini ko'plab jahon mamlakatlari ham tan oladi. Vatan ozodligi, tinchligi yo'lida shirin jonini qurbon qilgan ko'plab vatandoshlarimiz bilan faxrlanamiz. Ularga havas qilamiz, qahramonliklariga tan beramiz.

Internet sahifalarida tasodifan bir xabarga ko'zim tushib qoldi. "Belkniga" saytida «В свет вышла книга «Победа одна на всех»: о героях ВОВ из Узбекистана» deb nomlangan maqolani o'qib qoldim. Unda "Petrus Brovka nomidagi Belarus ensiklopediyasi" nashriyoti "Hamma uchun bitta g'alaba" kitobini nashr etgani haqida yozilgan edi.

Bu kitob ikkinchi jahon urushi yillarida Belarus hududida fashist bosqinchilariga qarshi kurashgan o'zbek askarlariga bag'ishlangan bo'lib, nashr tarixiy va zamonaviy fotosuratlar, hamyurtlarimizning qahramonligi va jasoratidan dalolat beruvchi arxiv hujjatlarining fotonusxalari bilan bezatilgan ekan. Bunga men o'sha saytga joylangan kitob sahifalarini ko'rib guvoh bo'ldim.

Ma'lum qilinishicha, kitob "Belarus eslaydi" respublika aksiyasi doirasida nashr etilgan "Belarus eslaydi: hayot va tinchlik uchun" turkum kitoblarining davomi ekan.

"Urush dahshatlari fonida Vatan himoyachilarining qahramonligi va jasorati aks ettirilgan ushbu turkumdagi kitoblar o'tkir hissiyotlarga boy bo'lib, har bir insonni o'z xalqining fojiali va qahramonlik o'tmishini eslashga undaydi. Nashriyot direktori Vladimir Andreyevich "BelTA"ga bergan intervyusida bizning ota-bobolarimiz bo'lgan o'zbek jangchilari haqida quyidagicha fikrlarni keltirgani ko'rsatilgan: "Xotira bizni birlashtiradi. Fashizmga qarshi kurashda, jumladan, Belarus hududida boshlangan urush natijasini belgilab bergan muhim janglarda yuz minglab o'zbeklar va O'zbekistonning tub aholisi bitta yirik davlat

vakillari sifatida qatnashdi. O'zbekistondan kelgan ko'plab muhojirlar partizanlar va yashirin jangchilar safida jang qildilar.

O'zbeklar Brest qal'asini himoya qildilar. Ular orasida Jizzax viloyati Zomin tumanida tug'ilgan Avazmat Niyozmatov ham bor. Uning nomi Brest qal'asi yodgorligi plitalarida abadiylashtirilgan. Brest viloyatida Samarqand viloyati Mitani qishlog'idan bo'lgan Luqmon O'roqov komandirlik qilgan Kirov nomidagi partizan otryadida xalqaro rota faoliyat yuritgan.

Belarusni ozod qilgan o'zbek jangchilari qahramonlik va jasorat namunasi ko'rsatdi. Faqat Dneprni kechib o'tishda 19 nafar o'zbekistonlik jangchi Sovet Ittifoqi Qahramoni unvoniga sazovor bo'ldi: Hallak Aminov, To'xtasin Boboyev, Abdusalim Dehqonboyev, Toshmamat Jumaboyev, Stepan Ilin, Jumagali Qaldirorayev, Saidusmon Qosimxo'jayev, Maxmudiyev, Naxmubiyev, Quadrat Suyunov, Kanilbay Tasqulov, Jo'raqul To'rayev, Obloqul Uzoqov, Muxitdin Umuridinov, Jo'raxon Usmonov, Sapar Xushnazarov, Sharif Ergashev, Abdulaziz Yuldashov, Qosim Yakubov.

Minglab o'zbek askarlari Belarus zaminida abadiy qoldi. Belarusliklar o'zbek askarlarining qabrlarini ehtiyotkorlik bilan asrab-avaylashmoqda. Ularga yodgorliklar, yodgorlik plitalari o'rnatildi. Muzeylarda alohida ekspozitsiyalar uchun joy ajratildi.

Petrus Brovka nomidagi "Belarus ensiklopediyasi" nashriyoti Belorussiyada

ikkinchi urushi yillarida jang maydonlarida halok bo'lgan o'zbekistonliklar xotirasini abadiylashtirish maqsadida kitobda ilk bor "Unutilmagan nomlar" xotira ro'yxatini nashr etmoqda. Unda 1941–1944-yillarda Belarus uchun bo'lgan janglarda halok bo'lgan va shu zaminda dafn etilgan mingdan ortiq o'zbekistonlik askarlarning ism-shariflari keltirilgan. Ehtimol, birinchi marta ularning qarindoshlari va do'stlari ko'plab ozodlikchilarning o'lim va dafn etilgan joylari haqida bilishadi. Vafot etgan qahramonlar xotirasini asrab-avaylash belarus va o'zbek xalqlari o'rtasidagi do'stlikni yanada mustahkamlash, yer yuzida tinchlikni saqlash kafolati bo'lib xizmat qiladi. Xotiramiz tirik ekan, hech kim va hech narsa unutilmaydi".

Bular bilan tanishar ekanman, beixtiyor o'zimda faxr va iftixor tuyg'ularini tuydim. Negaki, biz mana shunday o'zining qahramonligi va jasorati bilan nom qozongan, bukimas irodasi bilan ko'plarning havasini keltirgan ajdodlarning vorisimiz. Ularning tarixini jahon xalqlari o'rganayotgan, e'zozlayotgan va abadiylashtirayotgan bir paytda bizlar ular uchun nima qilsak ham kam. Guvohi bo'lganimizdek, bizning ota-bobolarimiz xalq qahramonigina emas, balki boshqa xalqlarning ham qahramoni ekan.

**Kamoliddin RO'ZIMATOV,
O'ZJOKU harbiy jurnalistika
yo'nalishi talabasi**

ҚЎНҒИРОҚ

**Илк йиғиси билан ёруғ оламга жар солиб келган
гўдак онанинг оппоқ сути орқали еру кўк ва заминни
Ватан, дея қабул қилар экан, шунинг учунми онгу
шуур ила оппоқ саҳифаларга Она ва Ватан сўзларини
айро ёза олмаймиз.**

Хизмат фаолиятимни пойтахтда давом эттирар эканман ташвишланмаслиги учун деярли ҳар куни волидамга қўнғироқ қилиб, ҳол-аҳволини сўроқлайман.

Гўёки ўзимни тиббиёт мутахассиси ҳис этиб, онаминг овоз оҳангига қулоқ тутаман. Нафас олишларини диққат билан тинглаб, ўзимча ташхис қўяман. Ҳа, ўтиб бораётган шафқатсиз вақт онам куч-қувватини йил сайин киши билмас ўғирласа-да, сочларига такрорланмас ажиб оппоқ нақшлар солмоқда.

Ёлғиз ўғлини оқ ювиб, оқ тараб вояга етказгач, келин олиб, набираларини опичлаб юришни орзу қилган онам ўз уйида айни дамдаги

ёлғиз суянчиғи бўлмиш отамга ҳали ҳам келинлик қилаётганини ўйла-сам, виждоним қийналади...

Қўнғироқ қилган вақтим ўринли бўлиб қолса ёқимли иштаҳа тилайман, ош бўлсин дейман ёки турмуш ўртоғининг контракт бўйича ҳарбий хизмати ортидан мамлакатимизни яшаётган ёлғиз синглимнинг холини сўрайман. Салкам 800 километрлик олис масофадан туриб, рўзғор бутлигини, кам-кўстини, хуллас, барини суриштираман.

Ишонасизми, бу саволларим ҳар бир қўнғироғимда бир неча бор такрорланади. Қанийди шунга яраша ўғлининг хизмати ортидан Тошкентга бир маротабагина келиб

кетган онам, бирор нимани тайинлаб «телевизорда кўрдим, фақат пойтахт бозорларида бор экан, шуни олиб, менга жўнатиб юбор», деса. Ҳеч айтмайди, ҳатто зарур бўлса ҳам. Ўзи дунёга келтирган фарзандига борини бергани етмаганидек, набирасининг ақиқа ва бешик тўйи маросимларига тараддулланиб юрибди ахир.

Афсуски, волидамнинг бергувчи саволлари жуда-жуда оз. Овозимни эшитиб, омонлигимга амин бўлгач, келини ва суюкли набирасининг соғ-саломатлигини сўрайди холос. Қўнғироқ орқали бўлса ҳам набирасининг шодон овозини эшитса, бунданда зиёд бахт йўқдек бу оламда. Яқиндагина таътилдан қайтган бўлсам-да, яна набирасини юз кўриш истагида кейинги таътилим қачонлигини сўрайди. Набирасига бўлган соғинчини сезиб, Тошкентга чорласам, «ёшсизлар, замон сизларники, ўйнаб-қулинглар», дейишдан нарига ўтмайди.

Аниқ эслай олмайман, қайсидир бир кун, хизмат хонамдаги телефон безовта жиринглади. Қўнғироқ қилувчи томоннинг рақамларини кўрсатиб турувчи телефоннинг махсус ойнасида мен учун унутиб бўлмас таниш рақам кўринди. Бурчимни ҳис этиб, одатда бу таниш рақамга ўзим қўнғироқ қилишга интиламан. Шу сабабданми, қўнғимга ҳадик ўралади. Гўшакни кўтарар экан-

ман нариги томондан менга таниш бўлган овоз йиғи товушлари билан қўшилиб келаётганини билдим, ҳавотирим чандон ортди. Жон ҳолатда отамни, яккаю ёлғиз синглимнинг ҳол-аҳволини сўрар эканман, ичимдан ўтаётганларни пайқаган онам, «ҳавотир олма, биз яхшимиз, бу кўзёшлар бахт кўзёшлари», дея ҳарбий либосда тушган фотосуратимдан бир донга юборишимни сўради холос.

Кейинчалик билсам, қўлимга қалам тутиб, ёзиш ва ўқишни ҳамда дунё илмларини ўргатган устозларим ташаббуси билан мен таълим олган мактабда «Фахр ва ифтихор» бурчаги ташкил этилибди. Ушбу бурчакка эса қалбларидея Ватан туйғуси жўш уриб турган митти ўқувчи қалбларга эртанги куни учун ишонч деб аталмиш қанотларни боғлаш мақсадида эгаллаган соҳаларидаги ютуқлари билан давлатимиз манфаатларига ўз ҳиссасини қўшиб келаётган тенгдош ва сафдош дўстларимни ва шу қаторда менинг ҳам тантанавор ҳарбий либосда тушган фотосуратим жойланибди.

Фарзандининг камолидан ўзи номлаганидек бахт кўзёшларини тия олмаган Она сиймоси ва азиз Ватан туйғуси барчамиз учун бир му-жассамликда ҳамisha «Она Ватан!» бўлиб қолсин.

Майор Меҳриддин МУРАДОВ

ТАЪЗИМДАМИЗ

Кўхна тарихимизга назар солар эканмиз, кўз олдимизда йиллар, асрлар ошса-да унутилмайдиган ўз Ватанини, она тупроғини ёвуз босқинчи, ғанимлардан асраб-авайлаб, халқининг озодлиги, хурриятини ўз тинчидан афзал билган, ҳатто бу йўлда жонларини фидо этган буюкларнинг тенгсиз қахрамонликларида намоён бўлади. Бу курашларнинг мазмуни – эзгуликка интилиш, мезони – инсонларга наф келтириш, мақсади – ўз халқи ва Ватани учун синовларга дош бериш демек.

Жасоратнинг катта-кичиги бўлмайди. Ўзбекистон Республикаси мустақиллигини ҳимоя қилишда буюк қилмас ирода ва матонат намунасини намоён этган йигитларимиз ҳар қанча таҳсин ва олқишга лойиқдир. Уларнинг ҳаёт йўли ёш авлодга катта ўрнак, намуна бўлиб, уларда ҳарбий касбга ҳавас, муҳаббат ҳисларини уйғотишга хизмат қилмоқда. Мана шундай мард ўғлонлардан бири Фарғона вилояти Қувасой шаҳрида туғилиб, вояга етган сержант Қахрамонжон Мадолимовдир. У ўз исмига муносиб яшади, юртнинг қахрамони бўлди.

Қахрамонжон Мадолимов 1991 йил тиббиёт билим юртини тамомлаб, йигитлик бурчини ўташ учун ҳарбий хизматга йўл олади. Муддатли ҳарбий хизмат давомида унда ҳарбийлик касбига жуда кучли меҳр уйғонди ва 1993 йилдан ҳарбий қисмлардан бирида ҳақиқий ҳарбий хизматни бошлади.

Хизмати давомида тиришқоқлиги, билими ва истеъдоди билан топширилган ҳар қандай вазифани аъло даражада адо этиб, бурчига садоқати ҳамда фидойилиги, намунали интизоми билан хизматдошлари орасида ҳурмат ва эътиборга эга бўлди.

2000 йилнинг август ойида Сурхондарё вилоятининг тоғли ҳудудларида қуролланган халқаро террорчи жангари тўдалар юртимизга бостириб киришга уринди. Махсус бўлинма ва унинг таркибидаги фельдшер, сержант Қахрамонжон Мадолимов биринчилардан бўлиб юрт ҳимоясига отланди, тоғли ҳудудларда босқинчиларга қарши бўлган жангларда фидойилик, мардлик намуналарини кўрсатди. Махсус бўлинма қидирув ишларини олиб бораётган бир пайтда, кўққисдан душман ҳужумига дуч келади ва қашшатгич жанг бошланади. Бу жангда тиббиёт фельдшери, сержант Қахра-

монжон Мадолимов жонини хатарга қўйиб, душман ўқидан яраланган бир қанча ҳарбий хизматчиларга зарур биринчи тиббий ёрдамни кўрсатиб, ярадор сафдошларини жанг майдонидан хавфсиз ҳудудга олиб ўтишда тенгсиз жонбозлик кўрсатди, лекин Қахрамон бу жангда мардларча ҳалок бўлди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2000 йил 25 августдаги фармонида мувофиқ, муносиб хизматлари, мардлиги учун сержант Қахрамонжон Мадолимов вафотидан сўнг «Жасорат» медали билан тақдирланди.

Менинг ҳарбий касбга қизиқишим шу инсон орқали уйғонган. Мактабда ўқиб юрган чоғимиздаёқ устозларимиз бизга Қахрамон Мадолимовнинг ҳаёти ва жасорати билан боғлиқ жуда кўплаб воқеаларни сўзлаб берган. Бу ҳикояларни катта қизиқиш ва мароқ билан тинглаб, ана шундай жасур ўғлон билан ҳамшаҳар бўлганимиздан жуда фахрланганмиз. Ўшанда беғубор болалик ҳайрати ила «Катта бўлсак, биз ҳам, албатта, Қахрамон акадек қахрамон бўлаемиз», дея ният қилгандик. Кўпчилик ўртоқларим қатори, мен ҳам, мактабни битириб, бу мақсадимга эришдим. Аслида Фарғона давлат техника университетини тамомлаган бўлсам-да болаликдаги орзум сабаб ҳозирда Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисмида хизмат қилиб, юртимиз рав-



наки, озодлиги ва ободлиги учун оз бўлса-да ўз ҳиссамни қўшмоқдаман.

Қуролли Кучларимиз ташкил этилганининг 31 йиллиги тобора яқинлашаётган кунларда азиз юртдошим, ўзбек ўғлони, менинг устозим (бунга ҳақлиман) Қахрамонжон Мадолимовни ёдга оламан. Унинг ҳақиқага дуолар қиламан ва шундай дейман:

«Сенинг ҳаётинг бесамар кетмаган, сенинг жасоратинг матонат тимсоли бўлиб мангуликка битилган, номинг қалбимизда абадий яшайди. Сени дунёга келтирган, вояга етказган, тарбиялаган, Ватанга муносиб хизмат қилиш, уни ардоқлаш, ҳимоя қилиш, меҳр-муҳаббат кўрсатиш, йигитлик шаъни, ғурурини асраш каби буюк ҳисларни сингдирган олган ота-онанг олдида чексиз таъзимдаммиз».

Контракт бўйича ҳарбий хизматчи Жўрабек ШЕРМАТОВ

ДОИМО ҚАЛБИМИЗДАСИЗ!

Ҳар бир инсон бу ҳаётга ўздан яхши ном қолдириш учун келади. Унинг қилган хайрли ва савоб ишлари кишилар хотирасида абадий муҳрланиб қолади. Аммо шундай кимсалар ҳам борки, улар юрт равнақига муносиб ҳисса қўшиш ўрнига, балки унга тўсқинлик қилади. Бундай ғаламисларни қабих ниятидан қайтаришдек улуғ мақсад йўлида хизмат қилаётган ўғлонларимиз бисёр. Улар Ватан тинчлиги учун керак бўлса жонини ҳам фидо қиладилар. Катта лейтенант Азизжон Турсунов ҳам ана шундай инсонлардан бири эди.

У болалигиданоқ ким бўлишини англаб етганди. Тенгдошлари билан ўйнаганида эса доимо адолатпеша милиция ходими ролини бажарарди. Белида аскар камари, қўлида қурол, хаёлан атрофидегиларни кўринмас душманлардан ҳимоя қиларди гўё. Унинг ана шу орзулари келажақдаги касбига бўлган меҳрини янада оширди. Шу сабабли ҳали олийгоҳни ҳам тамомлаган Азизжон ички ишлар органларига қабул қилишларини сўраб мурожаат этди. Чунки у она Ватанимиз тинчлиги йўлида қалқон бўлишни астойдил хоҳларди. Шунинг учун ниятига ҳам етди. 1999 йили Тошкент вилояти Ички ишлар бўлимига ишга қабул қилинди. Олмалиқ ўқув марказида махсус тайёргарликдан ўтгач, Оққўрғон тумани Ички ишлар бўлими Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бўлими профилактика инспектори лавозимига тайинланди.

Айни шу даврдаги хизмат унинг касб маҳоратини оширибгина қолмай, балки ҳаёт йўлини танлашда ҳам муҳим туртки бўлди. У ҳамиша воқеалар ичида бўлишни яхши кўрарди. Доимо изла-нишда, ҳаракатда, тиниб-тинчимас, серғайрат ўғлон ўз ҳудудидаги аҳвол-

ни яхши билар, иш натижалари доимо юқори баҳоланарди.

Шу сабабли Азизжондаги интилиш, касбига бўлган садоқат ва фидойилик фазилатлари раҳбарият эътиборидан ҳам четда қолмади. У 2002 йили Оққўрғон кўрғони милиция бўлимида Жиноят қидирув ва терроризмга қарши кураш гуруҳи тезкор вакили этиб тайинланди.

Азизжон жиноятларни фош этишга, қонунбузарларни қўлга олишга уста эди. Бу йўлда тинмай изланарди. Изқуварликка оид турли китобларни мутолаа қилар, соҳа сир-асрорларини пухта ўрганишни истарди. Энг таҳлика-ли, масъулиятли вазиятларда ҳам ўзини ҳеч қачон четга олмаган. Ҳар бир ишда биринчи бўлишга интиларди. Қўл жанги бўйича спорт устаси эди. Икки йил давомида у ўз касбининг кўплаб сир-синоатларини ўзлаштирди. Изқуварликка эса бутунлай шўнғиб кетганди.

Жамиятда ўз ўрнини топаётган Азизжонга барча ҳавас қиларди. Аммо тақдир экан, нима ҳам дердик. Ҳаётда қувонч билан бирга қайғу ҳам ёнма-ён юраркан. Агар мудҳиш воқеа юз берган ўша кунни эсласак, ҳар қандай кишининг юрак бағри эзилади.

2004 йилнинг 29 март куни террорчиларнинг бошлиғини қўлга олган Азизжон бу ҳақда онасига ҳам айтмаганди. Эртасига эса яна шошилиб ишга жўнади. 30 март куни пойтахтга олиб борадиган йўлларда кузатув кучайтирилган эди. «Қорамурт» блок постига сафарбар этилган ходимлар ҳар бир транспорт воситасини синчиклаб назоратдан ўтказарди. Тонгги соат тахминан еттиларда ушбу постга «Тико» автомашинаси яқинлаша бошлади. Вилоят ИИБ ЙХХБ инспектори, милиция старшинаси Ваҳобиджон Нуриддинов мазкур автомашинага тўхташ ишорасини берди. Автомашинани ҳайдовчиси уни секинлатгандек бўлдию, аммо тўхтатмай юриб кета бошлади. Бу ҳолатни кўриб турган вилоят ИИБ ЙХХБ бўлим бошлиғи подполковник Саидахмад Абсаттаров ва Қибрай тумани ИИБ ЖК ва УЖҚКБ тезкор вакили катта лейтенант Азизжон Турсунов уни тўхтатиш учун шошилишди.

Азизжон ўт-олов эмасми, дадил шижоат билан автомашина томон юрди. Ҳайдовчи машина устига деярли бостириб келаётган ходимнинг талабига бўйсунидан бошқа иложи йўқлигини сезди. Азизжон ҳайдовчининг ҳужжати ва йўловчиларга разм соларкан, уларнинг машинадан тушишларини буюрди. Чангалдан чиқиб кета олмаслигига кўзи етган террорчилар тушиши ҳамано белларига боғлаб олган қўлбола портлаш мосламасини ҳаракатга келтиришди.

Азизжон Турсунов ёнида турган такси ҳайдовчисини фавқулодда ҳолатдан асраш учун уни тўсиб, йўловчинини итариб юборди. Ўзи эса душман қуролига кўксини қалқон қилиб фидойиларча ҳалок бўлди.

– Акам ҳақиқий ватанпарвар, мард ва жасур, бир сўз билан айтганда, юртнинг асл ўғлони эди. Ўз касбини чин дилдан севарди. Шу боис сафдошлари ҳам уни қаттиқ ҳурмат қиларди. У доимо халқимиз тинчлиги йўлида фидойиларча хизмат қилишни шараф деб биларди. Бунинг уддасидан чиқди ҳам. Охирги нафасини ҳам она Ватанимиз осойишталигига бахшида этди, – дейди марҳумнинг синглиси Зулайхо Турсунова.

Дарҳақиқат, у ана шундай инсон эди. Бу ҳақда унинг талабалик даври ўтган Тошкент давлат аграр университетининг ўша пайтдаги ўқитувчиси Шоназар Қурбонов куйидагиларни ифода қилганди.

– Жаннатмонант диёримизнинг гуллаб яшнашида Азизжондек жонкуяр йигитларимизнинг ҳиссаси беқиёсдир. Ёшлигидан она заманимизнинг забардаст ҳимоячиси бўлишни орзу қилган бу азамат мақсадига эришди. Керак бўлса, ушбу нияти йўлида жонини ҳам фидо қилди. Уйлайманки, бундай қахрамонларни жонажон халқимиз ҳеч қачон унутмайди. Доимо қалбининг туб-тубида асрайди.

Шундай қилиб ёрқин юлдуз бўлиб порлаган Азизжон чимилдикқа киришига бир ой қолганида бу оламни тарк этди. Унинг яқин жигарбандлари бўлмиш ота-онаси, синглиси ва қариндошларининг ўша дамдаги дардли фарёдларини айтишга тил ожизлик қилади. Бундай оғир мусибат ҳеч кимнинг бошига тушмасин. Эрта-индин никоҳ қўйлагини танлашга бораётган, ҳали ёрининг қадди бастига тўйиб боқолмаган қизинг нолалари ўзига ҳамда унинг кўз ёшларидан ҳўл бўлган ёстиқларга аён.

Дарвоқе, бор-йўғи йигирма етти йил умр кўрган, эл-юртнинг осойишталиги учун жонини қурбон қилган Азизжон ва унинг сафдошлари қалбимизда барҳаёт. Уларнинг матонати ва жасорати олдида доимо бош эгамиз. Зеро, мардонатор ҳаёт кечирганлар абадий тирикдир.

Михли САФАРОВ

ХУРЛИК ФИДОЙИЛАРИ

(воқеий қисса)



(Давоми. Боши ўтган сонда)

ШАФҚАТСИЗ ЖАЛЛОДЛАР

– Турларинг, тонг отди!
Амирнинг буйруғи ўтирган жойида ёнбошлаган кўйи тошдек қотган жангариларни жойидан кўзғатди. Атрофни қуюқ туман қоплаган, бир қулоқ нарини илғаб бўлмасди. Қисик қўзларини нафрат қоплаган «Абдуллох» атрофга қараб алам билан сўкинди.

– Бу нимаси, ҳаво яхши бўлиши керак эди! Куннинг сарғайиб ботиши шундан далолат бергани, – Саидга қараб худди у айбдордек, илондек вишиллади. – Йўлга тушамиз, ҳар дақиқа ғанимат.

– Одатда, туман кўтарилгандан кейин ҳаво очилиб кетади, – тўдабошини тинчлангирди «ўнг кўли». – Узоғи билан бир соатларда туман таркаши керак.

– Бир соат!? – Саидга қараб ўшқирди у. – Кутишга фурсат йўқ, аҳмоқ! Ўн дақиқа ичида йўлда бўламиз!

– Бу об-ҳавода қандай қилиб... – жангарилар орасида эътироз қулоққа чалинди.

– Ҳозир қайси биринг мингирладинг?! – кўл остидагиларга бир-бир кўз югуртирди амир. – Лагерда, тоғларда барчанг машқ қилгансан, чиниққансан, синовдан ўтгансан! Тоғда кўзингни боғлаб қўйса ҳам, ҳар қандай об-ҳавода йўл топиб юришинг керак! Эгнингдаги кийим-бошга қадар тоғдаги ҳаракатингга мосланган! Тўғримми?!

– Шундай!... – ўқрайиб турган тўдабошига жавоб қайтарди жангарилар.

– Огоҳлангириб кўяй, йўлда ким лат еса, ўзи юра олмай ёрдамга муҳтож бўлса, ўша ернинг ўзида у билан хайрлашамиз. Тўғрироғи, ундан воз кечамиз. Улуғ вазифага кушанда бўлишга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ! Шу сабаб ҳар қадамингни йўлаб босларинг...

Аламзада «Абдуллох»нинг қаҳр ила ўқиган ваъзидан сўнг бир қадар хушёр торгган босқинчилар йўлга отланди.

– Туман жуда қуюқ, ҳамма кўлига фонарь олсин, – амир билан келишиб, шу хулосага келди Саид. – Йўлингизни ёритиб кетасиз. Бир-бирингиздан ортда қолманг, сўқмоқдан бир қадам ҳам четга чиқмаслик керак. Йўқса, ҳалокатга учрашингиз муқаррар.

Йўлбошловчи харитага қайта-қайта кўз югуртириб, бир томони жарлиқдан иборат илон изи сўқмоқдан жангариларни бошлаб кетди. Тоғ сўқмоғида икки соатлар чамаси юрган босқинчилар навбатдаги дарага дуч келди. Улар сўқмоқдан дара томон пастлагани сари туман кўтарилиб борди.

– Шу ерда овқатланамиз.

Орқасида оғир юк – автомат ва гранатомёт, пистолет ва гранаталар, катта иншоотларни портлатиш учун мўлжалланган қўлбола портлаш моддаларини тайёрлашга мўлжалланган хомашё, озиқ-овқат, тиббий восита ва дори-дармонлар ҳамда бошқа керакли анжомлар кўтариб олган террорчилар амирнинг қароридан энгил тин олди. Ҳансираган кўйи орқасидаги юқдан халос бўлишга шошилди.

– Бу ерлар аҳоли пунктларига яқин, – тўда йигитларини огоҳлангирди Саид. – Нар борса, қирқ-қирқ беш километрдан кейин дам олиш зоналари бошланади. Оҳангароннинг Янгиобод шаҳарчаси ҳам ўша атрофда жойлашган. Дачага жойлашиб олганимиздан кейин шаҳарчадан озиқ-овқат ва керакли нарсаларни сотиб олсак бўлади. Пухта тайёргарликдан сўнг асосий вазифага ўтамиз. Ҳозир ҳар қадамда эҳтиёт бўлиш зарур.

– Кимдан хавфсираяпсан, овчиларданми? – савол назари билан қаради бадқовоқ «Абдуллох».

– Тўғри топдингиз, амир, ашаддий овчилар бу жойларда сероб. Улар қорли об-ҳавони писанд қилмай овга чиқаверади. Шу ерларда туғилган, тоғ ҳавосида чиниққан. Бирор жонот овламагунча пўстинига ўраниб, милтигини кўтариб юраверади. Пана-пастқам, ғорларни яхши билади.

– Ажалини излаб юрган бўлса, майли, келаверсин. Йигитларим маза қилиб овлайди уларни. Тўғримми? – кўл остидагиларга қараб хунук иршайди тўдабоши.

– Олдимиздан чиқса, бир чигал ёзардик, – жангарилардан кимдир унинг фикрини маъқуллади.

– Агар, – турки дарҳол жиддий тус олди амирнинг, – агар овчим, ўрмончиси, бизни пайқамаса, ортиқча ҳаракат қилинмайди. Кўздан йўқолгунча фақат панада кузатиб турамиз. Бундай майда ишлар асосий вазифамизга халақит қилмаслиги керак. Ҳаммага тушунарлими?

Босқинчилар амирнинг қарорига бўйин эгган кўйи овқатланишга тутинди. Ҳар эҳтимолга қарши атрофни кузатиб туришга иккита соқчи кўйилди...

– Ҳамма овқатланиб бўлдими, ҳеч бирингда муаммо йўқми? – ўз тилидан ташқари ўзбек ва рус тилларида яхши гапирадиган, Ўзбекистон фуқароси бўлган «Абдуллох» навбатдаги режани эълон қилди: – Ҳозир Саид огоҳлангирган дам олиш зонаси томон ҳаракатланамиз. Айна фурсатда у ерда дам олувчилар бўлмаса керак. Бўлса ҳам кам. Дачаларга яқинлашганимизда кичик гуруҳларга бўлинишимизга тўғри келади. Белгиланган дачага қоронғида кириб борамиз. Кимнингдир кўзи тушса ҳам овчилар деб ўйласин. Атрофдагиларда шубҳа уйғотмаслик учун соч-соқолларингни ўша ерда тартибга келтириб оласанлар! Асосий масалани кейин ҳал қиламиз.

– Энди ҳамминг кўлида дурбин бўлиши керак! – қонга ташна қашқирдек хурпайиб тур-

ган тўда жангариларига буюрди Саид. – Йўлга тушишдан аввал барчанг бўйнингга илиб ол! Имкон борица атрофни кузатиб, қадам ташлаймиз, – кўлидаги харитадан бош кўтариб кўшиб қўйди: – Манзилга етиб бориш учун яна учта доvon ошамиз.

Жангарилар Саид бошчилигида арча, қарағай, турли буталардан иборат дара бўйлаб юришда давом этди. Туман кўтарилган бўлса-да, оппоқ қиров қоплаган табиат сокинлик ичида тошдек қотган. Тиниб-тинчимас қушлар ҳам кўзга ташланмайди. Босқинчилар маълум масофадан сўнг яна қиялик бўйлаб тоққа кўтарила бошлади. Тўда йигитлари қай даражада бақувват бўлмасин, барчаси хансираб ҳаракат қилар, орада ўз тилида сўкиниб қўярди. Бирин-кетин тоғ теласидаги ялангликка чиққан жангарилар кутилмаганда милтиқ кўтарган иккита йигитга дуч келди. Улар жангарилардан икки юз метрлар чамаси узоқликда турарди.

– Мана, сен айтган овчиларга дуч келдик, – Саидга маъноли қаради «Абдуллох». – Балосан, Саид, катта амир бекорга ёрдамчи қилиб бермаган сени. Бўладиган ишни олдиндан биласан.

– Бу нарсада сир йўқ, амир. Чунки мен ҳам тоғда ўсганман.

– Йигитлар, ҳаракатдан тўхтамаймиз! – кўл остидагиларга сирли овозда буюрди тўдабоши. – Йўлимиз устида иккита нишон турибди. Ҳамма кўряптимми?

– Кўряпмиз... кўряпмиз, – олдиндаги «нишонлар» томон бамайлихотир қадам ташлашда давом этди террорчилар.

Овчи йигитлар милтигини елкасида тутганча босқинчиларнинг яқинлашишини қизиқиш билан кузатиб турарди. Ҳа, тоғда кимлар юрмайди, геологлар, сайёҳлар, тоғ ўрмони қоровуллари, ўзлари каби овчилар. Аммо... аммо соч-соқоли ўсган бу кимсалар ҳеч бирига ўхшамайди. Содда овчилар «мехмонлар»ни тахмин қилиб улгургунча жангарилар уларнинг олдида пайдо бўлди.

– Ов қилгани чиқдиларингми, йигитлар? – мулоимлик билан сўради Саид.

– Сизлар кимсизлар? – саволга савол билан жавоб қайтарди овчилардан бири. – Бу ўртада сизларга ўхшаш одамларни ҳеч кўрмагандик.

– Кўрмаган бўлсанг, мана, олдинда турибмиз, яхшилаб қараб ол, – йигитларни ўраб олган жангарилар бири кўйиб-бири уларни масҳара қилиб кула бошлади.

– Ҳа, бу бизни охириги кўришинг бўлади.

– Қайси бирингнинг жанг қилишга уқувинг бор? Қани, пўстинингни еч, бир куч синашайлик! – рус миллатига мансуб барваста жангари юкини ерга қўйди. – Озгина чигалимиз ёзилсин...

Вазиятни бетоқат кузатиб турган Саид тўдабошининг олдига бориб, аста шивирлади: – Овчиларни тезроқ тинчити, йўлга тушишимиз керак, ортиқча ҳаракатнинг кераги йўқ.

Бунга жавобан инжиқ ва талабчан «Абдуллох» негадир «қўявер», дегандек, бепарво қўл силтаб қўйди ва:

– Йигитларим озгина хурсандчилик қилсин. Бундай «ўлжа» доим ҳам олдимиздан чиқавермайди, – деди ҳолатни мамнун кузатиб. – Сен ундан кўра, тўртда йигитни тўрт тарафга қўй, дурбинда атроф назоратида бўлсин!

– Амир, орқамизда из қолдирмаслигимиз керак. Харитага қараганда шу яқин атрофда ғор бор. Овчиларни ўша ерга олиб бориб...

– Йигитларнинг шахтини бўғмасанг-чи! – Саидни жеркиб ташлади тўдабоши. – Ёдингда бўлсин, бу ерда қарорни фақат мен чиқараман! Сендан маслаҳат сўрасамгина оғзингни очинг мумкин. Тушунарлими?

– Тушунарли.

– Унда, овозингни ўчириб, айтганимни қил, хушёрликни таъминла!

Шафқатсиз жаллодлар карахт ҳолда турган овчи йигитларни ҳамон масҳара қилар, қотилликка шай турарди...

(Давоми бор)

Зулфия ЮНУСОВА,
«Vatanparvar»



Taekvondo

Taekvondo WT bo'yicha dunyoning eng kuchli sportchilari ishtirokida yilning so'nggi Gran-pri turniri Saudiya Arabistoni poytaxti Ar-Riyod shahrida o'tkazildi. Unda yurtimizning 4 nafar taekvondochisi qatnashdi va yakunda Mudofaa vazirligi Oliy sport natijalarini rivojlantirish markazi (MVSM) vakili, Olimpiada chempioni Ulug'bek Rashitov sovrindorlar safidan joy oldi.



ULUG'BEK YANA SOVRINDOR

a'zolaridan faqat Mudofaa vazirligi Oliy sport natijalarini rivojlantirish markazi vakili Ulug'bek Rashitov muvaffaqiyatli qatnashdi va sovrindorlar safidan joy oldi. Saralash bosqichidan qiyinchiliksiz o'tgan sportchimiz nimchorak finalda isroillik Nimrod Krivishkiyni, yarim finalda britaniyalik Bredli Sindenni mag'lub etdi. Finalda unga iordaniyalik Zaid Karim qarama-qarshi keldi. Muxlislar ushbu bahsda Olimpiya o'yinlari chempioni Rashitovning g'alaba qozonishini kutishgandi. Biroq... o'tgan oy Meksikada o'tkazilgan jahon chempionatida ham muxlislar Rashitovdan navbatdagi muvaffaqiyatni kutib turgan bir paytda u hatto sovrindorlar safidan ham o'rin egallamagandi. Ar-Riyod Gran-prisida esa taekvondochimizdan hal qiluvchi final bahsida biroz omad yuz o'girdi. Bahs qariyb teng kurash ostida kechdi, ammo hakamlar iordaniyalik sportchi 1:2 hisobida g'alaba qozonganini qayd etishdi. Shu tariqa, MVSM

vakili Ar-Riyod Gran-pri turnirini kumush medal va "Parij – 2024" yozgi Olimpiadasi yo'lida 60 reyting ochkosiga ega bo'lgan holda yakunladi.

Ar-Riyod shahrida para taekvondo bo'yicha ham Gran-pri turniri o'tkazildi. Unda 24 davlatning jahon reytingida 1–8-o'rinlarda borayotgan 80 nafar matonatli sportchisi ishtirok etib, g'oliblik uchun o'zaro bahs olib borishdi. Yakunda O'zbekiston para taekvondo terma jamoasi a'zolaridan uch nafari mazkur xalqaro turnir sovrindori bo'ldi. Xususan, hamyurtimiz Guljanoy Naimova (+65) o'z vazn toifasi bo'yicha bahslarning barchasida g'alaba qozonib, Gran-pri turnirining oltin medali bilan taqdirlandi. Ayollar o'rtasidagi bahslarda para taekvondochilarimizdan Ziyoda Isoqova (-47 kg), erkaklar o'rtasidagi bahslarda esa Asad Toshtemirov (-80 kg) kumush medalni qo'lga kiritdi va "Parij – 2024" yozgi Paralimpiya o'yinlari yo'lida muhim reyting ballariga egalik qildi.

Saudiya Arabistoni poytaxti Ar-Riyod shahrida taekvondo WT bo'yicha "Parij – 2024" yozgi Olimpiya o'yinlariga reyting ochkolari taqdim etiladigan Gran-pri turniri bo'lib o'tdi. Dunyoning eng kuchli 140 nafar taekvondochisi qatnashgan turnir G10 tasnifidan o'rin olgan bo'lib, g'olib "Parij – 2024" yozgi Olimpiya o'yinlari yo'lida o'z hisobiga 100 reyting ochkosini qo'shib qo'yish imkoniyatiga ega edi. O'z navbatida, kumush medal sohibiga 60, bronza medal egasiga 36 reyting ochkosi berilardi. Shu jihatlari

bilan ham ahamiyatli bo'lgan xalqaro turnir bahslari o'ziga yarasha shiddatli va yuqori saviyada kechdi.

Jahon reytingida kuchli 16 talikdan joy olgan taekvondochi qatnashish huquqiga ega bo'lgan mazkur turnirda O'zbekiston terma jamoasining 4 nafar vakili ishtirok etdi: Ulug'bek Rashitov (-68 kg, MVSM), Nikita Rafalovich (-80 kg, MVSM), Shuhrat Salayev (-80 kg) va Svetlana Osipova (+67 kg) yurtimiz sport sharafini himoya qildi. Lekin Ar-Riyodga borgan terma jamoamiz



Dzyudo

BOBONOV HAMON YETAKCHI

Tokio "Katta Dubulg'a" turniridan so'ng Xalqaro dzyudo federatsiyasi (IJF) sportchilarning yangilangan reytingini e'lon qildi. Mudofaa vazirligi Oliy sport natijalarini rivojlantirish markazi vakili Davlat Bobonov -90 kg vazn toifasida hamon yetakchi.



Xalqaro dzyudo federatsiyasi taqvim rejasidan o'rin olgan 2022-yilgi "Katta Dubulg'a" turkumiga kiruvchi yirik xalqaro turnirlarning so'nggisi Yaponiya poytaxtida o'tkazildi.

17 nafar mahoratli sportchilardan iborat O'zbekiston terma jamoasi ham Tokio shahriga bordi, ammo vakillarimiz xalqaro turnirda qatnashmadi. Tokio shahri ko'plab terma jamoalar ishtirokidagi xalqaro o'quv mashg'uloti yig'iniga ham mezbonlik qildi. Murabbiy Ilias Iliadis boshchiligidagi terma jamoamiz a'zolari ana shu yig'in va 20–22-dekabr kunlari Isroilda o'tkaziladigan "Masters" turniriga tayyorgarlik mashg'ulotlarida ishtirok etishdi.

Isroilda 20-dekabr kuni boshlanadigan "Masters" turniri nufuzi jihatidan jahon chempionatidan keyingi pog'onada turuvchi musobaqa hisoblanadi. Unda jahon reytingida 36 talikdan joy olgan sportchilargina ishtirok etishi mumkin. Turnirda g'olib chiqqan sportchi hisobini jahon reytingi uchun 1 800, "Parij



– 2024" yozgi Olimpiadasi yo'lida esa 900 ochkoga boyitib oladi. Bu turnirda yurtimizning hozirgi kunda IJF reytingida 36-pog'onagacha o'rinda borayotgan 17 nafar mahoratli polvoni qatnashadi.

Tokio "Katta Dubulg'a" sidan so'ng Xalqaro dzyudo federatsiyasi sportchilarning yangilangan reyting jadvalini e'lon qildi. MVSM vakili Davlat Bobonov 5 650 ochko bilan hamon o'z vazn (-90 kg) toifasida IJF reytingida peshqadamlik qilmoqda. 5 750 ochko bilan o'z vazn (-52 kg) toifasida yetakchi bo'lgan MVSM vakili Diyora Keldiyorova esa bir pog'ona pastga tushdi. Zotan, Tokio "Katta Dubulg'a" sida K e l d i y o r o v a qatnashmadi, aksincha, mazkur turnirda g'oliblikka erishib, qimmatli reyting ochkolariga ega bo'lgan uning raqobatchisi Uta Abe dzyudochimizdan oldinga o'tishga muvaffaq bo'ldi.

"MASTERS" TURNIRIGA QADAR DZYUDUCHILARIMIZNING IJF REYTINGIDA EGALLAB TURGAN O'RNI

ERKAKLAR

-60 kg:

1. Yung Vei Yang (*Xitoy Taipeyi*) – 6 155 ochko
27. Dilshodbek Baratov (*O'zbekiston, MVSM*) – 1 585 ochko

-66 kg:

1. Denis Viyeru (*Moldova*) – 6 934 ochko
14. Sardor Nurullayev (*O'zbekiston*) – 2 144 ochko
25. Muhiddin Tilovov (*O'zbekiston, MVSM*) – 1 316 ochko

-73 kg:

1. Lasha Shavdatuashvili (*Gruziya*) – 6 527 ochko
8. Murodjon Yo'ldoshev (*O'zbekiston*) – 2 781 ochko
14. Obidxon No'monov (*O'zbekiston*) – 2 160 ochko
24. Shahram Ahadov (*O'zbekiston*) – 1 660 ochko
31. Hikmatilloh To'rayev (*O'zbekiston, MVSM*) – 1 496 ochko

-81 kg:

1. Tato Grigalashvili (*Gruziya*) – 7 496 ochko
5. Sharofiddin Boltaboyev (*O'zbekiston*) – 3 725 ochko

-90 kg:

1. Davlat Bobonov (*O'zbekiston, MVSM*) – 5 650 ochko
2. Beka Gviniashvili (*Gruziya*) – 4 945 ochko

-100 kg:

1. Mixael Korrel (*Niderlandiya*) – 5 217 ochko
9. Muzaffarbek To'raboyev (*O'zbekiston, MVSM*) – 3 310 ochko
28. Otobek To'raboyev (*O'zbekiston, MVSM*) – 1 332 ochko

+100 kg:

1. Temur Rahimov (*Tojikiston*) – 5 254 ochko
8. Alisher Yusupov (*O'zbekiston*) – 3 301 ochko
20. Shohruh Baxtiyorov (*O'zbekiston, MVSM*) – 2 110 ochko.

AYOLLAR

-52 kg:

1. Uta Abe (*Yaponiya*) – 5 800 ochko
2. Diyora Keldiyorova (*O'zbekiston, MVSM*) – 5 750 ochko
30. Sita Qadamboyeva (*O'zbekiston*) – 1 087 ochko

-70 kg:

1. Sanne van Dijke (*Niderlandiya*) – 6 424 ochko
16. Gulnoza Matniyazova (*O'zbekiston, MVSM*) – 2 826 ochko

Harakat xavfsizligi

YO'L QOIDASI –

UMR FOYDASI!

Har bir inson texnika boshqarayotganda, albatta, birinchi navbatda yo'l harakati xavfsizligiga rioya qilib, ehtiyotkor bo'lishga, diqqatini chalg'itmaslikka harakat qiladi. Bunda nafaqat transport vositalarining, balki piyodalarning harakatiga ham ahamiyatli bo'lish talab etiladi. Zero, birgina kichik xato yoki e'tiborsizlik qanday ayanchli oqibatlariga olib kelishini hammamiz yaxshi bilamiz.



Shuning uchun ham Mudofaa vazirligi qo'shinlarida harbiy xizmatchilar o'rtasida yo'l-transport hodisalarining oldini olish, ular uchun harbiy xizmat o'tashning xavfsiz sharoitlarini yaratish hamda hayoti va sog'lig'ini saqlashni ta'minlash masalalari doimiy diqqat markazida bo'lib kelmoqda.

Bu borada muntazam ravishda o'tkazilayotgan turli targ'ibot-tashviqot ishlari, profilaktik chora-tadbirlar fikrimizning yaqqol dalilidir. Shunday tadbirlardan biri Nukus garnizonidagi harbiy qismlarning birida "Yo'l qoidasi – umr foydasi!" mavzusida bo'lib o'tdi. Unda Nukus garnizoni harbiy avtomobil nazorati inspeksiyasi hamda Qoraqalpog'iston Respublikasi YHXB mutaxassislari ishtirok etdi. Ma'ruzalarda yo'l harakati qoidalari mamlakatimiz hududidagi yo'llarda harakatlanishning yagona tartibini belgilash, ushbu qoidalar mamlakatimiz hududida harakatlanuvchi barcha yo'l harakati qatnashchilariga tegishli ekanligi ta'kidlandi. Yo'l-transport hodisalariga olib kelayotgan sabablar va ularning oqibatlari tahlil qilindi.

Shu kuni soha mutaxassislari tomonidan transport vositasiga ega bo'lgan harbiy xizmatchilar uchun mashg'ulot o'tkazildi.

Shimoli-g'arbiy harbiy okrug matbuot xizmati

Targ'ibot

"BIZ KORRUPSIYAGA

QARSHIMIZ!"

Nukus garnizoni ma'naviyat va ma'rifat markazida "Biz korrupsiyaga qarshimiz!" mavzusida targ'ibot-tashviqot tadbiri o'tkazildi.



Korrupsiya bu – har bir jamiyatning ijtimoiy-iqtisodiy rivojlanishini izdan chiqaruvchi, uning tanazzuliga sabab bo'luvchi global muammo. Bu illatga qarshi butun dunyoda olib borilayotgan keskin kurashga qaramay hali hamon ko'rsatkichlari pasaymayapti. Shuning uchun ham unga qarshi kurashish borasida aholining huquqiy ongi va madaniyatini oshirish, jamiyatimizda korrupsiyaga nisbatan murosasiz munosabatni shakllantirish eng dolzarb vazifa bo'lib qolmoqda.

Tadbirda so'zga chiqqanlar bu haqda alohida to'xtalar ekan, mamlakatimizda mazkur illatning oldini olish maqsadida qonunchilikda qabul qilingan huquqiy-normativ hujjatlar va ularning ahamiyati to'g'risida batafsil gapirib o'tdi. Shu bilan birga pora olish va berish hamda bu jarayonda vositachilik qilish kabi korrupsion holatlarda qonunchilikda belgilangan jazo haqida tushuncha berib, barchani ogohlikka va bilib-bilmay jinoyatga qo'l urishdan saqlanishga chaqirdi.

Tadbir so'ngida mavzuga oid videolavha namoyish etildi.

Shimoli-g'arbiy harbiy okrug matbuot xizmati

Ogohlik

HAYOTINGIZGA

BEFARQ BO'LMANG!

Farg'ona harbiy prokuraturasi tomonidan shahar hokimligi vakillari hamda viloyat favqulodda vaziyatlar boshqarmasi hamkorligida "O'zingiz va yaqinlaringizning hayoti va sog'lig'iga befarq bo'lmang" mavzusida Farg'ona politexnika instituti o'quv zalida shahar mahalla fuqarolar yig'ini raislari ishtirokida targ'ibot tadbiri tashkil etildi.



Tadbirda yong'in xavfsizligi qoidalariga rioya qilish, ularning sabablari, is gazi, ovqatdan zaharlanishning oldini olish yuzasidan mutaxassislar tomonidan amaliy tushuntirishlar berildi.

Shuningdek, tadbir doirasida favqulodda vaziyatlar boshqarmasi va boshqa mutasaddi tashkilotlardan mutaxassislar ajratilib, mahalladagi ko'p qavatli uylarning mo'rilar tozalandi, xonadonlardagi gaz hamda elektr jihozlari texnik ko'rikdan o'tkazildi va og'ir oqibatlariga xususida ogohlantirildi.

Tadbir davomida ishtirokchilar o'zlarini qiziqtirgan barcha savollarga batafsil javob oldilar.

Adliya podpolkovnigi Oybek SHERMATOV,
Farg'ona harbiy prokurorining o'rinbosari

PROFILAKTIK

TADBIRLAR O'TKAZILMOQDA

Qish mavsumining boshlanishi, ob-havo haroratining keskin pasayishi bilan uylarda, yotoqxonalarda va boshqa bino, inshootlarda isitish moslamalaridan foydalanish boshlanadi. Shundan kelib chiqqan holda mamlakatimizning barcha go'shalarida yong'in xavfsizligi oyligi doirasida aholi yashash hududlarida, korxonalar va tashkilotlarda, shuningdek, harbiy qismlarda turli profilaktik tadbirlar o'tkazilmoqda.



Tashvishli tomoni shundaki, ayrim fuqarolar tomonidan yashash xonadonlarida uyni isitish maqsadida nosoz yoki qo'lbola usulda yasalgan gaz va elektr isitish moslamalaridan foydalanish hamda ayrim hollarda ularni qarovsiz qoldirishadi. Bu holatlar esa yong'in sodir bo'lishi, is gazidan zaharlanish holatlari va og'ir musibatlarni olib kelishi mumkin.

Shu sababli Samarqand garnizoni yong'in nazorati inspeksiyasi tomonidan Hududiy FVB harbiy xizmatchilari va Hududgaz ta'minot filiali xodim mutaxassislari ishtirokida Samarqand hamda Navoiy garnizoni harbiy qism va muassasalarida harbiy xizmatchilar hamda ularning oila-a'zolari bilan yong'in xavfsizligi, gaz, elektr moslamalaridan to'g'ri foydalanish hamda is gazidan zaharlanish holati va turli xildagi ko'ngilsiz hodisalarning oldini olish bo'yicha mashg'ulotlar olib borildi.

Yong'in xavfsizligi oyligi davomida harbiy xizmatchilarning yashash xonadonlarida profilaktik ko'riklar o'tkazilib harbiy xizmatchilarning oila a'zolariga yong'in xavfsizligi qoidalarini bilan tanishtirildi.

Mayor P. BOYQO'ZIYEV,
Samarqand garnizoni yong'in nazorati
inspeksiyasi boshlig'i

Salomatlik

Куз-қиш мавсумида ҳаво ҳароратининг пасайиб бориши натижасида кўпчиликда халқ тилида «шамоллаш», яъни ўткир респиратор касалликлар, жумладан, грипп кўпаяди.

ГРИПП ВА ЎТКИР РЕСПИРАТОР КАСАЛЛИКЛАРДАН ЭҲТИЁТ БЎЛИНГ!

ЎТКИР РЕСПИРАТОР КАСАЛЛИКЛАР НИМА?

Ушбу касалликлар асосан ҳаво-томчи йўли билан юқадиган ҳамда биринчи навбатда нафас йўллари зарарлайдиган юқумли касалликлар ҳисобланиб, иситма, тумов, йўтал ва томоқда оғриқ каби белгилар билан кечади. Касаллик кўзгатувчилари асосан вируслар бўлиб, баъзан бактериялар ҳам бўлиши мумкин. Ушбу юқумли касалликлардан энг хавфлиси бу – грипп.

ГРИПП ҚАНДАЙ КАСАЛЛИК?

Грипп – вируслар келтириб чиқарадиган ўткир юқумли касаллик бўлиб, тананинг умумий захарланиши, нафас аъзоларининг, асосан юқори нафас йўллари яллиғланиши билан кечади. Касаллик баъзи ҳолларда эпидемия кўринишида тус олиб, ҳар йили миллионлаб одамларни шикастлайди.

У СОҒЛОМ ОДАМГА ҚАНДАЙ ЮҚАДИ?

Грипп соғлом одамга бемор аксирганда, йўталганда, гапирганда, ўпишганда ва у фойдаланган буюмларни ишлатганда юқади. Вируслар ҳаво орқали 2-3 метр масофагача тарқалади. Ҳавода сўлак томчилари ҳаёт фаолиятини 4-5 соат давомида сақлаб қолади. Буюмлар юзасида эса 3-4 кунгача яшаб қолиши мумкин.

ЯШИРИН ДАВРИ МАВЖУДМИ?

Касалликнинг яширин даври жуда қисқа бўлиб, бир неча соатдан 1-2 кунгача давом этади. Яширин даврнинг давомийлиги инсон организмга тушган вируслар миқдори, иммун тизимининг шу вақтдаги ҳолати ва бошқа шу каби бир неча омилларга боғлиқ.

БОШЛАНҒИЧ БЕЛГИЛАРИ ҚАНДАЙ?

Касалликнинг бошланишида беморнинг кайфияти ёмонлашади, эт увушиши, умумий ҳолсизлик, танасида, қўл ва оёқларида зирқираб

оғриқ пайдо бўлади. Тана ҳарорати кўтариледи, бош оғриғи ва йўтал безовта қилади. Баъзи ҳолларда эса касалликнинг биринчи соатларидан бошлаб қалтираш, иситманинг кўтарилиши, бош оғриғи, айланиши, кўнгил айнаши, қусиш, кўз олмасининг оғриши, ёруғликка қарай олмаслик, терлаш каби белгилар ҳам пайдо бўлади. Иситма 39-40° С кўтарилиши мумкин.

БЕЛГИСИЗ ШАКЛЛАРИ ҚАНДАЙ УЧРАЙДИМИ?

Албатта, гриппнинг клиник белгилари кам ифодаланган ёки умуман касалликни соғлом шаклда ўтказиш ҳолатлари ҳам мавжуд. Баъзан грипп энгил шаклда ўтади, тана ҳароратининг кўтарилиши, лоҳаслик, кейинроқ эса йўтал ва тумов белгилари намоён бўла бошлайди. Айрим беморларда касаллик фақатгина бироз бош оғриғи билан кечиб, тана ҳарорати меъёрида бўлади, шамоллаш белгилари бўлмайди. Лекин бу беморлар ҳам маълум муддат бошқаларга вирус тарқатиб туришади.

ҚАНДАЙ АСОРАТЛАРИ БОР?

Энг хавфли асоратларидан ўпка тўқималарининг яллиғланиши – пневмония, мия пардаларининг яллиғланиши – менингит, менингоэнцефалит, қулоқ, бурун бўшлиқлари, буйрак тўқималарининг яллиғланиши каби асоратларнинг юзага келиши билан хавфли. Шунингдек, ўпка сили, ревматизм ва бошқа касалликларнинг қайталанишига сабаб бўлади.

ГРИППГА ҚАРШИ ЭМЛАШ САМАРАЛИМИ?

Юқумли касалликларга қарши энг яхши профилактика бу – эмлаш. Вакцина гриппнинг ушбу мавсумда энг кўп учраши кутилаётган ва энг хавфли ҳисобланаётган 3-4 та штаммига қарши қаратилган бўлиб, эмлаш ушбу штаммлар билан организм тўқнаш келганида касалликдан ҳимояланишга қаратилади. Мудофаа вазирлиги тизимида ҳам

мавсумий гриппга қарши эмлаш ишлари ҳам олиб борилмоқда. Ўрганилган статистик маълумотларга кўра, эмланмаган жамоаларда эмланган жамоаларга нисбатан 3-4 баробар кўп касалланиш ҳолатлари, шунингдек, асоратлари қайд этилган.

ПРОФИЛАКТИКА УЧУН НИМАЛАР ТАВСИЯ ҚИЛИНАДИ?

Грипп ва бошқа ўткир респиратор инфекциялар билан курашишда касалликни эрта аниқлаш, эрта ташхис қўйиш ва жамоадан алоҳидалаш муҳим ўрин касб этади.

ОДАМ ЎЗИНИ ВА АТРОФДАГИЛАРНИ КАСАЛЛИКДАН ҲИМОЯ ҚИЛИШ УЧУН:

- ўткир шамоллаш белгилари пайдо бўлганда мустақил турли дори воситаларини қабул қилмасдан зудлик билан шифокорга мурожаат қилиш;
- йўталганда ва аксирганда оғиз ҳамда бурунни тоза дастрўмол билан беркитиш;
- беморлар билан ёнма-ён ўтирмаслик ва яқиндан гаплашмаслик;
- жамоат жойларида ниқобда бўлиш;
- кўчадан кирганда ва овқатланишдан олдин қўлларни совунлаб ювиш;
- пиёз ва саримсоқ пиёз каби фитонцидларни истеъмол қилиш;
- танасини совқотишдан сақлаш, айниқса кийим-кечакларни ва оёқни қуруқ, иссиқ тутиш;
- мавсум олдида гриппга қарши профилактик эмлаш олиш зарурдир.

Ҳарбий жамоаларда эса юқорида қайд этиб ўтилганлардан ташқари куйидаги чора-тадбирларга риоя қилиш муҳим ҳисобланади:

- аскарларнинг ётоқхоналари уйқудан олдин ва кейин машғулот ўтиш хоналарида машғулотлардан олдин ҳамда улар орасида (танаффусларда) хоналарни шамоллатиш;
- пол, дераза тоқчалари, иситиш батареялари ва мебелларни нам усулда артиш;

➤ ёпиқ хоналарда ўтказиладиган тадбирларни (йиғинларни) камайтириш;

➤ шахсий таркибни техника билан ташишда, ҳаммомда ювингандан кейин қоровуллик хизматида ва дала шароити машғулотларида совқотишдан сақлаш;

➤ ётоқхоналарда қуритиш хоналари, дала-ўқув машғулотлари ўтказиш жойларида исиниш пунктларини ташкил қилиш;

➤ савдо, озиқ-овқат тармоқларида, даволаш-профилактика муассасаларида ниқоб тақишни ташкил этиш;

➤ шахсий таркибни ниқоб тақиб юришини назоратга олиш;

➤ ҳарорати кўтарилганларни тезда алоҳидалаш ва мутахассис кўригига олиб бориш;

➤ организмни чиниқтиришга, бадантарбия билан мунтазам равишда шуғулланишга, тоза ҳавода сайр қилиш ва тоза ҳаводаги эрта-лабки бадантарбияга алоҳида катта эътибор қаратиш.

Юқорида кўрсатиб ўтилган маслаҳатлар тўла-тўқис амалга оширилса, грипп ва ўткир респиратор инфекцияларни шахсий таркиб орасида тарқалишининг олдини олган бўламан.

Тиббий хизмат подполковниги Р. ЭГАМОВ, Фарғона санитария-эпидемиология назорати бўлими бошлиғи

VATAN TARIXIGA SAYOHAT

Toshkent shahrida juda ko'plab muzeylar bor. Ularning aksariyatiga borib, boy taassurot bilan qaytganmiz. Poytaxtimizning Mustaqillik maydonida joylashgan O'zbekiston davlat tarixi muzeyi ham bizga ona yurtimiz o'tmishi bilan yaqindan tanishish imkonini berdi.

Muzey xodimlari iliq qarshi oldi. Ehhe, eksponatlar shu qadar ko'p ediki, qaysi birini tomosha qilishni bilmay, shoshib qoldik. Har bir eksponatning o'z davri, qachon, kim ishlatgani to'g'risida tagxati bor ekan. Ikkinchi qavatga ko'tarildik. Bu qavat muzeyning eng "qaynoq" joyi desak aslo mubolag'asi yo'q. Qavatda paleolit, mezolit, neolit, eneolit, bronza, ilk temir, ilk davlatchilik, antik, ilk o'rta asrlar (1500–1200-y), IX–XII asrlarda O'zbekiston hududida ajdodlarimizning qanday yashagani bo'yicha yuzlab eksponatlarni ko'rdik. Ota-bobalarimizning yashash tarzi, foydalangan buyumlari, kiygan kiyimlari va boshqalar bo'yicha tasavvurimiz bir qadar kengaydi.

Muzeyning uchinchi qavati O'zbekiston mustaqilligi yillari voqeligi o'zida aks ettiradi. Ushbu qavatda O'zbekistonning dunyo hamjamiyatida tutgan o'rnini, kimyo sanoati, qishloq xo'jaligi, tibbiyot, havo yo'llari, ta'lim, sport sohasida erishgan yutuqlari turli panno, videolavha va stendlarda tasvirlangan.

Sirasini aytganda, O'zbekiston davlat tarixi muzeyi Vatanimiz o'tmishining yorqin ko'zguisi sifatida bizda katta taassurot qoldirdi. U yerda ko'rgan ulug' bobolarimizga o'xshab, yurtimiz taraqqiyotiga hissa qo'shishni, Vatan himoyachisi bo'lishni niyat qildik.

**Abdulloh RAHIMJONOV,
Biloliddin RAHIMJONOV,
Yashnobod tumanidagi 230-umumta'lim
maktabi o'quvchilari**

Asosiy qonunimiz yaratilishining murakkab va muhim, ayni chog'da sharafl solnomasiga nazar solar ekanmiz, hech shubhasiz, O'zbekiston Konstitutsiyasi xalqimizning mustaqillik sari uzoq yo'ldagi izlanishlari natijasi ekaniga ishonch hosil qilamiz.

HAYOTIMIZ KAFOLATI

Konstitutsiyani yaratish yo'lidagi birinchi huquqiy qadam o'zbek tiliga davlat tili maqomining berilishidir. Bu haqda gap borganda, avvalambor, 1989-yilning 21-oktabr kuni qizg'in bahs va tortishuvlardan so'ng siyosiy-ma'naviy hayotimizdagi unutilmas hodisa amalga oshirilgani – milliy qadriyatlarimizning asosiy ustunlaridan biri bo'lgan ona tilimizga davlat tili maqomi berilgani istiqloq tarixining eng yorqin sahifalaridan birini tashkil etishini alohida ta'kidlash o'rinli.

O'zbekiston Konstitutsiyasining g'oya va normalarida xalqimizning ko'p asrluk tajriba va ma'naviy qadriyatlarini, boy tarixiy-huquqiy merosi aks ettirilgani uning hayotiyligining kafolatidir. Shu bilan birga, Asosiy qonunimiz ko'plab demokratik davlatlarda Konstitutsiyaviy qurilish sohasidagi ilg'or tajribaning eng yaxshi jihatlari, Inson huquqlari umumjahon deklaratsiyasining umume'tirof etilgan normalari hamda mazkur sohadagi boshqa xalqaro hujjatlarga asoslangan inson huquq va manfaatlarini, erkinligini ta'minlash hamda himoya qilish mexanizmini o'zida mujassam etgan.

Konstitutsiyaning qabul qilinishi ijtimoiy va davlat qurilishi jabhalaridagi munosabatlarni, milliy qonunchiligimizning barcha sohalarini tartibga soluvchi aniq huquqiy tizimni tashkil

etdi. O'tgan davr mobaynida mamlakatimiz parlamenti Konstitutsiya normalariga muvofiq, 8 ta konstitutsiyaviy qonun, 15 ta kodeks, 600 dan ziyod qonunni qabul qildi, 200 dan ortiq ko'p tomonlama xalqaro shartnomani ratifikatsiya qildi va shu tariqa Asosiy qonunimizni amalga oshirishning yaxlit huquqiy mexanizmi yaratildi. Uning samaradorligini vaqt o'zi ko'rsatib turibdi va bu bugun jahon hamjamiyati tomonidan e'tirof etilmoqda.

Konstitutsiya davlatchilik belgisidir. Bir-biridan farqlanuvchi yuridik va haqiqiy konstitutsiya tushunchalari bor. Yuridik konstitutsiya – ijtimoiy munosabatlar doirasini tartibga soluvchi ma'lum huquqiy normalar tizimi. Haqiqiy konstitutsiya esa – shunday munosabatlarning o'zi, ya'ni real mavjud munosabatlar.

Har bir shaxs mehnat qilish, erkin kasb tanlash huquqiga egadir. Barcha fuqarolar dam olish huquqiga ega bo'lib, ish vaqti va haq to'lanadigan mehnat ta'tilining muddati qonun bilan belgilanadi. Har bir inson bilim olish, tibbiy xizmatdan foydalanish huquqiga ega. O'zbekistonda hamma uchun vijdon erkinligi kafolatlanishi Konstitutsiyada mustahkamlangan.

**Diyorbek ISROILOV,
Toshkent davlat yuridik
universiteti talabasi**

Yangi yilingiz muborak bo'lsin!

O'zbekiston Respublikasi mudofaasiga ko'maklashuvchi "Vatanparvar" tashkilotining Xorazm viloyati kengashi tasarrufidagi Gurlan tumani o'quv sport-texnika klubi jamoasi Siz, aziz yurtdoshlarimizni, shuningdek, mamlakatimiz mudofaa qudratini yanada oshirish, uning tinchligi, osoyishtaligi va chegaralarimiz daxlsizligini ta'minlash yo'lida fidokorona xizmat qilayotgan barcha harbiylarni hamda "Vatanparvar" tashkiloti tizimidagi hamkasblarni, ularning oila a'zolarini kirib kelayotgan yangi – 2023-yil bilan chin dildan muborakbod etadi.

Yangi yilda ham jonajon Vatanimiz osmoni musaffo, osoyishtaligi barqaror, bunyodkor xalqimiz sog' va omon bo'lsin!

Fursatdan foydalanib, tashkilot Gurlan tumanida istiqomat qilayotgan barcha yoshlarni "B", "BC", "BE", "CE" toifali haydovchilik o'quv kurslariga o'qishga hamda sportning texnik va amaliy turlaridan – "Havo miltilg'idan o'q otish", "Duatlon" va "Yozgi biatlon" kabi seksiyalariga shug'ullanishga taklif etadi.



Gurlan shahri, Pahlavon
Mahmud ko'chasi
73-uy. "Vatanparvar"
tashkiloti o'quv binosi.
62 365-10-76;
93 465-75-35.

Bellashuv

JANGOVAR QO'SHIQLAR TANLOVI

Mudofaa vazirligiga qarashli Toshkent shahridagi harbiy qism madaniyat markazida "Yuksak jangovar ruh – askarning yengilmas kuchi, armiyaning qudrati!" degan g'oya asosida "Qo'shinlar madhi", "Eng yaxshi jangovar qo'shiq", "Eng yaxshi jangovar chaqiriq va shior" ko'rik-tanlovining qo'mondonlik bosqichi bo'lib o'tdi.



Tanlovning asosiy maqsadi harbiy xizmatchilarning axloqiy-ruhiy tayyorgarligi, jangovar ruhini oshirish, turli murakkab va og'ir vaziyatlarga bardoshlilikini, yot g'oyalarga qarshi mafkuraviy immunitetni mustahkamlash orqali milliy armiyamizning jangovar qudratini kuchaytirishdan iborat. Qo'mondonlik tasarrufidagi harbiy qismlardan kelgan harbiy xizmatchilar o'zaro bellashib, tegishli mezonlar asosida musiqa san'atidagi qobiliyatlarini namoyish etdi. O'zbekiston Respublikasi Qurolli Kuchlari Markaziy ashula va raqs ansambli, davlat va nodavlat tashkilotlar vakillari tanlov ishtirokchilarini adolatlil baholab bordi.

Yakuniy natijalariga ko'ra, "Qo'shinlar madhi" yo'nalishi bo'yicha Toshkent shahridagi harbiy qismdan kontrakt bo'yicha harbiy xizmatchi, oddiy askar Jamshid Toshev 1-o'rinni egallagan bo'lsa, "Eng yaxshi jangovar qo'shiq" yo'nalishida III darajali serjant Asadjon Yo'ldoshev g'olib deb topildi. "Eng yaxshi jangovar chaqiriq va shior" yo'nalishida qo'mondonlik matbuot xizmati tomonidan tayyorlangan jangovar tayyorgarlik va jangovar shaylikni aks ettiruvchi videolavha tanlab olindi.

Saxovat

MEHRGA OSHNO QALBLAR

Jahon sog'liqni saqlash tashkiloti ma'lumotlariga ko'ra, sayyoramiz aholisining 15 foizi nogironlikning u yoki bu turidan aziyat chekadi. Mamlakatimizda shunday insonlarni ijtimoiy qo'llab-quvvatlash tizimli yo'lga qo'yilgan.



Mudofaa vazirligiga qarashli Toshkent shahrida joylashgan harbiy qism qo'mondonligi tomonidan poytaxtimizdagi 77-"Nurli maskan" hamda 106-maxsus maktab-internatlarida xayriya tadbiri o'tkazildi. Unda xushovoz xonanda Shuhrat Daryo, qo'mondonlik harbiy orkestri tomonidan ijro etilgan kuy-qo'shiqlar, harbiy xizmatchilar tayyorlagan sahna ko'rinishlari tarbiyalanuvchilarga manzur bo'ldi.

Ko'rish va eshitishda nuqsoni bo'lgan bolalarning murg'ak qalбини tog'dek ko'tarish, kelajakka va o'ziga bo'lgan ishonchini oshirish maqsadida o'tkazilgan ushbu tadbirda diildan suhbatlashildi. Mazkur maktablarga ehtiyojidan kelib chiqib, maishiy texnikalar xayriya sifatida topshirildi. Ushbu uchrashuvlarning naqadar samimiy va do'stona kechgani tadbirda so'zga chiqqan tarbiyalanuvchilarning kayfiyatida yaqqol aks etdi. Harbiylar bilan uchrashuvdan zavqlangan bolalarning quvonchi cheksiz bo'ldi.

Kapitan Ahrorjon SAFARALIYEV

Tanlov

HAM QUVNOQ, HAM ZUKKO

Mudofaa vazirligiga qarashli Toshkent shahridagi harbiy qismda "Quvnoqlar va zukkolar" ko'rik-tanlovining qo'mondonlik bosqichi o'tkazildi.



Unda besh jamoa uchta shart asosida o'z mahoratini namoyish etdi. Jumladan, "Tanishtiruv", "Videoklip" va "Musiqali uyga vazifa" yo'nalishlari harbiy xizmatchilarning nafaqat kuch va g'ayrati, balki hazil-mutoyibaga qobiliyati tomoshabinlarda unutilmas taassurot qoldirdi. Respublikamizning deyarli barcha hududlaridan saralangan harbiy xizmatchilarni so'z ustasi Botir Imomxo'jayev, umidli xonanda Sherzodbek Jonibekov va Mudofaa vazirligi madaniyat markazi bo'lim boshlig'i podpolkovnik Qutlimurod Sobirov xolisona va adolatlil baholab bordi. Tadbir davomida xushovoz xonandalar va harbiy orkestr tomonidan tarannum etilgan diltortar navolar barchaga ko'tarinki kayfiyat ulashdi.

Yakuniy natijalariga ko'ra, 3-o'rinni Navoiy viloyatidan kelgan "Ajralsak-da, birgamiz" jamoasi qo'lga kiritgan bo'lsa, 2-o'rinni Qashqadaryo viloyatining "Sahro burgutlari" jamoasi egalladi. Toshkent viloyatining "Fidoyilar" jamoasi mutlaq g'olib deb topildi va tanlovning Mudofaa vazirligi bosqichida ishtirok etish uchun yo'llanmani qo'lga kiritdi. G'olib va sovrindorlarga diplom hamda qimmatbaho sovg'alar topshirildi.

Harbiy-vatanparvarlik

2001-yil 20-fevral. Shu kuni Bog'ot tumani Bog'zor mahallasida o'ziga yarasha obro'-e'tiborli Farhod Xudarganov xonadonida o'g'il farzand dunyoga keldi. Chaqaloqqa bobosi yaxshi niyatlar bilan Shodlik deb ism qo'ydi. Shodlik xonadonga baxt va quvonch olib kelishi bilan birga katta bo'lganida Hamro boboning niyatlarini amalga oshirib, Vatan himoyachisi bo'lishi kerak. Chunki otaxon yoshligida harbiy uchuvchi bo'lishdek orzusiga erisha olmagan edi...

EZGU NIYAT YO'LIDAGI SHODLIK

Qahramonimiz, O'zbekiston Respublikasi oliy harbiy aviatsiya bilim yurti 4-bosqich kursanti Shodlik Xudarganov bolaligidan harbiy uchuvchi bo'lishni o'z oldiga maqsad qilib qo'ygan edi. Shuning uchun tinmay sport bilan shug'ullandi. Darslarni, ayniqsa aniq fanlarni puxta o'zlashtirdi. 8-sinfni tugatib, Urganch "Temurbeklar maktabi"da tahsilni davom ettirdi. "Temurbeklar maktabi"dan keyingi manzil O'zbekiston Respublikasi oliy harbiy aviatsiya bilim yurti edi. Kirish imtihonlarini



muvaqqafiyatli topshirgan Shodlik kursantlik libosini kiyib, oilasidagilarning yuzini yorug' qila oldi.

Vatanga qasamyod tantanasiga buvisi Guljon momo, onasi va opasi kelishdi. Guljon momo nevarasini bag'riga bosar ekan, baxtdan o'pkasi to'lib, ko'zlari yoshlandi. Negaki, Guljon momo Hamro boboning nevarasini quchog'ida erkalab, "Ulg'ayib, albatta, uchuvchi bo'lasan. Keyin bizni ham vertolyotga mindirib, osmon-u falakda uchirasan", deganlarini ko'z oldiga keltirdi.

Shodlikning Vatanga qasamyod qabul qilib, kursantlik libosini kiyganiga ham salkam to'rt yil bo'lib qoldi. Hozirda qahramonimiz aviatsiya bilim yurtini tugatish arafasida. Tez orada u bobosi niyat qilganidek, harbiy uchuvchi bo'ladi. Buning uchun Shodlik katta hayot yo'lini bosib o'tdi. Maktabdagi, "Temurbeklar maktabi"dagi intilishlarini bilim yurtida ham davom ettirmoqda. Harbiy vertolyot uchuvchisi mutaxassisligini olish maqsadida nazariy va amaliy ko'nikmalarini oshirib borishdan tashqari, harbiy aviatsiyamiz tarixini mukammal o'rganishga harakat qiladi. Hozirda u o'ttiz soatga yaqin o'quv parvoz tajribasini to'plashga erishdi.

U aviatsiya bilim yurtidagi o'qishi davomida ustozlaridan sohaga oid ko'proq bilim olishga intiladi. O'qishdan bo'sh paytlari kitob o'qish va harbiy aviatsiyaga oid filmlarni ko'rish, jismoniy tarbiya bilan shug'ullanib turadi.

Iste'fodagi ichki ishlar mayori Farhod Xudarganov va boshlang'ich sinf o'qituvchisi Nilufar Durdiyeva shunday farzandni voyaga yetkazganlaridan g'ururlanishadi.

Asror RO'ZIBOYEV,
«Vatanparvar»

Bu – qiziq!

ILK KITOBLAR NIMADAN YASALGAN?

Kitobning paydo bo'lishi bir necha ming yillar nariga borib taqaladi. Hozirgidan farqli ravishda ilk kitoblar turli ko'rinishda bo'lgan. Bobilliklar, ossuriyaliklar va boshqa qadimgi xalqlar fikrlarini, rasmiy hujjat yoki diniy ko'rsatmalarni loydan tayyorlangan taxtachalarga maxsus belgilar yordamida tushirishgan. Yozuv quroli uchli yog'ochlar edi. Mazkur loy kitoblar oftobda quritilgan yoki olovda pishirilgan. Dastlabki kutubxonalar ana shunday sopol kitoblardan tashkil topgan edi. Shunday kutubxonalardan biri miloddan avvalgi VII asrda shoh Ashshur Banipal davrida qadimgi Ossuriya davlatida mavjud bo'lganligi haqida ma'lumotlar bor.



Xitoyda dastlabki kitoblar bambuklarga, keyinchalik mo'yqalam bilan ipakka, milodiy II asrdan boshlab qog'ozga yozilgan.

Qadimgi Misrda kitob matnlari tosh taxtachalarga o'yib yozilgan. Papirus ixtiro qilingandan keyin bir-biriga yelimlangan parchalar bir necha o'n metrni tashkil qilib, ular o'rog'liq holda saqlangan. Misr papiruslaridan deyarli ikki ming yil davomida Yunoniston va Qadimgi Rimda foydalanilgan. O'sha davrda Misrning Iskandariya shahridagi kutubxona qadimgi dunyodagi eng katta kutubxona edi. Miloddan avvalgi II asrda Pergam podshohligidagi ustalar yozuv uchun hayvon terisidan yangi material pergament tayyorladi. Yunoniston va Qadimgi Rimda papirus va pergament juda qimmatbaho material bo'lganligi uchun xomaki matn va xatlar uchi o'tkir tayoqcha bilan ustiga mum surtilgan taxtachaga yozgan.



O'zbekiston hududida ham kitobning paydo bo'lishi yozuvning yaratilishi bilan uzviy bog'liq. Yozuvning tuzilish xususiyatlari: belgilar tizimi, ularning joylashish tartibi, yozuv materiali va qurolining o'ziga xos tomoni hamda boshqalar ma'lum darajada kitob tuzilishini ham belgilab berdi. Qadimgi Misr, Rim, Yunonistonda bo'lgani kabi Markaziy Osiyoda ham kishilar o'z fikrlarini tosh, sopol, suyak va boshqa materiallarda ifoda etgan.

Manbalarda sug'd va pahlaviy yozuvda hayvon terisiga yozilgan kitoblar bo'lganligi haqida ma'lumotlar bor. Zardushtiylik dinining muqaddas kitoblaridan "Avesto"ning qadimgi nusxasi ham teriga yozilgan. Uning keyingi ko'chirilgan nusxalaridan biri Toshkentdagi O'zbekiston xalqlari tarixi muzeyida saqlanadi. Pergamentga bitilgan qadimgi noyob kitob namunalaridan yana biri Usmon Qur'oni Toshkentda O'zbekiston musulmonlari idorasi kutubxonasida saqlanadi.

Qog'ozning kashf etilishi kitob tarixida yangi davr ochdi. II o'rta asrlarda Markaziy Osiyo va Xitoyda qog'oz tayyorlash sanoat darajasiga yetdi. Ma'lumotlarga qaraganda, 650-yillardayoq Samarqandda qog'ozli kitoblar bo'lgan. Shunga qaramay hujjat, maktub, kitob va shu kabi charm, yog'och, suyak, sopol, toshga va kamdan-kam qog'ozga bitilgan. Chunki qog'ozning bahosi nihoyatda baland bo'lgan.

VII–VIII asrlarda Sug'dda savodxonlik yuksak darajada bo'lgan. Toshkentdan topilgan sug'd alifbosida bitilgan mashq taxtasi bu davrda Sug'dda savod o'rganish va kotiblik san'ati maktablari bo'lganligini, binobarin, xuddi hozirgi kitobning varaqlari singari bir-biri bilan biriktirilgan, muqovali kitoblar mavjudligini ko'rsatadi. Bizning ko'zimiz o'rganib qolgan kitobning hozirgi shakli shunday tarixiy jarayonlarni kechirgan.

Muattar MELIYEVA,
«Vatanparvar»

HIKMATLAR

Uch kishini uch joyda tanish mumkin.

Muloyim odamni g'azab kelganda, botir odamni jang maydonida, haqiqiy do'stni hojat tushganda.

Muiniddin JUVAYNIY

Azizim, jang oni va urush soatlarida bahodir kishi faqat shuhrat haqida o'ylamasligi, hayotim va mol-mulkim hech narsa emas, deb o'zi uchun o'zi hukm chiqarishi zarur. Jang paytida arziyas narsalar haqida o'ylashdan ko'ra, yengish haqida o'ylash afzal.

Bayt:

Nomusdan afzalroq bo'lsa

agar bosh,

Sallamas chimmatni yopingin,

ey yosh!

Xoja Samandar TERMIZIY

Ey farzand! Bilginki, shijoat barcha fazilatlarining onasidir. Kimda shijoat boyligi bo'lsa, unda xilma-xil fazilatlar bo'ladi. Shijoatli kishini barcha yaxshi ko'radi.

Shijoatli kishi jangda ham dushman diliga vahima soladi, boshqalarni olg'a yurishga ilhomlantiradi.

Mard bilan ulfat bo'lgan mardlikka yetadi, nomardga yaqin yurgan kishi g'amdan boshi chiqmaydi.

Mard odamning va'dasi ham naqd, ham tez bo'ladi.

«Otalar so'zi»

@Vatanparvargazetasi_bot
"Vatanparvar" birlashgan tahririyati
bilan bog'lanish uchun telegram bot



SHU SONNING
ELEKTRON SHAKLI

VATANPARVAR

MUASSIS



O'ZBEKISTON
RESPUBLIKASI
MUDOFAA
VAZIRLIGI

www.mudofaa.uz

Tahririyat kengashi:

polkovnik Hamdam Qarshiyev
polkovnik Otabek Yuldashev
polkovnik Alisher Boboxonov
Maqsud Abilov

Tahririyatga kelgan qo'lyozmalar taqriz qilinmaydi va mualliflarga qaytarilmaydi.

Mudofaa vazirligi Axborot va ommaviy kommunikatsiyalar departamenti – "Vatanparvar" birlashgan tahririyatining kompyuter markazida sahifalandi.

Bosh muharrir:

podpolkovnik Ahror Ochilov

ISSN 2010-5541

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 2008-yil 6-iyunda 0535 raqami bilan ro'yxatga olingan.

Telefonlar:

kotibiyat: 71 260-36-50
buxgalteriya: 71 260-35-20
yuridik bo'lim: 71 260-29-41
faks: 71 260-32-29

Navbatchi: mayor Gulnora Hojimurodova

Sahifalovchi: Begali Eshonqulov

Musahhih: Sayyora Mirzayeva

Buyurtma: F-1205

Hajmi: 6 bosma taboq

Bichimi: A3

Adadi: 29 420 nusxa

Bosishga topshirish vaqti: 14:00

Topshirildi: 14:30

Gazetaning yetkazib berilishi uchun obunani rasmiylashtirgan tashkilot javobgar.
Mualliflar fikri tahririyat nuqtayi nazaridan farqlanishi mumkin.

Gazeta juma kuni chiqadi.

Gazeta 1992-yilning 24-iyunidan chiqq boshlagan.

Nashr ko'rsatkichi: 114.

Bahosi: kelishilgan narxda.

"Sharq" nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasida chop etildi.
Bosmaxona manzili: Toshkent shahri, Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.

1 2 3 4 5 6

Manzilimiz:

100164, Toshkent, Universitet ko'chasi, 1-uy.